

37
3-23



Ф.М.ЗАКИРОВА, С.С.БАБАДЖАНОВ

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИНИНГ МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

ЗАКИРОВА ФЕРУЗА МАҲМУДОВНА
БАБАДЖАНОВ САЛОҲИДДИН САБИТДЖАНОВИЧ

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИНИНГ МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

(Монография)

ТОШКЕНТ – 2020

УЎК: 37;37(077)

КБК: 378; 6Ф.7

Ф.М.Закирова, С.С.Бабаджанов. Бўлажак ўқитувчининг медиакомпетентлигини ривожлантириш. (Монография). – Т.: «Aloqachi» 2020.-204 б.

ISBN 978–9943–6394–9–2

Олий таълим муассасалари талабаларининг – бўлажак ўқитувчиларнинг - медиакомпетентлиги ахборот тахдидларга қарши курашишнинг омилини аниқлашда ушбу монография муайян даражада хизмат қилади.

Монография педагогика университети ва институтлари талабаларига, техника олий таълим муассасаларининг “Қасб таълими (соҳалар бўйича)” йўналиши талабаларига ҳамда докторант ва мустақил тадқиқотчиларга ва малака ошириш курсларнинг тингловчиларига тавсия этилади.

УЎК: 37;37(077)


КБК: 378; 6Ф.7

Такризчилар:

С.Бекназарова – ТАТУ, кафедраси профессори, т.ф.д.

Ф.Юзликаев – ТДПУ, Педагогика кафедраси профессори, п.ф.д.

З.Салиева – ТДПУ, Педагогика кафедраси мудури, п.ф.д.



© «Aloqachi» нашриёти, 2020.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунё ривожланишининг асосий тенденциялари орасида ахборотлашган жамиятга ўтиш муҳим вазифа ҳисобланади, яъни жамиятнинг барча жабҳаларида медиа воситаларининг таъсири долзарб муаммо саналади. Франция, Страсбургда Европа иттифоқи Парламент ассамблеясининг қонунчилик йиғилишидаги тавсиясига биноан дастурий воситаларнинг ишлаб чиқарилиши ёшлар ва катталарнинг медиакомпетентлиги шаклланишига туртки бўлади, шунингдек, замонавий жамиятнинг медиа маданиятига таъсир этиб, ажралмас омил сифатида қаралади [72].

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳитига асосланган ахборотлаштирилган жамиятнинг таркибий қисмлари – бу медиа, тил ҳамда маданиятдир. Айнан биз яшаётган дунёнинг тили ва маданиятини инсондаги медиакомпетентлик ташкил этади. Дунёда медиакомпетентликнинг аҳамияти турли халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО ташкилотининг тавсияларида алоҳида таъкидланиб, педагогларнинг медиакомпетентлиги ривожланишини қўллаб-қувватланган. Медиакомпетентлик умумий кўринишда шахснинг турли кўриниши, жанр ва шакллардаги медиаматнни танлаш, фойдаланиш, танқидий таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш ва узатиш, социумда медианинг фаолияти мураккаб жараёнларини таҳлил қилишга тайёрликда намоён бўладиган интегратив сифати тарзида қаралади. Шунинг учун, педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш масаласи илм олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунда замонавий илмий-техникавий тараққиёт талабларига мос ҳолда педагогик олий таълим муассасалари талабаларининг медиа борасидаги билимларини такомиллаштириш орқали медиакомпетентликни ривожлантириш технологиясини яратиш педагогик йўналишдаги тадқиқотлар ичида муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, узлуксиз таълим тизимида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди, мактаб ва коллежлар ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш йўлида 11 йиллик таълим тизимига ўтилди. Таълим мазмунини янгилаш ҳамда таълим жараёнлари самарадорлигини ошириш бўйича олиб

борилган бу каби ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Мазкур жараёнларни амалга оширишда ахборот-коммуникация технологиялари мухитидан самарали фойдаланиб, миллий кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни баркамол ва етук этиб вояга етказиш ўқитувчи-педагогларнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш [7;70-71-б]. каби йўналишлар белгиланиб, бу борада педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш самарадорлигига эришиш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори, 2018 йил 19 февральдаги Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-5349 фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги 353-сонли қарори билан тасдиқланган 2016-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича тадбирлар комплекси, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий таълим ўз фаолиятини, тезкор ва шиддат билан ривожланиб бораётган бир

даврда талабаларда нафақат билим, балки медиа бўйича кўникма ва малакаларни эгаллаш даражасига боғлиқ. Шу боис педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш муаммоси бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида медиатаълим муаммолари С.Бекназарова [21;100-б], Я. Маматова, С.Сулайманова [53;90-б] ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ўрганилиб, илмий-методик асослари ишлаб чиқилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.Фёдоров [97;616-с], А.Милютинина [66;157-б], А.Веряев [31;298-С], В.Протопопова [73;285-288-С], Е.Никитина [67;154-б], И.Фатеева [93;270-С], Г.Онкович [70], Л.Зазнобина [39;33-С], Н.Змановская [38;140-С]лар медиатаълимни ташкил этиш бўйича салмоқли изланишлар олиб боришган.

Олий таълим муассасалари талабаларининг телевидение ва журналистикага оид фанлари орқали медиакомпетентлигини ривожлантириш борасида хорижий олимлардан А.Silverblatt [127;449-p], McMahon [125;26p] R.Kubey [123;2-p], С.М.Worsnop [128;60-p], W.J.Potter [126;423p], U.Carlsson [119]лар тадқиқот ишларини олиб боришган.

Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда компетентлиги муаммоси Н.Муслимов [58;47-б], Р.Исянов [46;69-С] ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ўрганилган.

Таълимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш муаммолари А.Абдуқодиров, А.Пардаев [11;145-б], М.Мамаражабов [51;20-б], Н.Тайлаков [85;160-б], С.Турсунов [81;138-б], У.Бегимқулов [19;305-б], У.Юлдашев [108;166-С], Ф.Закирова [106;29-б], А.Эминов [103;140-б] ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ўрганилган.

Педагогика олий таълим муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида монографик асосида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси П-2014-0910185149 - “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари” амалий лойиҳаси ҳамда ПЗ-2014-0906164153 - “Илмий-педагогик ва ўқув-

методик нашрлар орқали ўқитувчиларда информациявий таҳдидларга қарши курашиш механизмини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифалар ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Информатика ўқитиш методикаси” кафедраси илмий-тадқиқот ишларининг режалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади – педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқитувчи медиакомпетентлигининг мазмунини замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш тенденциялари асосида такомиллаштириш;

педагогика олий таълим муассасаси талабаларида медиакомпетентликни ривожлантириш босқичлари ва даражаларини ривожлантириш;

педагогика олий таълим муассасаларида «Информатика ва ахборот технологиялар» фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришга қаратилган махсус курс ва илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш жараёни олинган.

Тадқиқот предмети педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш шакл, усул ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида кўзланган мақсадларга эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун педагогик кузатув, танқидий-қиёсий таҳлил, сўровнома, тест,

тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштириш усулларида комплекс фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқитувчининг медиакомпетентлиги касбий педагогик фаолияти билан боғланиб, медиасиёсатни амалга ошириш, таълим жараёнига медиа тушунчаларни жорий этиш ва медиатеологиялардан фойдаланиш, ўз-ўзини касбий ривожлантириш лаёқатлари мазмунини ҳамда мезонларини аниқлаш орқали педагогика олий таълим муассасалари талабалари медиа-компетентлигини ривожлантириш мазмуни такомиллаштирилган;

педагогика олий таълим муассасалари талабалари медиакомпетентлигининг медиабилим ва медиатаҳлил этиш даражаларига медиакреативлик даражасини киритиш орқали талабаларнинг медиа-ижодкорлиги ва медиарақобатлиги қобилиятларини шакллантириш имкониятлари кенгайтирилган;

педагогика олий таълим муассасалари талабалари медиакомпетентлигини «Информатика ва ахборот технологиялари» ва «Мультимедиа технологиялари» фанлари мазмуни, ўқитиш усул ва воситалари тармоқ, мобиль ва мультимедиа технологияларининг медиатаълимий имкониятларини кенгайтириш орқали ривожлантириш механизми такомиллаштирилган;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларини медиатаълимни татбиқ этишга тайёргарлигини баҳолаш юзасидан педагогик медиа-компетентлигини ривожлантиришга қаратилган ҳамда медиакреативлик каби даражасини таъминлаб берувчи мультимедиа ахборот-таълим ресурслари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

педагогика олий таълим муассасаларида «Информатика ва ахборот технологиялари» фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқув-методик мажмуа такомиллаштирилган;

педагогика олий таълим муассасалари ўқув режасига танлов фани сифатида талабаларда медиакомпетентликни ривожлантиришга кўмаклашадиган «Мультимедиа технологиялари» ўқув фани киритилиб, унинг мазмуни ва ўқув-услубий мажмуаси ишлаб чиқилган;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларини медиага оид билимларини оширишга қаратилган «Информатика асослари»

ҳамда «Мультимедиа технологиялари» номли электрон ахборот-таълим ресурслари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув усуллар ва маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, саралаб олинган манбаларнинг репрезентативлиги ва ишончлилиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик усулларига асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш технологияси медиатаълимга оид назарий билимларни, медиакреативлик кўрсаткичларини киритиш ҳамда мазмунан бойитишда, ўқитиш усул ва воситаларини такомиллаштиришда қўлланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти талабалар медиакомпетентлигини шакллантириш ва уларнинг медиа билим даражаларини намоён қилишини таъминловчи электрон ахборот-таълим ресурсларини бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида қўллаш, медиатаҳлил ва медиакреативлик, медиакомпетентлик даражаларини ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, медиабилим, медиасаводхонлик кўникмаларини ҳамда медиакомпетентлик ва медиамаданиятни шакллантиришга хизмат қилувчи технологиядан «Информатика ва ахборот технологиялари» ҳамда «Мультимедиа технологиялари» фанларини ўқитиш ва педагогик амалиёт жараёнида фойдаланиш мумкинлигида ўз ифодасини топади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш технологияси бўйича олинган илмий натижалар ва ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган таклифлар «Мультимедиа тизимлари ва технологиялари» номли дарсликда акс эттирилган (№603, 24.01.2017 й.). Мазкур материаллар педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлиги

ривожланишининг ўқув-услугий таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилади;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тегишли вазирликнинг 2015 йил 21 августдаги 303-сон ва 2016 йил 6 апрел 137-сонли буйруқлари асосида Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 мартдаги 01-02/2-2-79-сонли маълумотномаси). Натижада талабаларнинг медиакомпетентлик даражасини медиакреативлик даражасигача оширилишига эришилди;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида бўлажак ўқитувчи медиакомпетентлигини такомиллаштириш мазмуни, ривожланиш босқичлари ва даражаларига оид таклифлардан Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2016 йил 25 февралдаги 11-сон қўшма буйруғи билан тасдиқланган узлуксиз таълим тизими раҳбар ва педагог кадрларининг ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича компетентлигига қўйиладиган талабларга б-банд в-) кичик банди киритилиб, медиакреативлигига оид малака талабларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 1 ноябрдаги 89-03-2650-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар мутахассисларда медиакомпетентликни ва медиамаданиятни ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Ушбу мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (6 та республика ва 2 та хорижий журналда) чоп этилган.

Монография тузилиши ва ҳажми. Монография иши кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Ўқитувчининг медиакомпетентлиги тушунчаси ва уни ривожлантиришнинг методологик асослари

XXI асрда оммавий ахборот воситаларининг дунё хамжамиятига беқиёс таъсири тобора кучайиб, янги аср бевосита глобал ахборот асри деб аталмоқда. Бу эса, ўз навбатида, глобал ахборот жамиятининг шаклланишига замин яратди. Глобаллашув жараёнини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин.

Глобал тармоқдаги ахборот ресурсларининг ўсиб келаётган ёш авлод ҳаёт тарзининг шаклланишига таъсирини таҳлил қилиш натижасида шундай фикр келиб чиқмоқдаки, уларнинг энг оммабопи саналган интернет ҳозирги кунда ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос муҳитига айланиб қолди. Бу эса, миллий тармоқда ёшларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг дунёқараши, қизиқишларидан келиб чиқиб, бевосита ёш авлод манфаатлари ва муаммоларини қамраб олувчи, шу билан бирга, замонавий мавзулардан иборат ахборот таълим ресурсларини яратиш муҳим эканлигини талаб этмоқда. Шундай қилиб, талабаларни фаол ижтимоий фаолият кўрсатишга тайёрлашда таълим муассасасининг ахборотлашган муҳитини яратиш ва жорий қилиш бугунги куннинг талабидир [83;207-б].

Ахборот-коммуникация технологияларнинг тез тараққий этиши натижасида “**медиа**” атамаси пайдо бўлди. “**Медиа**” атамаси латин тилидан (*media, medium сўзидан*) олиниб, қўлланма, воситачи маъноларини англатади [128;60р].

Медиа – бу жамиятда тўғри ва айланма коммуникатив алоқа тизими бўлиб, инсонлар билан вақтинча ўзаро алоқадорликни юзага келтирувчи ва уларни қизиқтирувчи, чалғитувчи макондир.

“**Медиа**” атамаси – XX асрда дастлаб оммавий маданиятни шакллантирувчи воситаларга нисбатан қўлланган [89;223-б].

Медиатаълим ҳозирги даврда шахснинг оммавий ахборот воситалари орқали ривожланиш жараёнини англатади.

Европа Иттифоқи ҳужжатларида таърифланишича, медиатаълим – (*media education*) олинган ахборот асосида ўз фикрини билдиришга қодир бўлган масъулиятли фуқароларни

тарбиялаш мақсадида медиага танқидий ва ўйлаб муносабатда бўлиш сифатида тушуниш керак бўлган медиакомпетентликни ривожлантиришга қаратилган таълим. Бу фуқароларга зарур ахборотлардан фойдаланиш, уни таҳлил қилиш, улар билан боғлиқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий манфаатларни идентификация қилиш имконини беради.

Медиатаълимнинг моҳияти ва хусусиятлари борасидаги фикрлар сўнгги йилларда педагогик муҳитда энг музокарали масалага айланди. Профессор А.В.Федоров замонавий оламдаги медиатаълимни оммавий ахборот билан мулоқот маданиятини шакллантириш мақсадида ижодий, коммуникатив салоҳиятлар, танқидий тафаккур, медиаматнларни тўлақонли идрок этиш, талқин қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, медиатеchnика ёрдамида ўз-ўзини ифодалашнинг турли шаклларига ўқитиш мақсадида оммавий коммуникация (медиа) воситалари ва материаллари ёрдамида шахсни ривожлантириш жараёни сифатида кўради [71;116-б].

Дунёда медиатаълимнинг аҳамияти турли халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО ташкилотининг тавсияларида алоҳида таъкидланиб, медиатаълим ривожланиши кўллаб-қувватланган (*media education* барча турлари – электрон, босма, график, медиа ва бошқалар).

ЮНЕСКО ҳужжатлари медиатаълимни (ингл. *media education*, лотинча *media* – восита) қуйидагича аниқлайди: Медиатаълим (*media education*) медиа (босма ва график, товуш, экран ва бошқа) ва ҳар хил технологиялар турлари билан боғлиқ; у талабаларга уларнинг оммавий ахборот воситаларини қай тарзда қўлланилишини тушунишга, бошқалар билан алоқа қилганда медиадан фойдаланиш қобилиятларини эгаллашга имконият беради; қуйидагилар бўйича инсон билимини оширади:

1) медиаматнларни таҳлил қилиш, танқидий англаш ва яратиш;

2) медиаматнларнинг манбаларини, уларнинг сиёсий, ижтимоий, тижорат ва ёки маданий манфаатларини ҳамда контекстини аниқлаш;

3) медиа томонидан тарқатилаётган медиаматнлар ва кадриятларни шарҳлаш;

4) медиаматнларни яратиш, уларни тарқатиш ҳамда уларга қизиқиш билдирган аудиторияга эга бўлиш мақсадида тегишли медиаларни танлаш;

5) қабул қилиш ва ишлаб чиқариш мақсадида медиага эркин равишда кириш имкониятига эга бўлиш [95;71-С].

Медиатаълим – асосий қонунларни тушунишга ёрдам берадиган, оддий йўналишлардаги медиа ахборот тилини ўрганишга кўмаклашадиган, ўқувчилар бадиий салоҳиятининг ўсиши, ривожланишига ҳисса қўшадиган, медиаматнларни қабул қилиш, ўрганиш ва малакали таҳлил этиш кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёнини ифодалайди [35;131-б].

Хорижий давлатлардаги шу соҳада тадқиқот олиб бораётган бир қатор олимларнинг фикрига кўра, медиатаълим тарбиявий, таълимий аҳамиятга эга бўлиб, талабаларни таълим-тарбия жараёнида танқидий-таҳлилий фикрлашга ўргатади.

Медиатаълим шахсларни хабарларни талқин қилиш ва яратиш, коммуникация учун тобора мос келадиган медиани танлашга ўргатади. Медиатаълим одамларга ўзларининг ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш имконини беради, бу нафақат уларнинг шахсий ўсишига кўмаклашади, балки ижтимоий (ҳаётда) иштироки ва интерфаоллигини оширади. Бу маънода медиатаълим демократик фуқаролик ва сиёсий тушунишга тайёрлаб боради. Медиатаълимни инсоннинг бутун ҳаёти мобайнидаги таълим концепциясининг қисми сифатида ривожлантириш зарур [120].

Медиатаълим натижаси аудиториянинг медиакомпетентлиги, медиасаводхонлиги даражасининг ортишидан иборат бўлади. Медиакомпетентлик кўп ўлчамли бўлиб, билимларнинг ривожланган структурасига асосланган кенг истиқболларни талаб этади. Бу қотиб қолган категория эмас, компетентлик даражасини инсоннинг бутун ҳаёти давомида билишга оид, эмоционал, эстетик ва ахлоқий медиаахборотни идрок қилиш, талқин қилиш орқали ошириб бориш мумкин.

Ғарб медиапедагоглари “медиясаводхонлик” (media literacy) тушунчасини қуйидагича изоҳлашади:

“Медиясаводхонлик” – ўқувчи ва талабаларга медиа билан мулоқотда, уларнинг ҳаётидаги медиа мазмунини тушунишда танқидий нуқтаи назар билан қарашга ёрдам беради. Медиясаводхон ўқувчи ёки талаба медиаматнларга баҳо беришда танқидий ва таҳлилий ёндашуви, оммавий маданият билан муносабатда танқидий масофада бўлиши, манипуляцияга қаршилик қилиши керак [121;232-р].

“Медиасаводхонлик” — медиаматнларни шарҳлаш/таҳлил этиш ва яратиш қобилияти [127;449-p].

“Медиасаводхонлик” — турли шакллардаги ахборотларни олиш, таҳлил этиш, баҳолаш ва узатиш қобилияти [123;2-p].

“Медиасаводхонлик” — медиасаводхон одамни замонавий дунёдаги, кодли ва репрезентацион тизимларда фаолият юритаётган медианинг ижтимоий-маданий, сиёсий контекстини тушунишга, медиаматнларни идрок этиш, яратиш, таҳлил этиш, баҳо беришга тайёрлаш жараёни [122;94-p].

“Медиасаводхонлик” — инсонларга аудиовизуал ва босма матнларнинг маданий аҳамияти, мазмунини тушунишга, яратишга ва баҳолашга ёрдам беришга ундовчи ҳаракат. Ҳар бир инсон медиасаводхон бўла олади [95;71-C].

Медиатаълим ва медиасаводхонлик ўртасидаги чегара жуда силлиқ ва бир-бири билан алмашувчан. К.Ворсноп (Ch.Worsnop), В.Гура, В.Монастырский, А.Короченский, Ж.Пангенте (J.Pungente), С.Пензин, И.Розер (I.Rother), Д.Сюсс (D.Suess), Л.Усенко, Т.Шак ва бошқа медиапедагоглар фикрича, медиасаводхонлик медиатаълим натижасидир. Д.Лемиш (D.Lemish)нинг фикрига кўра, медиатаълим анча кенг қамровли тушунчадир. Уни медиасаводхонлик билангина боғлаб моҳиятини очиқ бериб бўлмайди. А.В.Федоровнинг фикрига кўра эса, бу икки тушунчани бир-биридан ажратмаслик керак [96;238-C].

Тадқиқотимиз жараёнида маълум бўлдики, медиасаводхонлик оммавий ахборот воситалари билан шахс ўртасидаги муносабатдир. Информацион маданий жамиятнинг ҳар бир аъзоси юқори ёки қуйи даражадаги медиасаводхонликка эга бўлади.

Айрим тадқиқотларда медиакомпетентлик медиасаводхонликнинг синоними (маънодоши) сифатида қаралади.

Украиналик педагог олима С.М.Стерденко медиамаданияти юқори кишини мана бундай тасвирлайди: 1) унинг медиабоғланишлари сони ва давомийлиги режалаштирилган бўлади; 2) ўзига керакли ахборотни тўғри танлай олади; 3) ахборотга танқидий ёндашади, чунки медианинг зарарли таъсирларини билади, қаршисида очилган медиаматнни ўз филтридан ўтказиб, кейин қабул қилади; 4) медиамаҳсулотдан фойдаланишда ахлоқ меъёрларига амал қилади; 5) медиамаҳсулот ярата олади [79;344-б].

Медиамаданият – турли медиа асарларни таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва

малакалар йиғиндиси. Компетентлик кўп қиррали бўлиб, унинг бир неча талқинлари мавжуд.

Таълимда компетентли ёндашувнинг вужудга келиш тарихига оид материалларга эътибор қилинса (1960—1970 йиллар), бу даврда илк бор “компетентлик” сўзи илмий адабиётларга кириб кела бошлади. Д.Хаймс томонидан, “коммуникатив компетентлик” тушунчаси киритилади. Ж.Равеннинг 1984 йилда чоп этилган “Замонавий жамиятда компетентлик” номли асарида компетентликка кенг таъриф берилади [87;160-б].

Бу шундай ҳодисаки, “у жуда кўп миқдордаги компонентлардан ташкил топган бўлиб, улардан кўпчилиги бир-бирига нисбатан мустақилдир..., айрим компонентлар кўпроқ когнитив соҳага тегишлидир, бошқалари – эмоционал соҳага тегишли. Бу компонентлар ўз-ўзини самарали бошқаришда бир-бирини тўлдириши мумкин”, – дейди олим [87;160-б].

Илмий педагогик, психологик манбаларда берилишича, компетенция, компетентлилик ўта мураккаб, кўп қисмли, кўпгина фанлар учун муштарак бўлган тушунчалардир. Шу боисдан унинг талқинлари ҳам ҳажм, ҳам таркибига кўра, маъно ва мантиқ мундарижаси жиҳатидан турли-тумандир.

“Competence” сўзи “to compete” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “мусобақалашмоқ”, “рақобатлашмоқ”, “беллашмоқ” деган маънони билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинса, “мусобақалашмоқга лаёқатлилик” маъносида келади [80,87; 90-160-б].

Компетентлик – ўқувчида таркиб топган шахсий сифатлар ва берилган соҳадаги фаолияти бўйича тўплаган минимал тажрибаси [47;32-С].

Компетентлик – шахс хусусиятлари ва ҳолатининг мураккаб мажмуи бўлиб, маълум соҳадаги билим, кўникма ва тажрибани мужассамлаштириш, инсонга муайян масалаларда фикр билдириш, маълум қарорларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ёки ўзи қарор қабул қилиш имконини беради.

Компетентлик – маълум ҳолат хусусида тўғри мулоҳаза юритиш имкониятини берадиган билимга эга бўлиш, далил-исботли фикр, кишининг муайян соҳада савиясини ифода этадиган атама [87;160-б].

Компетентлик – ўқувчининг шахсий сифатлари тўплами (билимлар, кўникмалар, малакалар, лаёқатлар) бўлиб, белгиланган

ижтимоий ва шахсий соҳадаги фаолиятида орттирган тажрибаси билан белгиланади [80;92-б].

Компетентлик – талаба томонидан алоҳида билим ва малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутаяди. Компетентлик – бу талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятини амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллаш олиши билан ифодаланади [17;160-б].

А.К.Маркованинг ишларида меҳнат психологияси контекстида касбий компетентлик махсус предмет сифатида ҳар томонлама қаралади [63;312-С]. Бу даврда, шунингдек, ўқитувчи компетентлигига тегишли бўлган ишлар Л.М.Митина, Л.А.Петровской, Н.В. Кузьмина, Л.П.Алексеева, Н.С.Шаблигина ва бошқалар томонидан бажарилган. Мазкур ёндашув ривожланишининг яна бир жиҳати шундаки, ЮНЕСКО материаллари ва ҳужжатларида таълимдан кутиладиган натижа сифатида бир қанча компетенциялар ажратиб олина бошланди [63;312-С].

М.М.Вахобов “Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартларини амалиётга жорий этиш – ўқувчиларнинг медиакомпетентлигини шакллантиришнинг муҳим омили” номли мақоласида “Ҳозирги ахборот алмашинуви жадаллашган асрда ўқувчи-ёшларда медиасаводхонлик, медиамаданият ва медиакомпетентликни ривожлантириш орқали турли ахборот хуружлари, бузғунчи ёт ғоялардан асраш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш таълим тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади”, – дея таъкидлаб ўтади [29;77-б].

Медиакомпетентлик тушунчаси (media competence) таълимга кириб келаётган янги атама ҳисобланиб, у медиа маълумотларни турли кўринишда узатиш ва баҳолаш, ўрганиш, етказа билиш каби маъноларни ўз ичига олади [74].

Хориж педагогикасида **медиакомпетентлик** атамаси (нем. *medienkompetenz*, ингл. *media competence* ва ҳ.к.) аллақачон фаол қўлланилиб келинмоқда (Қ-нг: масалан, Вааке, 1999; Blumeke, 2000; Pottinger, 1997).

Германияда медиакомпетентлик деб, медиага нисбатан малакали, мустақил, ижодий ва ижтимоий-масъулиятли муносабат тушунилади [96;238-б].

“Медиакомпетентлик” — шахс медиамаданиятининг узвий қисми сифатида гавдаланиб, қадриятли, технологик ва шахсий-ижодий таркибий қисмларни ўз ичига оладиган ҳамда ўзаро таъсир (ҳамкорлик) субъектларининг ривожланишига олиб келадиган ахборот ҳамжамияти билан ўзаро таъсир (ҳамкорлик)нинг диалог усули сифатида тушунилади [49;9-С].

“Медиакомпетентлик” умумий кўринишда шахснинг турли кўриниш, жанр ва шакллардаги медиаматнни танлаш, фойдаланиш, танқидий таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш ва узатиш, социумда медианинг фаолияти мураккаб жараёнларини таҳлил қилишга тайёрликда намоён бўладиган интегратив сифати тарзида тушунилади.

Медиакомпетентлик-медиясаводхонлик (*media competence/ media literacy* – турли шакллардаги хабарларни (messages) қўллаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва узатиш қобилияти [123;2-p].

Ўқитувчи (педагог) медиакомпетентлиги (educator’s mediascompetence) – матбуот ваколатлари, унинг сабаблари, билим, кўникма ва малакаларига (кўрсаткичлари: мотивацион, ахборот, амалий-тезкор, услубий фаолияти, ижодий) эга бўлиб, барча ёшдаги таълим олувчиларга медиатаълим билимларини тарғиб қилиш [97;616-С].

Медиакомпетентлик юқори даражасига эга бўлган шахс учун куйидаги хусусиятлар характерлидир:

янги маълумотларни олиш учун ҳаракат қилиш (интилиш);
хаётининг турли соҳаларида ўз шахсий компетентлигини ва ҳар турдаги медиамаданият дунёсига интилиш;

ўқиш учун зарурий илмий материаллар излаб топиш;
медиа маҳсулотлар билан “доимий” мулоқотда бўлиш;
медиа оламида мустақил равишда медиаматнларни шакллантириш ва тарқатиш (мустақил ёки гуруҳ билан биргаликда тайёрлаш) малакасига эга бўлиш;

медиага боғлиқ бўлган (ўйинбоп, бадиий, тадқиқот ва. ҳ.к) ёрқин фаолият юрита олиши [66;202-С].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, медиакомпетентликни шакллантириш (ривожлантириш) “ижтимоий маданий компетентлик”нинг муҳим қисми ҳисобланади. Медиакомпетентлик педагогнинг медиа соҳасидаги

фаолиятининг турли босқичларида ахборот ва медиаматнларнинг ҳар хил турларига нисбатан ўрин тутади.

1.2-§. Ахборотлашган жамиятда бўлажак ўқитувчининг медиакомпетентлигини ривожлантириш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида

Мустақиллик даврида мамлакатимизда ҳар томонлама етук ва баркамол шахсларни тайёрлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди, таълим тизими давлат ва жамият ривожланишининг устувор йўналишига айланди. Айниқса, ахборотлашган жамият шароитида маънавий-ахлоқий кадриятларнинг аҳамияти тобора ошиб бораётганлиги туфайли ўз фуқароларини, айниқса, янги жамият барпо этишга бел боғлаган, ўсиб келаётган авлод ва бўлажак мутахассисларнинг маънавий маданиятини шакллантириш масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш таълим-тарбия муассасалари педагог-ўқитувчилари олдида турган долзарб вазифага айланди, десак хато қилмаймиз.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишда илғор миллий маънавий-ахлоқий кадриятлар ва мезонлар асос бўлиши лозим. Комил инсон тарбиясини ташкил этиш барча даврларда ҳам ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Ҳаммамизга маълумки, учинчи минг йилликнинг ижтимоий-маданий моҳияти жаҳон иқтисодиятининг глобаллашуви, жамиятни ахборотлаштириш, илму фан, техника, турли хил оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг жадал ривожланиши ҳамда маънавий кадриятларнинг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимизга бекиёс таъсирини ҳар жабҳада кузатиш мумкин, бежизга ХХІ аср глобал ахборот асри деб аталмаган.

Шубҳасиз, ахборот технологиялари инсонлар ҳаётига шу даражада чуқур кириб бормоқдаки, уларни умуммаданий контекстдан чиқариб ташлаб бўлмайди. Шунинг билан бирга эътироф этиш лозимки, медиаахборотни унинг истеъмолчиларига бўлган нафақат ижобий, балки салбий таъсири ҳам ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли “Компьютерлаштиришни янада

ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган компьютер технологияларини ўқув жараёнида кенг жорий этиш ҳамда уларни фаол қўлланилиши таълим муассасаларининг ўқитувчи-педагоглари олдига қўйилган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Табиийки, ҳозирги таълим ислоҳотлари шароитида ҳам баркамол шахс тарбияси, унинг маънавий-маърифий маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

“Ахборот асри” деб ном олган XXI асрда мамлакат ва ҳудудлар ўртасида ахборот алмашинуви кенгайиб, тобора тезлашди. Ахборот технологияларнинг жадал ривожланиши дунё бўйича йирик ахборотлашган жамиятни вужудга келтирди. Бу, ўз навбатида, давлат ва жамиятлар ҳаётининг барча соҳаларида жиддий ўзгаришларга олиб келмоқда [116;24-б].

Ахборотлашган жамият даврида ҳар бир ўқувчи ўзининг онгли ҳаётининг илк даврларидан бошлаб керакли ахборотларни мустақил равишда излаш, медиаканаллари орқали кўрган, ўқиган ва эшитганларига нисбатан ижодий муносабатда бўлишни ўрганиши керак, медиаматнларни танқидий таҳлил қилиш ва баҳолай олиш кўникмаларига эга бўлишлари лозимдир.

Ҳозирги ахборот ва коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган даврда интернет истеъмолчилари сони тобора ортиб бормоқда. Сўнгги йиллар мобайнида интернет глобал тармоққа айланиб улгурди. Бунинг натижасида дунёда нафақат ахборотлашган жамият юзага келди, балки жаҳон ҳамжамятида глобаллашув жараёнлари тезлашиб кетди.

Агар ахборотлашган дунё тарихига мурожаат қилсак, у бугунги даражага етгунга қадар катта эволюцион даврни босиб ўтганлигининг гувоҳи бўламиз. Бугунги кундаги ўқитувчининг педагогик маҳорати кундалик ҳаётда юқори даражада ахборотлашган ва технократлашган жамиятда вояга етаётган ўсмирлар билан машаққатли мулоқотлар синовида дуч келмоқда.

Ягона ахборот маконини яратиш медиаахборотни қабул қила олиш ва медиалашган мулоқотни амалга ошира билишни талаб қилади. Ҳозирги вақтда медиакомпетентлик шахснинг муҳим сифатларидан биридир, уни шакллантириш эса – умумий педагогиканинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Компьютерларнинг асосий вазифалари ахборотлар устида амаллар бажариш ҳисобланиб, жамиятда ахборот ҳам билим

манбаи, ҳам энг асосий мулоқот воситаси бўлиб ҳисобланади. Ҳар ким ҳар доим бирор ишни бажариш ёки бирор мақсадга эришиш учун ахборотдан фойдаланади. Агарда инсон кундалик ахборотлар ва янгиликлардан хабардор бўлмас экан, у жамиятдан узилиб қолиши муқаррардир.

Лекин шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, компьютер технологияларидан фойдаланишда ўқувчилар кўпинча фойдалироқ маълумотлар олиш ўрнига фойдасиз маълумотларга чуқур берилиб кетишлари, айниқса, интернетдаги маълумотларга қизиқишлари кундан кунга ортиб бормоқда [25;65-С]. Бундан кўриниб турибдики, ахборотларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ҳам эътибордан қолдирмаслик керак. Ахборотларнинг ижобий томони шундан иборатки, ўз вақтида олинган тўғри ва сифатли ахборот инсонлар, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини бойитиши, билим олиши, замонавий билимлар эгаси бўлиши имконини беради.

Ахборотларнинг салбий томони шундан иборатки, ҳозирги кунда айрим ғарб давлатларидан кириб келаётган бизнинг миллий қадриятларимизга ёт бўлган ахборотлар ва қарашлар ҳамда инсонлар онгини заҳарловчи маълумотлар ҳам мавжуд. Айниқса, бундай маълумотлар интернет тармоғи орқали кенг тарқалмоқда. Интернет ва СМС хабарлар орқали тарқалаётган жамиятимизга, қадриятларимиз ва анъаналаримизга, давлатчилигимизга зид бўлган ножўя ахборотлар ёшларнинг онгини заҳарлаши ва уларни нотўғри йўлларга бошлаши мумкин [24;126-б]. Шунинг учун таълим берувчи ташкилотлар ҳамда педагоглардан замонавий таълим технологиялари, айниқса, медиатаълим асосида вужудга келган медиакомпетентлик тушунчасига эътибор беришга эҳтиёж зарурлиги ойдинлашиб бормоқда.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, медиакомпетентлик тушунчаси остида ётадиган бир неча атамалар, жумладан, медиамаданият, медиатарғибот, медиатаълим, медиаахборот, компьютер маданияти, медиасаводхонлик каби атамаларга эътиборлироқ бўлиш баркамол авлодни вояга етказишда муҳим ўрин эгаллайди.

Медиакомпетентликнинг йўналишларидан бири бўлган телевидение орқали ахборот қабул қилишда кўплаб телеканаллардаги медиаклиплар ва томошаларни намойиш қилиниши, ундаги ёшларнинг кийиниш одоби, қўшиқларнинг маъносизлиги ва савиясининг пастлиги, кўрсатувни олиб

борувчиларнинг ўзини тутиши ва улар томонидан фойдаланадиган сўзлар миллий қадриятларимизга зид келиб, ёшларга салбий таъсир кўрсатади.

ЮНЕСКОнинг таҳлилий материалларида қайд этилишича, ҳар бир инсон ўзининг ҳаёти давомида ўртача 3 миллиондан зиёдроқ рекламаларга дуч келаркан. Ушбу рекламаларни биз телевидение, радио, газета, журналлар, Интернет орқали кўришимиз мумкин. Реклама бугунги кунда инсонлар онги учун курашда энг кучли таъсир воситасига айланган. Ҳозирда реклама саноати шу даражада ривожландики, унда инсонлар онгини манипуляция қилишнинг тасаввур қилиб бўлмайдиган усул ва воситаларидан фойдаланилади.

Масалан, Red Bull, Energizer ва шу каби энергетик ичимликлар рекламасини олайлик. Гўёки ушбу ичимликлар куч-қувват бағишловчи эффектга эга деб реклама қилинади. Бутун дунёда ушбу ичимликни истеъмол қилувчиларнинг ўртача ёши 14-18 ни ташкил қилар экан. Мана шу реклама таъсирида асосан ўсмир ёшлар, ҳали организми тўла шаклланиб улгурмасдан, бу ичимликларни меъеридан ортиқ истеъмол қилишини ва оқибатда унинг зараридан нобуд бўлганларини ҳам кузатиш мумкин [24;126-б].

Интернет тармоғи орқали борган сари тарғиб этилаётган миллий анъаналарга ва урф-одатларимизга ҳамда ахлоқ нормаларига умуман тўғри келмайдиган фильм ва клиплар ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатиб, оила деган муқаддас тушунчаларнинг парчаланишига сабаб бўлмоқда. Афсус билан шуни айтишимиз керакки, кўп ҳолларда бундай салбий ҳолатлар таълим муассасаларида ҳамда талаба-ўқувчилар ўртасида ҳам содир бўлмоқда. Кўплаб информациявий таҳдидларнинг ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатаётган бир даврда ана шу жараёнларни психологик таҳлил қилиш ва ёшларимизни бундай таҳдидлардан муҳофаза этиш йўллариини излаб топиб, ҳаётга жорий этиш жуда муҳим вазифа ҳисобланади [69;65-С].

Бундай шароитда медиакомпетентликни ривожлантириш, унинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш ҳамда педагогик шароитларини аниқлаш керак. Ҳозирда илмий-техникавий тараққиёт талабларига мос ҳолда олий таълим муассасалари талабаларининг ахборот технологиялари борасидаги билимларини такомиллаштириш орқали медиакомпетентликни шакллантириш ва ривожлантириш йўналишларини белгилаш лозим.

Мутахассис Евгений Морозовнинг “Тармоқ уйдирмаси” (“The Net Delusion”) номли китобида ёзилишича, ижтимоий тармоқлар беғам ва эринчоқ одамлар авлодини тарбияламоқда [130;]. “Дэйли Мэйл” (“The Daily Mail”) нашрида чоп этилган Оксфорд университети профессори Сюзан Гринфилднинг мақоласида инсон руҳиятидаги салбий ўзгаришлар ижтимоий тармоқлар билан ҳам боғлиқ экани таъкидланади. Аниқланишича, ўта оддий виртуал мулоқотлар инсонда руҳий оғишларни вужудга келтирар экан. Яъни, одам ижтимоий муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мослаша олмайдиган бўлиб қолади. Шунингдек, келажакка ишончнинг йўқолиши, ўзига нисбатан ноҳолис баҳо бериш, тушкунлик, тажовузкор хатти-ҳаракатлар, мурасасиз фикрлар, ижтимоий фаолликнинг сусайиши каби ҳолатлар кўзга ташланади. Таъкидлаш керакки, ижтимоий тармоқларнинг доимий мижозлари вербал мулоқотга киришиш кўникмасини йўқотади, масалан, суҳбат чоғида улар суҳбатдошининг кўзларига қарай олмайди. Демак, ижтимоий тармоқларга мурожаат этаётган ўсмирга, энг аввало, ёшларга Интернетдан фойдаланиш маданиятини ўргатиш керак [130].

Дунё мамлакатлари мактаб, коллеж, институт ўқув дастурларига “ахборот хавфсизлиги”, “ҳаёт хавфсизлиги”, “йўл ҳаракати хавфсизлиги” “техника хавфсизлиги”, “ёнғин хавфсизлиги”, “озик-овқат хавфсизлиги” деган фанларни киритишган. Европа Иттифоқи мамлакатлари таълим муассасалари дастурларига “медиатаълим” деган махсус ўқув фанини киритишган.

Шу боис медиатаълимнинг жорий этилиши алоҳида долзарб аҳамиятга эга. Медиатаълим халқимизнинг урф-одатларига, миллий кадриятларимизга таянган ҳолда, умуминсоний кадр-қимматларга асосланган ҳолда ташкил этилиши керак. Медиатаълим ёшларимизни замонавий ОАВ билан хавфсиз ва самарали мулоқот қилишга тайёрлайди, уларда медиа оғоҳликни, медиа саводхонликни, медиамаданиятни ва медиакомпетентликни шакллантиради.

Нима учун бугунги кунда таълимга бундай атама керак бўлиб қолди? Чунки медиатаълим ҳар бир ўқувчи-талабаларда медиа махсулотлар ва ахборотлар билан ишлашда ижодий ёндашувни, мулоқот қилиш кўникмасини, танқидий фикрлашни, ахборотлар орқали узатилаётган асосий мақсадларни ва яширин ғояларни аниқлаш, медиамахсулотларни танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш,

ахборотларни филтрлаш каби кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришни ўз ичига олади [23,24; 24-126-б].

Медиатаълим ёшларда медиамаданиятни ва саводхонликни шакллантириб, маънавий эстетик ва интеллектуал жиҳатдан уларнинг нутқини, мулоқот қилиш ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.

Бугунги ахборотлашган жамиятда интернет тармоғи ёрдамида турли саҳифалардан, жумладан, Youtube, Mytube, Facebook, Telegram, Instagram, WhatsApp, Twitter каби ахборот узатиш воситаларидан олинаётган турли хил кўринишдаги ахборотларни ёпиш ва тақиқлаш, узатилаётган турли сюжетларни чегаралашнинг имконияти камроқ бўлганлиги сабабли, катта саҳнада “Медиатаълим” тушунчасининг пайдо бўлиши, унинг келажакда таълим соҳасида ривожланиши имкониятларини янада орттириб юборади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй, бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировни кўлига бериб кўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига кулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак” деган фикрлари ҳар биримизга катта маъсулият юклайди. Зеро, ҳозирги кунда миллий менталитетимизга, тарбиямизга зид бўлган, жамиятимизни ўз хавф-хатарлари билан ташвишга солаётган асосий муаммо бу информациявий таҳдидлар муаммосидир. Ушбу муаммо жамиятимизнинг эртасига, ўқувчи-ёшларимизнинг умумтарбияси, келажак ҳаётига ўзининг қора сояси билан катта таҳлика солмоқда [55;67-б].

Маълумки, ҳозирги кунда таълим олувчиларнинг онгига информациявий таҳдидларнинг, оммавий маданиятнинг турли хилдаги салбий кўринишлари кириб келаяпти

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, яъни талабаларнинг медиакомпетентлигини

ривожлантиришга ижтимоий ва инфорацион омиллар ўз таъсирини ўтказди. Буни ушбу 1.1-расмда кўришимиз мумкин:



1.1-расм. Медиакомпетентликни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар.

Хулоса қилиб айтганда, баркамол авлодни вояга етказиш, таълим соҳасида “Ахборот технологиялари” ва “Медиакомпетентлик”ни янада ривожлантириш учун ривожланган давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш, ўқув режаларига медиакомпетентлик тушунчаларини ёритиб берувчи фанларни киритиш ва методик қўлланмалар яратиш ҳамда тингловчилар ва ўқувчиларга етказиш, медиамаданият, медиасаводхонлик ва медиатаълим соҳаларини ривожлантириш давр талабидир.

1.3-§. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш йўллари

Маълумки, таълим жамият ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Қандай соҳада бўлмасин, юқори билимга эга мутахассислар илмий-тадқиқот ишланмалари билан шуғулланиш, янги маҳсулот турларини яратиш ва технологияларни ривожлантириш имкониятига эга бўладилар. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ва компаниялар ўртасидаги мавжуд чуқур рақобат муҳити мутахассисларни ҳам фавқулодда шунга тайёр бўлишларини талаб этади. Улар нафақат ўз ғояларини ривожлантириш ва яратилган назарий моделларини амалда жорий этиш учун қулай шароитларни таъминлайдилар, шу билан бирга, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши учун ҳам муҳим интеллектуал омил ҳисобланадилар.

Бугунги кунда жаҳонда технологиялар ва ахборотлаштириш жараёнларининг ривожланиши даврида юқори малакали кадрларни эгаллаш ва ёллаш учун компаниялар ўртасида рақобат кураши бирмунча ошди. Бу нафақат тижорат ташкилотларига, балки илмий-тадқиқот марказлари, ўқув юртларига ҳам тегишлидир. Шундай экан, замонавий таълим сифати тўғрисидаги масала биринчи навбатда ҳал қилиниши керак бўлган муаммо ҳисобланади. Айнан, олий таълим муассасалари бўлажак мутахассисларнинг аниқ касбий соҳасида билимларини шакллантиради.

Давлат тараққиёти ва жамият равнақи кўп жиҳатдан унинг интеллектуал потенциали билан белгиланади. Чунки илмий потенциали юқори даражада ривожланган мамлакат барча соҳаларда доимо илғор бўлади. Шунинг учун мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлат аҳамиятига молик бўлган устувор вазифа сифатида ёндашилиб, катта эътибор қаратиляпти. Юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашга эришиш учун таълим жараёнини ташкил қилиш ва бошқаришнинг ўзига хос талаблари мавжуд. Биринчидан, ўқувчи-талабаларнинг касбий билимларни ўзлаштириш даражаси давлат таълим стандартлари талабларига мослигини таъминлаш. Иккинчидан, ўқувчи-талабаларнинг мустақил ижодий фаоллигини давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма ва малакалар доирасини тўлиқ қамраб олишга эришиш. Жамиятнинг бу тарзда

жадал ривожланиши, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж – ўқитувчидан интеллектуал қобилиятларини намоён қилган ҳолда, ижтимоий талабларни қондиришни тақозо этмоқда [131].

Ижодий фаолиятга қодир, ривожланувчан таълимий-тарбиявий жараённи ва шу билан бирга ўзининг касбий компетентлиги ҳамда медиакомпетентлигини бошқара оладиган педагогларгина жамиятнинг баркамол шахсга бўлган талабини қондира олади. Ҳозирги кунда шу қадар катта аҳамиятга эга бўлган медиакомпетентликнинг маъноси, унинг шаклланганлик даражаси, мезонлари ва компонентлари тўғрисида ягона бир таъриф йўқ. Турли педагог-олимлар турлича таъриф келтирадилар, унинг таркибий тузилишига ҳам турлича ёндашадилар.

Медиа – лотинчада восита, ўртада турувчи, деган маъноларни беради. *У маънавий* (ахборот, билим) *эҳтиёжларини* қондириш воситаси. Пичоқ, олов, сув каби холис восита. Врачнинг қўлидаги пичоқ беморни соғ қилади. Жиноятчининг қўлидаги пичоқ эса соғни бемор қилади. Оловнинг йўғи одамни музлатса, кўпи куйдиради. Кўп сув ғарқ қилса, сувсизлик қақратади. Медиа ҳам шундай. Агар меъёрда, компетентли фойдаланилса, медиа донолар учун – билимлар манбаи. Нодонлар учун – балолар манбаи [113;114]. Демак, гап медиада эмас, ундан фойдаланувчиларда, аниқроғи – ҳар бир йигит-қизнинг медиамаънавиятига боғлиқ бўлиб чиқаяпти.

Дунёда медиакомпетентликни ривожлантиришнинг асосий босқичлари сифатида қуйидагилар эътироф қилинади:

1. Медиакомпетентликнинг (атаманинг ўзини киритмасдан туриб) биринчи марта 1920 йилда тилга олинган, шу йили Москвада дунёда биринчи кино мактаби (Ҳозирда Бутунроссия давлат кинематография институти –ВГИК) очилган. XX асрнинг 30-йилларида медиатаълим (матбуот, фото ва кино материали асосида) умумтаълим мактабларида ривожланиб борган [66;202-С].

2. Россия мактабларида таълимда медиакомпетенциянинг шаклланиш ҳаракати XX асрнинг 60-70 йилларида фаол ривожланди. Бу медиакомпетентлик тикланиши ва ривожланишининг иккичи босқичи бўлди. Бу даврда кино таълими ва аудиовизуал саводхонлик устуворлик қилди. Педагогика фанлари академиясининг Бадиий тарбия институти экран санъати лабораторияси шу йиллари фаол иш олиб борди. Медиатаълим муаммоларига бағишланган дастлабки номзодлик диссертациялари

XX асрнинг 60-йилларида талабаларнинг кинотаълими (О.А. Баранов – 1968; А.С. Карасик – 1966; Ю.М. Рабинович – 1966 ва Р. Г. Рабинович 1966), радиоэшитириш (В. И. Саперов – 1969), телевидениенинг медиатаълимдаги роли (С. Н. Пензин –1967 ва бошқ.) соҳасида ҳам бажарилди [66,67; 154-С].

XX асрнинг 70-йилларида аудиовизуал медиатаълим ғояларини ривожлантиришга бағишланган номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди (Н.В. Гончарова – 1970, С.В.Соколова – 1971, И.С. Левшина – 1974, С.М. Иванова– 1978, В.А. Монастирский – 1979 ва бошқ.) [66;202-С].

3. XX асрнинг 80-йилларида Россияда медиатаълим (матбуот, кинематография ва телевидение материали асосида) бўйича экспериментлар амалга оширила бошланди. Таълимда медиакомпетенцияни тадқиқ қилиш ривожининг учинчи босқичи кузатилди. Медиатаълим тадқиқотларининг чуқурлашиши, соф педагогик тажрибани тавсифлаш ва умумлаштиришдан мазкур феноменнинг психологик ва ижтимоий (социологик) қатламларини аниқлашга ўтиш жараёни юз берди [66;202-С].

2006-2008 йиллар давомида Россияда медиатаълимни ривожлантириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, Россия медиатаълими ҳаракатини қўллаб-қувватловчи ва ривожлантирувчи ташкилотлардан: Сибирь Медиатаълим Уюшмаси, Урал медиамаданият ва медиатаълим илмий-методик Марказлари “Таълим. Медиа. Жамият: ҳамкорлик муҳити” журналининг нашр этилишига ташаббускорлик қилди. Ушбу журнал 2007 йилдан бери мунтазам чоп этилиб келинмоқда [98;73-С].

Медиатаълим муаммолари (асосан, кино, матбуот ёки телевидение билан боғлиқ хусусий, алоҳида аспектларда) кўплаб олим ва мутахассисларнинг тадқиқот объектини ташкил қилган.

Медиатаълим ва медиамаданиятга оид илмий адабиётлар таҳлили ўрганилаётган муаммонинг қуйидаги йўналишларини аниқлаш имконини берди:

– қайд қилувчи характердаги тадқиқотлар, уларда турли ёшдаги шахслар медиаматнларни идрок қилишига оид хусусиятлар ҳақида маълумот келтирилган (И.С. Левшина, Ю.Н. Усов, А.В. Федоров, А.В. Шариков, С.А. Шеин ва бошқ.);

– умумназарий характердаги тадқиқотлар, уларда медиатаълим ва масс-медиа концепциялари, моделлари ва

методлари илгари сурилган ва таҳлилга тортилган (Л.С. Зазнобина, Л. Мастерман, С.Н. Пензин, А.В. Спичкин, К. Тайнер, Ю.Н. Усов, А.В. Федоров, А.В. Шариков, Э. Харт ва бошқ.);

– медиатаълимнинг муайян (аниқ) методикаси билан боғлиқ тадқиқотлар (Л.М.Баженова, О.А.Баранов, Е.А.Бондаренко, К.Бэээлгэт, Д.Бэкингем, К.Ворсноп, Д.М.Джусубалиева, Д.Консидайн, С.Н.Пензин, Г.А.Поличко, Ю.М.Рабинович, К.Тайнер, Ю.Н.Усов, А.В.Федоров, А.В.Шариков ва бошқалар).

И.Г.Захарова, И.В.Роберт, Е.И.Соколова, А.В.Федоров, О.К.Филатов, А.В.Шариков, Е.Н.Ястребцева ва бошқаларнинг тадқиқотларида медиа воситаларини қўллаш педагогларнинг медиакомпетентлигини медиа воситалари асосида оширишга имкон берадиган, шу боис уларни тайёрлашда алоҳида аҳамият касб этадиган ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш билан бевосита боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган[48].

Федоров А. В. томонидан Вебер В., Кьюби Р., Дж. Поттер ёндашувлари асосида, шунингдек, британиялик етакчи медиапедагоглар Дж. Боукер, Д.Букингэм, Э.Харт ва бошқалар томонидан асосий сифатида ажратилган олти та тушунчага таяниб, шахс медиакомпетентлигининг таркибий қисмлари (компонентлари) таснифи (классификацияси) ишлаб чиқилган.

Бу олти асосий тушунча куйидагилардан иборат:

1) “медиа агентликлари” (медиамаатн яратувчиларнинг иши, вазифалари ва мақсадларини ўрганиш);

2) “медиа категориялари” (медиа/медиамаатнлар типологияси: турлари ва жанрларини ўрганиш);

3) “медиа технологиялари” (медиамаатн яратиш усуллари технология-ларини ўрганиш);

4) “медиа тиллари” (медиа тиллари, яъни медиамаатнларнинг вербал, аудиовизуал, монтаж қаторини ўрганиш);

5) “медиа репрезентациялари” (медиамаатнларда воқеликни тасаввур (тақдим) қилиш, қайта англаш усуллари, муаллифлик концепциялари ва ш.к. ни ўрганиш);

б) “медиа аудиториялари” (аудитория типологияси, медиаидрок типологиясини ўрганиш) [48].

Федоров А.В. томонидан тақлиф қилинган шахснинг медиакомпетентлиги таърифи асосида, юқори синф ўқувчисининг психологик педагогик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда О.Иманова “юқори синф ўқувчисининг медиакомпетентлиги”га

таъриф берган. Юқори синф ўқувчисининг медиакомпетентлиги (компонентлари: мотивацияли, алоқавий, ахборотли, перцептив, баҳоловчи, фаолиятли, креатив) – мультимедиа ресурсларни танлаш, таҳлил қилиш, қўллаш, шунингдек, мультимедиа воситаларидан ўқув фанлари бўйича ўз мультимедиа маҳсулотларини яратиш, узатиш ва тарқатиш мақсадида фойдаланиш қобилияти [48].

Искаков Б.А. ўзининг Ресурс маркази шароитида ўқитувчилар медиакомпетентлигини ривожлантириш мавзусидаги педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида “ўқитувчининг медиакомпетентлиги” тушунчасига таъриф берган. Бу тушунча шахсий тузилма сифатида, фикримизча, ўқитувчининг медиатеchnология воситаларидан фаол фойдаланишга йўналтирилган педагогик фаолиятини компетент ва сермаҳсул олиб бориш қобилиятида ўз ифодасини топади. Бундай фаолият ўқитувчини очик таълимий медиамаконда касбий ўзини ўзи реализациялашга йўналтириш, медиатеchnологиялар моҳиятини англашга кўмаклашиш, яхлит педагогик жараёнда уларни реализациялаш методикаси билан қуроллантириш имконини беради [45;24-С].

Тадқиқотчи медиакомпетентликни тадқиқ қилишнинг турли жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда унинг структурасида мотивацияли-кадриятли, мазмунли ва процессуал компонентларни ажратиб кўрсатган.

Шаблин М.С. томонидан анимацион композиция воситасида педагогик олий таълим муассасалари талабалари медиакомпетентлигини шакллантиришнинг педагогик теchnологияси ишлаб чиқилган, асослаб берилган ва тажриба-синовдан ўтказилган. Бу теchnологияда анимацион композиция яратиш, педагогик олий таълим муассасалари талабаларининг ижодий салоҳиятини ривожлантирадиган тасвирий ва техник фаолиятнинг ранг-баранг турларини киритиш, топшириқ ва машқларнинг махсус тизимидан фойдаланишдан иборат умумий мақсад ва натижа билан бирлашган санъат турларининг ўзаро ҳамкорлигига етакчи ўрин ажратилган [102].

Мясникова Т.И. ўзининг “Университет талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш” номли тадқиқот ишида медиакомпетентлик шахсининг медиа билан мулоқотга яқка тартибдаги (индивидуал) тайёрлигини тавсифловчи

(характерловчи) талабанинг формал ва ноформал таълим жараёнида шахсий-субъектив ўзлаштиришлари натижасидир, деб қайд этган [132]. У университет талабаларининг медиакомпетентлиги ривожланиш кўрсаткичларини қуйидагича изоҳлаган:

– медиа ҳақидаги классик ахборот ва инновацион таркибий қисмларни қамраб оладиган медиа тўғрисидаги билимлар;

– медиадан рецептив фойдаланишда ўз ифодасини топадиган медиаистеъмолчилик;

– аналитик (таҳлилий), рефлексив малакалар, баҳоловчи аргументация (асослаш) қобилиятини ўз ичига оладиган медиатанқид;

медиаарақобат, у талабанинг замонавий медиа муҳитнинг ўзгарувчанлиги ва янгиликларини ҳисобга олиш малакаси; таълим ва касбий контекстдаги медиаматнларни лойиҳалаш креатив малакалари билан белгиланади.

Медиапсихология психология фанининг янги, жадал ривожланаётган соҳаси бўлиб, унинг предметини дунё маданиятининг динамик тарзда ривожланаётган соҳаси сифатида замонавий медиамаданият контекстида қараладиган шахс ташкил қилади. Медиапсихологиянинг асосий вазифалари сирасига қуйидагилар киради:

– шахснинг индивидуал ва оммавий коммуникация воситалари таъсиридаги хулқ-атворини ўрганиш;

– шахсий ва гуруҳли медиаэффektларни тадқиқ қилиш;

– медиамуҳитнинг субъект ривожланиши, шахснинг тикланиши ва инсоннинг психологик ўзини ўзи ҳис қилишига таъсирини таҳлил қилиш;

– шахснинг медиаҳимояланганлиги ва медиакомпетентлигини шакллантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш.

Шахснинг медиахабарларни идрок қилиш ва қайта ишлашда намоён бўладиган ҳимоя механизмларини тадқиқ қилиш, ахборотнинг ортиқча миқдорини қайта ишлаш ва информацион прессинг натижасида юзага келадиган “ахборотдан толиқиш синдроми”ни ўрганиш медиапсихологиянинг муҳим йўналиши ҳисобланади [132].

Яна бир россиялик медиа бўйича етакчи олим Федоров А.В. “Педагогик олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлиги ва танқидий тафаккурини ривожлантириш” номли ёзилган монографиясида [97], педагогик олий таълим

муассасалари талабаларининг медиакомпетентлиги ва танқидий тафаккурини ривожлантириш масалалари (“Медиатаълим” мутахассислиги, давлат рўйхат рақами № 03.13.30 доирасида) медиатаълим ва медиасаводхонликнинг умумий муаммолари контекстида ўрганилган.

Юқорида келтирилган фикрларни инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, бизнинг фикримизча, педагогик олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг энг қулай усули бу – “Информатика ва ахборот технологиялари” курсини ўқитиш жараёнида ахборот технологиялари, мультимедиа-технологиялар воситасида ривожлантиришдир. Мультимедиа асосларига оид, медиакомпетентлик даражасини оширишга қаратилган махсус курслар, назаримизда, битирувчиларга нафақат олий таълим муассасасида таълим олиш, балки кейинги касбий педагогик фаолиятда ҳам медиакомпетентликнинг юқори даражасини намоёйиш қилиш имконини беради.

Бу курслар мультимедиа-технологиялардан фойдаланиш соҳасида таълимни давом эттириш учун иш методлари, билиш мустақиллиги, тадқиқотчилик фаолиятига қизиқиш, гуруҳда ишлаш малакаларини ривожлантириш, ўзини ўзи назорат қилиш ва масъулиятни оширишга кўмаклашадиган таълим муҳитини ташкил қилиш имкониятини берадиган принциплар асосига қурилиши лозим. Бунда талабалар ахборот-коммуникацион технологияларини ўзлаштириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали медиакомпетентлик лаёқатига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш бўлғуси ўқитувчининг хоҳишига, характериға ва унинг касбий тайёргарлиғига ҳам боғлиқдир. Агар инсон ўзгаришлардан чўчимаса, янги шароитларда дадил қадам билан олға интилса, у қўйилган мақсадга қисқа муддатларда эришади.

1-боб бўйича хулоса

1. Таъкидлаб ўтиш жоизки, таълимни ахборотлаштириш, хусусан, медиамаҳсулотларга оид билимларни яхшироқ қўллаш муаммосини алоҳида тадқиқ қилиш, бу соҳадаги ютуқ ва камчиликларни, истиқболли йўналишларни аниқлаш ва уларни тадқиқ қилиш долзарб муаммо ҳисобланади.

2. “Ахборот технологиялари” ва “Медиакомпетентлик”нинг ижтимоий ва педагогик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришга ижтимоий ва информацион омиллар ўз таъсирини ўтказиши натижасида ахборотлашган жамиятда бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳамда информацион омилларнинг мазмунини қараб чиқишга имкон туғилади.

3. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиа бўйича компетентлигининг мазмунида қуйидаги ўзаро боғланган элементлар аниқланди: а) медиа бўйича саводхонлик; б) медиа билим бўйича мотивациясини намоён қилишга тайёрлик. “Медиакомпетентлик”ни янада ривожлантириш учун ривожланган давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш, ўқув режаларига медиакомпетентлик тушунчаларини ёритиб берувчи фанларни киритиш ва медиакомпетентлик тушунчаларини ёритиб берувчи методик қўлланмалар яратиш давр талабидир.

4. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш муаммосининг ҳолати ўрганилган. Дунё хориж олимларнинг тажрибаси ва фикр мулоҳазалари асосида назарий методолик ёндашув аниқланиб ўрганилган. “Информатика ва ахборот технологиялари” курсини ўқитиш жараёнида ахборот технологиялари, мультимедиа-технологиялар воситасида ривожлантириш. Мультимедиа асосларига оид, медиакомпетентлик даражасини оширишга қаратилган махсус курсларни, педагогик фаолиятда ҳам медиакомпетентликнинг юқори даражасини намоён қилиш имконини беради.

5. Юқоридагилардан келиб чиқиб, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентликнинг ривожлантириш мазмуни такомиллаштириш, медиакомпетентлигини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш зарурияти аниқланди.

II БОБ. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА “ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

2.1-§. Педагог кадрларнинг медиакомпетентлиги: тузилиши ва кўрсаткич даражалари

XXI асрда ахборот, билим ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш вазифаси жаҳон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим омилига айланиб бормоқда. Бу эса таълим тизимининг янги, инновацион тузилмасини яратишни тақозо этмоқда. Негаки, янгиланган иқтисодиёт инновацион таълим тизимисиз ривожлана олмайди. Билимлар ҳозирги жаҳон хўжалик тизимининг қудратли ресурси ва бойлиги эканлиги боис, замонавий таълим тизими ҳам дунё стандартларига ҳамоҳанг бўлиши табиий. Миллий таълим тизимининг модернизация қилинаётган замонавий босқичи фундаментал ўзгаришлар ва тизимли ёндашув билан характерланади. Зеро, шиддат билан ўзгараётган дунёда ёш авлодни етук кадрлар қилиб тайёрлашга масъул бўлган педагоглар олдида кўйилаётган талаблар ниҳоятда юқори бўлиб, улар сифат жиҳатидан янги, интеллектуал, маънан баркамол ва юксак профессионал салоҳиятли шахсларни шакллантиришга йўналтирилган.

Маълумки, таълим сифати кўп жиҳатдан ўқитувчининг компетентлиги ва касбий маҳорати билан белгиланади. “Компетентлик” атамаси (лотинча *competentio* интиламан, лойиқман, муносибман) – чуқур билим ва тажрибага эгалик, юксак маҳорат, хабардорлик, омилкорлик деганидир [17]. Компетентли ёндашув дунёда таълимнинг концептуал асосига айланмоқда. Айни пайтда компетентлик бу нафақат билимларга эга бўлиш, балки уларни амалиётга мослаштира олиш имконияти ҳамдир [17;52].

Замонавий жамият ва бугунги таълим тизимига инновацион медиакомпетентли педагоглар зарур. Нега деганда, инновацион тафаккурли ва креатив педагоглар таълим жараёнини янги мазмун билан бойитиб, уни юқори сифат босқичига кўтарилишининг муҳим омили ҳам бўлиб хизмат қилади. Инновацион медиакомпетентли педагогнинг фаолияти айнан шахсга йўналтирилган бўлиб, унда таълим олувчиларга ўзгариб бораётган

ижтимоий маконда юзага келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларда ўзлаштирилган билимлари асосида мустақил қарор қабул қила олиш, масалаларни тезкор ҳал қилиш, ўзининг барча қобилиятларини рўёбга чиқара олиш кўникмалари ўргатилади.

Чунки учинчи минг йилликда меҳнат бозори кучли рақобат ва иқтисодий эҳтиёж муҳити шароитида кадрлар танлашга алоҳида эътибор бериб, уларни жиддий сараламоқда. Иш берувчилар мутахассисларнинг нафақат билим даражасини, балки тўплаган тажрибасини, ўз-ўзини ривожлантириш йўлида янги билимларни ўзлаштириш кўникмасини ҳам баҳолашмоқда.

Бундай шароитда мутахассисларни тайёрлашда медианинг роли анча ортади. Бу эса ўз навбатида педагогдан юксак эрудиция, улкан ижодий, илмий салоҳият ва ташаббускорликни талаб қилади. Медиакомпетентли ўқитувчи (педагог) фаолияти қуйидаги жадвалда акс этган (2.1-жадвал):

Педагог ўз медиакомпетентлигини ошириши, талабалар билан яқин мулоқотга интилиши, ўқув мақсадлари учун интернет тармоғи ресурсларидан имкон қадар кенг фойдаланиши давр талабидир. Педагог виртуал маконининг ривожланиши унинг касбий ўсишига олиб келади, унинг мутахассис сифатида ўзини ўзи ривожлантириши учун зарур рағбатни таъминлайди. ОТМ маъмурияти профессор-ўқитувчиларнинг мазкур фаолиятини фаол рағбатлантириб бориши керак, зеро, бу каби ишлар ОТМда таълим ва тарбия сифатининг ошишини ишончли тарзда таъминлайди.

Замонавий жамият ва таълим тизими динамикаси педагогик кадрлар тайёргарлигига нисбатан юқори талаблар, жумладан, ахборотлаштирилган жамиятда ишлай олиш талабининг юзага келишига кўмаклашди.

2.1-жадвал

Медиакомпетентли ўқитувчи (педагог) фаолияти.

Ўқитувчи фаолияти	Компетентлик	Мазмуни
1. Медиа тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларни билиш	К.1. Таълимда медиа сиёсатини тушунади ва амалга оширади	К.1.1. Медиа тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билади ва тушунтира олади. К.1.2. Медиасиёсат ва

		унинг омилларни санаб беради ва тушунтира олади.
2. Медиа тўғрисидаги маълумотлар билан бойитилган ўқув дастурларини тузиш	К.2. Ўқув дастурига медиа бўйича тушунчаларни жорий этади.	К.2.1. Медиа ва унга тааллуқли тушунчаларни билади ва ундан фойдалана олади. К.2.2. Ўқув дастурларини медиага тааллуқли тушунчалар билан такомиллаштира олади.
3. Педагогик ўқув тарбия жараёнини ташкил этиш	К.3. Касбий фаолиятда ҳамда талабаларнинг мустақил таълим олиш жараёнини ташкил этишда медиатехнологиядан фойдалана олади	К.3.1. Медиатехнологияларни санаб беради, усулларини аниқлаб беради. К.3.2. Таълим-тарбия жараёнида медиатехнологияларни қўллай олади.
4. Талабаларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш	К.4. Талабаларнинг медиакомпетентлигини баҳолашда замонавий усулларни қўллай олади	К.4.1. Талабалар билимини баҳолашда айнан қайси турдаги АКТларни қўллашни кўрсатиб беради. К.4.2. Талабалар билимини баҳолашда шаффофликни таъминлаш

		жараёнини қай тарзда амалга ошириш жараёнини кўрсатиб беради.
5. Ўз ўзини ривожлантириш	К.5. Ўз ўзини касбий ривожлантиради	К.5.1. Ўз касбий йўналишидаги медиатехнологияларн и билади ва санаб беради. К.5.2. Ўз касбий йўналишида медиатехнологиялард ан қандай фойдаланганлиги тўғрисида тушунтириб беради.

Демак-ки, бўлажак педагогнинг медиакомпетент шахсини шакллантиришга маълум ижтимоий буюртма мавжуд. ОТМ педагоглари интернет-ҳамжамият ривожининг кўплаб тенденцияларини ўзларининг мақомига мос бўлмаган “болалар эрмаги” сифатида қабул қилиб, умумий ахборот маконига анчагина секин кириб боришмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида техника ютуқларидан фаол фойдаланадиган педагоглар таълим олувчилар билан анча осон тил топишади, уларнинг меҳнати ўзининг интеллектуал меҳнати маҳсулларидан (такдимотлар, CASE-воситалар ва ўргатувчи дастурлардан то ишланмалар ва моделлаштириш шахсий дастурий пакетларигача) кўп марта фойдаланиш, талабаларга зарур ўқув материалларини электрон кўринишда такдим қилиш ҳисобига жуда енгиллашмоқда.

Талабаларнинг мустақил ишлари, талабалар илмий фаолияти доирасида уларнинг ишланмаларини таҳлил қилишда ўзаро ҳамкорлик самарадорлиги тобора ортмоқда – талаба машғулотлар графигини педагогнинг дарс жадвали билан доимий

мослаштиришига эҳтиёж йўқ, чунки интернет тармоғи орқали турлича йўллар билан мулоқот қилиш имкони мавжуд. Айти пайтда жадал ривожланаётган интернет технологияларга ошно бўлишни истаган педагог АКТ соҳасида зарур билимлар ҳажмидан кўрқадим, бу йўналишда истиқболи порлоқ эмаслигига ўзини ўзи ишонтиради, кичик муаммолар олдида ҳам таслим бўлади. Педагогларнинг янги АКТларга қизиқишларини ўз вақтида рағбатлантириш ва уларга интернет-ҳаёт алифбосини ўрганишда максимал ёрдам кўрсатиш зарур.

Исталган педагог учун қулай бўлган талабалар билан мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик учун веб-сервисларнинг минимал ҳажми: электрон почта; лаҳзалик хабарлар тизимлари (телеграм, чат, инстаграм ва ш.к.); форумлар; блоглар.


Ўзаро ҳамкорликнинг бу каби шаклларида иштирок қилиш учун амалда АКТ соҳасида ҳеч бир билимга эга бўлиш талаб қилинмайди, электрон почта манзилининг мавжудлиги исталган ресурсларда рўйхатдан ўтишни назарда тутаяди, ўз кўникмаларининг ишланганлиги эса озроқ вақт талаб қилади, холос. Кўплаб ОТМлар талабаларнинг форумлар ва блоглар доирасида жамоавий ишлаш механизмларини фаол илгари сурмоқда.

Бу ҳолда технологияни ривожлантириш учун умуман ҳеч қандай сарф-харажат талаб қилинмайди (интернет-трафик амалда ҳамма ерда лимитсиз бўлиб улгуради), айти пайтда ишлатиладиган медиавоситаларга чекловлар ҳам мавжуд эмас: маърузалар, дарсликлар, тақдимотлар, ўқув фильмларини жойлаштириш сира меҳнат талаб қилмайди, материаллардан талабалар кечаю кундуз фойдалана олади.

Бўлғуси замонавий педагогнинг медиакомпетентлигини ривожлантиришни қуйида биз тадқиқотларимиз асосида яратилган усул орқали амалга ошириш мумкин деб ўйлаймиз (2.1-расм) [27].

Бунда компетентлик кўрсаткичларининг ҳар бирида ривожланишнинг юқори, ўрта ва паст даражалари ажратиб кўрсатилди.

Шубҳасиз, бу каби типология анча шартли, бироқ у компетентлик ривожланганлигига дифференциацияланган ёндашув ҳақида тасаввур ҳосил қиладики, бунда алоқа ва креатив кўрсаткичлар юқори даражада бўла туриб, ахборот ва баҳолаш кўрсаткичлари даражаси ўрта ва ҳатто паст бўлиши мумкин [27].



2.1-расм. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш технологияси

Мазкур таснифлардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, педагогларнинг таълимий фаолиятга касбий тайёргарлиги даражалари таснифларини умумлаштириш асосида (медиакомпетентлик даражаларини ҳисобга олган ҳолда) кўрсаткичларнинг мос жадвали ишлаб чиқилди (2.2-жадвал).

Кўриниб турибдики, замонавий мактаб ва Олий таълим муассасининг ўқитувчилари (педагоглар) медиабилимли, медиатаҳлил ва медиакреативли бўлишига даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

2.2-жадвал

Медиакомпетентликнинг ривожланганлик даражалари характеристикаси

	Паст	Ўрта	Юқори
Медиабилим ва уни қўллаш даражаси	- медиага тааллуқли айрим атамаларни билади; - медиасаводхонли -гини намоён эта олмайди; - медиатаълим соҳасида ўз билим ва малакаларини қўллашга интилиши йўқ.	- медиага тааллуқли атамаларни билади; - медиа саводхонлик ва маданиятнинг айрим жиҳатларини намоён эта олади; - медиатаълим соҳасида ўз билим ва малакаларини қўллашга интилиш бор.	- медиага тааллуқли атамаларни билади; - медиасаводхонлик ва медиамаданиятни кўрсата олади; - медиатаълим соҳасини такомиллаштиришга интилиши бор.

Медиатаҳлил	<ul style="list-style-type: none"> - медиатаҳдидларн и билади, лекин тушунмайди; - медиатаҳлил қила олмайди. - медиахавфсизлик ни таъминламайди. 	<ul style="list-style-type: none"> - медиатаҳдидларн и билади ва тушунади; - медиатаҳлил қила олади; - медиахавфсизлик ни таъминламайди. 	<ul style="list-style-type: none"> - медиатаҳдидларни билади ва тушунади; - медиатаҳлил қила олади; - медиахавфсизликни таъминлайди.
Медиакреатив	<ul style="list-style-type: none"> - ижодий ғояларни ўқув жараёнига тадбиқи йўқ; - педагогик фаолиятини медиатеологиялар орқали такомиллаштиришга интилиш йўқ; - медиарақобатчилиги йўқ. 	<ul style="list-style-type: none"> - ижодий ғояларни ўқув жараёнига тадбиқ этишга интилиши бор; - педагогик фаолиятини медиа технологиялар орқали такомиллаштиришга интилиш бор; - медиарақобатчилиги паст. 	<ul style="list-style-type: none"> - ижодий ғояларни ўқув жараёнига тадбиқ этади; - педагогик фаолиятини медиа технологиялар орқали такомиллаштиришга интилиши юқори; - медиарақобатчилиги мавжуд.

Педагогнинг медиакомпетентлик, яъни унга медиатаълим фаолиятини олиб бориш учун зарур кабсий билим ва малакаларнинг ривожланиш кўрсаткичлари таснифини ишлаб чиқиш шунинг учун ҳам зарур [27].

Юқорида келтирилган фикрларни инобатга олган ҳолда шунини таъкидлаш мумкинки, бизнинг фикримизча, юқори даражали медиакомпетентликка эга бўлғуси (ўқитувчи) педагогнинг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг энг қулай усули бу – педагогик олий таълим муассасалари талабаларининг медиабилим, медиатаҳлил ва медиакреативлигини ошириб боришдир. Бунда талабалар ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш,


ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали медиакомпетентлик лаёқатига эга бўлади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун биз ўз тадқиқотларимиздан келиб чиқиб қуйидаги “Педагогик олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш” механизмини таклиф этамиз (2.2-расм). Бу механизмнинг мақсади шундан иборатки, бунда талабаларнинг “Информатика ва АТ” курслари асосида медиакомпетентлигини ривожлантиришга эришилади. Механизм бир қанча вазифаларни ўз ичига олади.

Биринчиси, компетент ёндашув – бу таълим натижасига урғу берадиган ёндашувдир. Бунда таълим натижаси ўзлаштирилган ахборотлар йиғиндиси эмас, балки кишининг турли муаммоли вазиятларда ҳаракат қилиш қобилиятидан иборат бўлади.

Иккинчиси, ҳозирги кунда инновацияларни тадбиқ этиш учун креативликка боғлиқ бўлган инновацион таълим технологияларига асосланган. Медиакреативлик (ижодкорлик, фантазия) медиакомпетентли ўқитувчи фаолиятидаги ижодий қобилиятдир. Медиакреативлик инновацион ўқитиш муҳитини белгилаб, медиакомпетентликни ривожлантиришга олиб келади.

Инновацион ва ахборот технологияларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилишни замонавий ахборот дунёсининг жадал ривожланишидаги мантиқий ва зарурий қадам деб характерлаш мумкин. Медиа воситаларнинг (компьютер, проектор, электрон доска, 3D принтер ва ҳ.к.) таълим-тарбия жараёнига фаол кириб келиши педагоглар касбий фаолиятида ўқитишнинг инновацион методларини, воситаларини, турларини, шаклларини, умуман, педагогик технологияларини зудлик билан жорий этиш заруриятини келтириб чиқаради [43;7-б]. Инновацион технологиялардан фойдаланиш таълим олувчининг ўқув жараёнида мустақил ишлаш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўқитиш, ўз фаоллигини ошириш, мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантиради. Бундан кўриниб турибдики, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари қаторига медиатеكنولوجياларини киритиш зарурати кундан-кунга ошиб бормоқда.



2.2-расм. “Педагогик олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш” механизми.¹

¹ Муаллиф ишланмаси.

Учинчи вазифаси эса “Информатика ва АТ” курслари асосида ва “Мультимедиа технологиялари” махсус курси асосида шакллантирувчи вазифалар ҳисобланади:

“Информатика ва АТ” курслари асосида талабалар:

– АКТни қўллаш тамойилларини ўқув дастурлари ва баҳолашга қаратилган тизимларга жорий этиш орқали ўқув дастурининг алоҳида мавзулари доирасида талаб этиладиган ва таълим натижалари (таълим мақсадалари)га эришиш учун қандай АКТ воситалари ва улардан фойдаланиш кўникмалари зарурлигини аниқлай олиши ва уларни тегишли дастурларга кирита олиши;

– кенг тарқалган АКТ техник воситалари, матнларни киритиш, уларни таҳрирлаш, форматлаш ва чоп этиш учун мўлжалланган матн муҳаррирининг базавий имкониятларини билиши ва улардан фойдаланишни амалда кўрсатиб бера олиши;

– фаолият доирасига тааллуқли ва дарс бераётган фани бўйича таълимий дастурлар ва тренинг-техник воситаларни билиши ҳамда улардан самарали фойдалана олиши;

– таълим жараёни бошқарувида қўлланиладиган дастурлардан фойдаланиши, жумладан, таълим олувчиларнинг давомати, жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш натижаларни киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда тегишли ҳисоботларни тайёрлаш;

– мустақил таълим жараёнини ташкил этишда АКТни қўллаш мумкин бўлган ҳолат ва шароитларни аниқлаш ҳамда уни баҳолашда АКТ воситаларини қўллаш бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши;

– касбий фаолият ва меҳнат унумдорлигини ошириш, инновацияларни педагогик амалиётга жорий этишда АКТ воситаларидан фойдаланиш;

– ахборот ва ахборотлар устида бажариладиган амалларни билиши ва бажара олиш;

– ахборот ўлчов бирликларини, ҳажмини ва узатиш тезлигини билиш;

– санок системаларини билиш, санок системасида амаллар бажара олиш, сонларни бир санок системасидан бошқасига ўткази олиш;

– ахборотларнинг компьютерда тасвирланиши, ахборотларни ва медиани таҳлил қила олиш;

– ахборот технологиялари, таъминоти, ахборот узатиш усуллари ва воситаларини билиш, мавжуд медиа манбаларидан (интернет, телевизор, радио, аудио-видео ёзувлар, телефон,

компьютер, босма нашрлар, электрон почта ва бошқ.) керакли маълумотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, хавфсизлигини таъминлай олиш;

– ахборот тизимлари, уларнинг турлари, вазифалари ҳақида билимга эга бўлиш ва улардан фойдалана олиш;

– ахборот тизимларидаги ресурслар, маълумотлар ва тизим орқали тақдим этиладиган интерактив хизматлардан фойдалана олиш;

– автоматлаштирилган иш жойлари, уларнинг тури, ташкилий ва функционал тузилиши, хусусиятлари ҳақида тушунчага эга бўлиш;

– АКТ воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигига риоя қилиш каби билим ва кўникмаларга эга бўладилар.

Хозир кунда таълимнинг барча йўналишларида янги замонавий кўринишга олиб келаётган жиҳатлардан бири бу медиаахборотни саводли қабул қилиш ва уларни оммага етказиб бериш жуда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. “Медиаахборот” ҳозирги тараққиётнинг энг глобал ресурси сифатида қаралар экан, унинг заминидаги ахборот технологиялари тушунчаси турли соҳаларга янада чуқурроқ кириб бормоқда. Биз Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқув-услугий бошқармаси билан келишган ҳолда институтнинг 5110700 – “Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналиши 2016-2017 ўқув йили 1-курсга қабул қилинган талабалари учун ишлаб чиқилган ўқув режасининг тўртинчи «Танлов фани» блогига “Мультимедиа технологиялари” фани киритилди

“Мультимедиа технологиялари” махсус курси асосида:

Мультимедиа воситалари таълим беришнинг самарали ва истиқболли қуроли (инструментлари) бўлиб, у ўқитувчига анъанавий маълумотлар манбаидан кўра кенг кўламдаги маълумотлар массивини тақдим этиш; кўрғазмали ва уйғунлашган ҳолда нафақат матн, графиклар, схемалар, балки овоз, анимациялар, видео ва бошқалардан фойдаланиш; ахборот турларини таълим олувчиларнинг қабул қилиш (идрок этиш) даражаси ва мантиқий ўрганишига мос равишда кетма-кетликда танлаб олиш имкониятини яратади. Мультимедиа технологияларининг барча имкониятларини тўлиқ очиб бериш ва улардан самарали фойдаланиш учун таълим олувчиларга салоҳиятли (компетентли) ўқитувчининг кўмаги зарур бўлади.

– замонавий мультимедиа дастурларини ўрнатиш ва стандарт дастурлар билан ишлаш олиш;

– замонавий мультимедиа дастурлари ёки стандарт дастурлар асосида график анимациялар ҳосил қила олиш;

– Microsoft Office, PowerPoint дастури ёрдамида анимация, расм ва матнлар ўрнатиш;

– MS Office, PowerPoint дастури ёрдамида уч ўлчовли (3D) расмлар яратишга доир кўникмаларга эга бўлиши, шунингдек, таълим жараёнида ҳам ахборот-коммуникация технологиялари воситаси бўлмиш медиа (босма нашр, матбуот, телевидение, кинематограф, радио, овоз ёзиш ва интернет тизими)дан фойдаланиш талаба-ёшларни билимли, танқидий тафаккури ривожланган, мустақил фикрлайдиган, жамият ҳаётида фаол иштирок этадиган шахс бўлиб етишиши учун медиаахборотлардан фаол ва тўғри фойдаланиш малакаларга эга бўлишларига хизмат қилади.

Белгиланган вазифаларни тўлиқ амалда бажариш орқали ўз олдимизга қўйилган натижага эришамиз. Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш бўлғуси ўқитувчининг хоҳишига, характерига ва унинг касбий тайёргарлигига ҳам боғлиқдир.

2.2-§. “Информатика ва ахборот технологиялари” фани мазмунини медиакомпетентликни ривожлантириш асосида такомиллаштириш

Таълим жараёнини ахборотлаштириш янги давлат таълим стандартларини амалга оширишнинг асосий воситаларидан бири сифатида қаралиши лозим. Бу жараён педагогик инновациялар ҳамда ахборот технологияларининг қўлланиши натижасида ДТСни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиб, таълим муассасасини тезлик билан техника ва технологиялар билан бойитишни назарда тутди. Таълим ҳамжамиятининг вазифаси мазкур жараённи ривожлантириш йўллари ва суръатларини тушуниб етишдан иборатдир.

Аммо “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини такомиллаштирмасдан туриб ушбу кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди, деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик олий таълимнинг давлат таълим стандарти талабалар эгаллаши лозим бўлган компетенцияларнинг минимал даражасини белгилаб беради. Давлат таълим стандартлари талабаларнинг информатика фани бўйича компетентлик даражаларини белгилаб беради, ўқув режа ва дастурлар,

дарсликлар, методик қўлланмаларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади. Ўқув режаси ҳам қайта такомиллаштирилиб, “Информатика ва ахборот технологиялари” фани “Таълимда ахборот технологиялари” деб ўзгартирилди.

Ушбу фан педагогика олий таълим муассасаларининг барча таълим йўналишлари ўқув режасининг 2-блокида (Математика ва табиий-илмий фанлар) “Таълимда ахборот технологиялари” фани белгилаб қўйилган.

“Таълимда ахборот технологиялари” фани педагогик олий таълим муассасаларининг талабаларига 2-босқичда 3 - ёки 4 - семестрлар давомида ўтилади.

Ушбу фаннинг фан дастури талабалар эгаллаши ва амалда қўллаши керак бўлган қуйидаги билимлар ва кўникмалар мажмуини ўз ичига олади:

Ахборот, унинг турлари ва кўринишлари, ахборотни сақлаш, узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш, ЭҲМнинг архитектураси ва ишлаш принциплари, машина тили тушунчаси, микропроцессорнинг тузилиши ва ишлаш принциплари, Pascal дастурлаш тили асослари, дастурий таъминот, файллар билан ишлаш, Windows OT, замонавий ахборот технологиялари, шахснинг таълим-тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари, дастурий воситалар, матн ва график ахборотларни тайёрлаш ва уларга ишлов бериш технологияси, **мультимедиа технологияси, тармоқ** технологиялари, интернет технологияси ва унинг хизматлари, электрон тижорат, ахборот хавфсизлиги.

Таълимда ахборот технологиялари фанининг мақсади – замонавий ахборот технологиялари асослари, **медиа**сиёсат вазифалари, замонавий шахсий компьютерлар ва уларнинг атроф қурилмалари, тизимли дастурий таъминоти, амалий дастурий воситалар, замонавий коммуникацион технологиялар, Web-дизайн асослари, **медиа**таълимда инновацион педагогик амалиётларни АКТ ёрдамида қўллаш, дастурлаш, Microsoft Officeнинг дастурий воситалари, ахборот хавфсизлиги, **медиа тўғрисидаги** меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, электрон тижорат ҳақидаги билимлар билан қуроллантиришдан иборат.

Таълимда ахборот технологиялари фанининг вазифаси:

– информатика ва ахборот технологиялари ҳақида бир бутун тасаввур ҳосил қилиш;

– информатика ва ахборот технологияларининг ҳар бир инсон ҳаётидаги ва жамиятнинг ривожигаги ролини очиб бериш;

- информатиканинг аппарат ва дастурий воситаларининг моҳияти ва имкониятларининг очиб бериш;
- ахборот тизимлари ва технологияларини нима мақсадида ва қандай қўллаш;
- талабаларни медиакомпетентлигини оширишда ҳар хил турдаги медиатеchnологиялардан самарали фойдаланиш усулларини очиб бериш;
- ахборот хавфсизлиги, электрон тижорат ҳақида тушунча ҳосил қилишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Таълимда ахборот технологиялари ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалаврлар:

- замонавий ахборот технологиялари, замонавий дастурлаш технологиялари компьютер тармоқлари, **медиа ва уларнинг турли соҳаларда қўлланилиши, медиахавфсизлик, медиатаҳдид тўғрисидаги ҳамда ахборот хавфсизлиги ва ахборотларни ҳимоялаш**, электрон тижоратга доир билимга;

– ахборотнинг синтактик, семантик ва прагматик ўлчовлари, ахборот жараёнларининг аппарат ва дастурий таъминоти, операцион тизимлар, алгоритмлаш ва дастурлаш, **медиа тўғрисидаги маълумотлар билан бойитилган ўқув дастурларининг алгоритмларни тасвирлаш усуллари, визуал дастурлаш технологиялари, амалий дастурлар билан ишлаш технологиялари, компьютер тармоқлари ва уларнинг турлари, тармоқ ресурслари, ахборот тизимлари, уларнинг моҳияти, қўлланилиши ва вазифалари, электрон ҳужжат айланиши тизими, автоматлаштирилган ахборот тизимлари, **медиа таълимида мультимедиа воситалари**, ахборот хавфсизлигининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, ахборотларни ҳимоялашнинг техник ва дастурий воситаларидан, электрон тижоратлардан фойдаланиш кўникмасига;**

- ахборотларга ишлов бериш қурилмалари, ахборот жараёнларининг дастурий таъминоти, операцион тизимлар, хизмат кўрсатувчи дастурлар ва утилиталар билан ишлаш, дастурлаш тиллари ва визуал дастурлаш орқали дастур тузиш, амалий дастурлар билан ишлаш (матнли, электрон жадвал, тақдимотлар, график, маълумотлар базалари ва уларни бошқариш тизимлари, **медиа матн ҳужжатлар билан ишлашда медиатеchnологияларни қўллаш**), компьютер тармоқларидан фойдаланиш, турли веб саҳифалар яратиш дастурлари билан ишлаш, электрон ҳужжат айланиши тизими, маълумотларни

саралаш, филтрлаш ва ундан фойдаланишда **медимаданиятни** ошириш, замонавий мультимедиа тизимлари, имкониятларидан фойдаланиш малакасига эга бўлиши керак.

Юқоридаги фикрлар асосида биз ўз тадқиқотларимиздан келиб чиқиб қуйидаги **“Медиага тааллуқли тушунчалар”** жадвалини амалга оширдик (2.2-жадвал.).

Шу боис ҳам ҳозирги глобаллашув даврида талабалардан юқори даражада медиакомпетентлилик талаб қилинмоқда. Айниқса, дунё таракқиёти шиддати, унда кечаётган воқеалар ривожини барча соҳалар каби таълим-тарбия жараёнига ҳам янгича ёндашув, инновацияларни татбиқ этишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги дунёда амалга ошаётган глобал ўзгаришлар таълим ва тарбия соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Глобал ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатаётганлиги сабабли унинг билан боғлиқ бўлган ютуқ ва муаммоларни билиш ва тегишли хулосалар чиқариш амалий аҳамиятга эга.

Аввало, бу ўқув дастурлари, дарсликлар, методикаларни янада такомиллаштириш, ўқитувчи-педагоглар савиясини мунтазам ошириб бориш, жараёнга энг замонавий ва илғор ахборот ҳамда таълим технологияларини жорий этиш билан боғлиқ муаммоларда кўринмоқда. Айниқса, ўқув дастурларимизни тубдан қайта кўриб чиқишни, кенг билимга эга бўлган, мантиқий фикрлай оладиган ёшларни вояга етказишга хизмат қиладиган, такомиллашган меъёрий ҳужжатлар, фан дастурлари ва ўқув-методик мажмуаларни яратишимизни тақозо этмоқда. Шу мақсад вазифаларидан келиб чиқиб, биз қуйида Таълимда ахборот технологиялари фанининг дастурига қуйидаги медиакомпетентликни ривожлантиришга қаратилган тушунчаларни киритишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Фан дастурида берилган айрим мавзулар бироз қисқартирилиб, уларнинг ўрнига медиакомпетентликни ривожлантирувчи мавзулар киритилди (2.3-жадвал). Барча киритилган мавзулар бўйича ўқув машғулотларнинг технологик харитаси, замонавий педагогик технологиялар (синквейни, Веер, SWOT-таҳлил, Кейс-стади, тест, медиа тушунчалар бўйича кластер ва х.к.) асосида дарсларни ўтказиш ишланмалари ишлаб чиқилган. 1-мавзуга тавсиялар; медиа ҳақида тушунча; медиа вазифаларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Медиага тааллуқли тушунчалар

№	Тушунчалар	Мазмуни
1	МЕДИА	Жамиятда тўғри ва айланма коммуникатив алоқа тизими бўлиб, инсонлар билан вақтинча ўзаро алоқадорликни юзага келтирувчи ва уларни қизиқтирувчи, чалғитувчи макондир [129].
2	МЕДИАМАТН	Исталган медиа тури ва жанридаги хабар, баёни (газета мақоласи, телекўрсатув, видеоклип, фильм ва бошқ.) [50].
3	МЕДИАСАВОДХОНЛИК	Замонавий дунёдаги медианинг маълумотларни тушуниб англаш, медиаматн яратиш, таҳлил қилиш, баҳолай олиш, медиаматнлар ҳақида танқидий мулоҳаза юрита олиш ва медиа жанрларини фарқлаши [123].
4	МЕДИАТАЪЛИМ	Педагогика фанининг ахборот коммуникациялар қонуниятларини ўрганувчи ўзига хос йўналиши [74].
5	МЕДИАМАДАНИЯТ	Тарихий ривожланиш жараёнида инсоният томонидан турли медиа асарларни таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш, медиа соҳасидаги моддий ва интеллектуал учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар йиғиндисининг тарихий тизими [79].

6	МЕДИАТЕХНОЛОГИЯ	Медиа матнларни яратиш ҳамда ахборот билан ишлаш технологиялари [133].
7	МЕДИАТАҲДИДЛАР	Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланилган ҳолда, ғоявий таъсир кўрсатиш, медиа орқали амалга ошириладиган ошкора ёки пинҳона тажовуз.
8	МЕДИАХАВФСИЗЛИК	Давлатнинг фуқаролар учун ахборот хавфсизлигини таъминлаш, жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланиш, шунингдек, барча аудиовизуал медиа хизматлари ва электрон оммавий ахборот воситаларида инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш [134].
9	МЕДИАРАҚОБАТ	Замонавий медиа муҳитнинг ўзгарувчанлиги ва янгиликларини ҳисобга олиб, рақобатни таъминлаш [32].
10	МЕДИАСИЁСАТ	Оммавий ахборот воситаларининг (телевидение, радио, киноматография, оммавий нашрлар, электрон ахборот тизимлари, интернет, босма ва график, товуш, экран ва бошқа) кафолатланган ҳуқуқларини таъминлаш, алоқа ва ахборот сиёсати учун шароит яратиш [32].
11	МЕДИАПЕДАГОГИКА	Интернетдаги маълумотлар, телевидение, радио лавҳалари, кино, видео, аудио материаллар асосида ўқитиш назарияси [100].
12	МЕДИАПСИХОЛОГИЯ	Медиамуҳитнинг субъект ривожланиши, шахснинг тикланиши ва инсоннинг психологик жиҳатини ўрганадиган фан [100].

13	МЕДИАКРЕАТИВЛИК	Медиакреативлик-бу медиа воситаларни ижодкорона қўллаш, яъни бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятда электрон ресурсларни ишлаб чиқишда ижодкорона ёндашув, ахборот коммуникация технологияларни янги ғоялар асосида фойдаланиш кўникмасидир.
14	МЕДЕАПЕДАГОГ	Бу замонавий ахборот технологияларини узлаштириш оркали медиатаълимни олиб бора олиш билим, куникма ва малакаларни эгаллаган уқитувчи.
15	МЕДИАПСИХОЛОГИЯ	Медиамуҳитнинг субъект ривожланиши, шахсинг тикланиши ва инсоннинг психологик жиҳатини ўрганадиган фан.
16	МЕДИАРАҚОБАТ	Замонавий медиа муҳитнинг ўзгарувчанлиги ва янгиликларини ҳисобга олиб, рақобатни таъминлаш.

Фан дастурига таклиф қилинаётган тушунчалар

Фан дастурининг мазмуни	Медиага тааллуқли тушунчалар
1-модул. Замонавий ахборот технологиялари ва уларнинг қўлланиши.	Медиамаатнларни яратиш ҳамда ахборот билан ишлаш технологиялари; Медиасиёсат ва унинг вазифалари ҳақида тушунча.
2-модул. Замонавий компьютарларнинг аппарат ва дастурий таъминоти	Медиа хизматлар, медиатеchnологиялар ва электрон таълим ресурслари.
3-модул. Замонавий дастурлаш технологиялари	Медиа тўғрисидаги маълумотлар билан бойитилган ўқув дастурларининг алгоритмларни тасвирлаш усуллари; Ахборот хуружларининг олдини олиш. Слайдларни безашда медиа маданиятни қўллаш;
4-модул. Амалий дастурлардан фойдаланиш	Маълумотларни саралаш, филтрлаш ва ундан фойдаланишда медиасаводхонли. Тасвирларга ишлов бериш ва унга маълумотларни киритишда медиамаданиятнинг ўрни.
5-модул. Тармоқлар	Тармоқ хавфсизлиги ва инфор­мацион тахдидларнинг олдини олиш; Маълумотларни узатиш ва қабул қилишда медиасаводхонлик; Интернетдан фойдаланишда медиасаводхонликни ошириш; Интернет ахборот ресурслари ва инфор­мацион тахдидлар ҳақида билим ва кўникмаларни ошириш ҳамда мафкуравий Медиатаълим учун «Bluetooth» технологияси, симсиз алоқалар WiFi интернет хизматлари.

6-модул. Ахборот тизимлари ва уларнинг турли соҳалардақўлланилиши	Соҳа ахборот тизимларининг интерактив хизматлари ва улардан фодаланиш, Ахборот тизимлари билан ишлашда ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишда медиаҳавфсизликни ошириш
7-модул. Ахборот ва тармоқ хавфсизлиги ва ахборотларни ҳимоялаш	Зарарли дастурий таъминотларни ўрганишда медиаҳавфсизлик қоидалари; Ахборотлаштириш соҳасида ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш.

1-МОДУЛГА ТАВСИЯЛАР

МЕДИА ҲАҚИДА ТУШУНЧА; МЕДИА ВАЗИФАЛАРИ.

Бугунги ахборот технологияларнинг тез тараққий этиши натижасида пайдо бўлган янги глобал муаммолардан бири ёшлар онгига медиа, медиасаводхонлик, медиамадиниёт ва медиаҳавфсизлик тушунчаларини сингдиришдан иборат.

Ахборот-коммуникация технологияларнинг тез тараққий этиши натижасида “медиа” атамаси пайдо бўлди. “Медиа” атамаси лотин тилидан (*media, medium* сўзидан) олиниб, қўлланма, воситачи маъноларини англатади [129].

Медиа – бу жамиятда тўғри ва айланма коммуникатив алоқа тизими бўлиб, инсонлар билан вақтинча ўзаро алоқадорликни юзага келтирувчи ва уларни қизиқтирувчи, чалғитувчи макондир.

Медиа ҳозирги глобаллашув вақтда ўқувчи–ёшларнинг ахборот билан ишлашда муҳим ўрин тутди.

Ахборотлашган жамият даврида ҳар бир талаба-ёшлар ўзининг онгли ҳаётининг илк даврларидан бошлаб керакли ахборотларни мустақил равишда излаш, медиа каналлари орқали кўрган, ўқиган ва эшитганларига нисбатан ижодий муносабатда бўлишни ўрганиши керак, медиаматнларни танқидий таҳлил қилиш ва баҳолай олиш кўникмаларига эга бўлишлари лозимдир.

Бунинг натижасида бугунги кунда таълим соҳасида “Медиатаълим” тушунчаси пайдо бўлди. Медиатаълим – бир вақтнинг ўзида медиаматнлар қандай яратилиши ва тарқатилишини англаш билан биргаликда, ўқувчи-талабаларда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ёрдамида узатилаётган ахборотларнинг мазмунини таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Медиатаълим асосий мақсадларидан бири яратилган медиа махсулотлар ёрдамида ёшларда амалий кўникмаларни шакллантиришдир.

Нима учун бугунги кунда таълимга бундай атама керак бўлиб қолди? Чунки медиатаълим ҳар бир ўқувчи-талабаларда медиа махсулотлар ва ахборотлар билан ишлашда ижодий ёндашувни, мулоқот қилиш кўникмасини, танқидий фикрлашни, ахборотлар орқали узатилаётган асосий мақсадларни ва яширин ғояларни аниқлаш, медиамахсулотларни танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш, ахборотларни филтрлаш каби кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришни ўз ичига олади.

Ахборот функцияси Медиамаданият табиатда учрамайдиган алоҳида аборот жараёни тури ҳисобланади. Медиамаданият ахборот-коммуникация воситалари мажмуаси эканлигини инобатга олсак, биз у ўзи билан олиб юрувчи ижтимоий ахборот билан иш кўраимиз. Медиамаданият сабабли жамиятда ахборотни жамлаш ва кўпайтириш имконияти пайдо бўлади. Медиамаданиятнинг ахборот функцияси охириги ўн йилликларда компьютер техникаси сабабли кучайди. Хозирги замон медиамаданияти жамиятни ахборот таъминоти, унинг “ижтимоий хотираси” бўлиб хизмат қилади.

Коммуникатив функцияси Коммуникатив функциянинг моҳияти шундан иборатки, унга кўра медиамаданият бу – ҳокимият ва жамият, турли мамлакатлар, халқлар, ижтимоий гуруҳлар, индивидлар ва бошқалар ўртасидаги мулоқот воситаси ҳисобланади. Айнан медиамаданиятнинг коммуникатив функцияси маданиятлар ўртасида диалогнинг кучли катализатори ҳисобланиб, у туфайли тарихий-философик ва тарихий-адабиёт талқинида маданий ахборот алмашуниви содир бўлади ва шу сабабли ижтимоий ривожланиш жадаллашади.

Меъёрий (идеологик) функцияси Унинг моҳияти шундан иборатки, унга кўра медиамаданият шахсинг ижтимоийлашуви, унинг ушбу жамиятга, ижтимоий гуруҳга хос бўлган ижтимоий тажриба, билимлар, ғояларни ўзлаштириш учун жавобгардир. Бунга одатлар ва анъаналар, ахлоқ ва урфлар, қонунлар ва конституция ҳужжатларини ҳам, яъни биргаликда мураккаб ҳисобланган ҳуқуқ, ахлоқ ва манавият каби мажмуаларини ташкил қилади. Медиатаълим ёшларда медиамаданиятни ва саводхонликни шакллантириб, маънавий эстетик ва интеллектуал жиҳатдан,

уларнинг нутқини, мулоқот қилиш ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.

Бугунги кунда интернет тармоғи ёрдамида турли саҳифалардан, жумладан, Youtube, Mytube, Facebook, Telegram, Instagram, WhatsApp, Twitter каби ахборот узатиш воситаларидан олинаётган турли хил кўринишдаги ахборотларнинг ёпиш ва тақиклаш, узатилаётган турли сюжетларни чегаралашнинг имконияти камроқ бўлганлиги сабабли, катта сахнада “Медиатаълим” тушунчасининг пайдо бўлиши, унинг келажакда таълим соҳасида ривожланиши имкониятларини янада орттириб юборади. Келажакда, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларида “Медиатаълим”ни алоҳида фан сифатида ёки унинг элементларини бошқа фанларга сингдириб, ўқув режасига киритилишини ҳам инобатга олиш лозимдир [23;24].

Хулоса қилиб айтганда, таълим тизимида таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, ўқувчи-ёшларга сифатли таълим бериш учун ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаришга асосланган янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш, жумладан “Медиатаълим”ни жорий қилиш ҳозирги замон талабидир.

Таълим соҳасида “Медиатаълим”ни янада ривожлантириш учун ривожланган давлатлар билан шу соҳада халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курсларида, ўқув режаларига қисқа соатлик маъруза ва амалий машғулотларни киритиш, медиакомпетентлик тушунчаларини ёритиб берувчи методик қўлланмалар, яратиш йўли билан эришиш мукин деб ҳисоблаймиз.

2-МОДУЛГА ТАВСИЯЛАР

МЕДИАМАТН, ХУЖЖАТЛАР БИЛАН ИШЛАШДА

МЕДИАТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ.

“Яширин маънони ўқиш” учун медиаматнларда ахборотни тақдим этишнинг техник усулларини таҳлил қила олиш зарур. Бунда мазкур усуллардан воқеа-ҳодиса талқинининг таянч нуқтаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлади. Матнларни диққат билан ўқиш ахборот истеъмолчисига воқеа ва сюжетлар қандай тузилганини ҳамда медиа механизмлар қандай ишлашини англаб олиш имконини беради.

Ушбу мавзуда медиаматнларни диққат билан ўқиш методикасини ўзлаштириш юзасидан айрим модел ва машқлар келтирилган. Матнни таҳлил қилиш учун муайян нуқтаи назарни ёки услубни танлаш фойдалидир. У матнни таҳлил қилишда ўқувчининг диққатини йўналтиришга хизмат қиладиган муҳим омилдир. Матн таҳлилини бошлашда биринчи галда уни мавзу ва репрезентация қилиниши усуллари жиҳатидан ўрганиш зарур. Таҳлил жараёнида қайдлар юритиб бориш ва қуйидагиларга эътибор қаратиш тавсия этилади:

тасвир, товуш ва матндан қандай фойдаланилган?

қайси мавзу нисбатан қизиқарли тарзда тақдим этилган?

Медиаматн таркибини аниқлаш уни таснифлаш, шакли-тузилиши жиҳатидан миқдори ва сифатини баҳолаш кабиларни назарда тутати. Шунингдек, ахборотни тақдим этишнинг турли усулини, масалан, метафораларни ҳам эътибордан қочирмаслик зарур. Шундан сўнг бевосита таҳлил босқичи бошланади. Ушбу босқичда кузатувлар мазмунини мушаҳада қилиш зарур бўлади. Масалан, қуйидаги саволларга жавоб излаш мумкин бўлади:

- матнда кимнинг нуқтаи назари марказий ҳисобланади?
- воқеанинг “маъноси” нимада? У қандай тақдим этилган?
- қандай ахборот мавжуд эмас?

Юқорида кўрсатилган саволлар турли медиамаҳсулот ёки тимсолни таҳлил қилишда таянч сифатида хизмат қилиши мумкин [53;54].

Медиаматн тушунчаси ҳақида. медиаматн асосий тоифалари: XX асрнинг 90-йилларида инглиз тилида сўзлашадиган илмий манбаларда пайдо бўлган адабиётда медиаматн кенг тарқалган бўлиб қўлланилмоқда оммавий алоқага бағишланган сўнгги йилларда. Бир қатор хорижий экспертлар шахсларни ўрганиш ва функционал услублар билан безашган оммавий ахборот воситаларининг тили ва медиа матнларининг типологияси, технологиялари. Шу билан бирга, кўпинча тарихда бўлгани каби фан, янги, ғарб, атамалар билан боғлиқ бўлган терминология, публицистик услубларни ўрганишнинг ҳалол одати, психологик-Оммавий ахборот воситалари, матнли авлодлар ва оммавий ахборот воситаларининг тили, бир қатор олимлар томонидан ифодаланган. Т.Г.Добросклонская тадқиқотларни бирлаштиришни таклиф қилди "Медиалингуистисс" нинг махсус интизоми, бу доирада тилни ўрганишга тизимли равишда илмий ёндошиш имконини беради медиаматнни, шунингдек, асосийни ажратиб кўрсатишга имкон

беради медиаматни таҳлил қилиш. Маълумки, медиаматн назарияси бугунги кунда юзлаб назария бўйича мустақил мавқега эга ёки матндан ажралишга мойил.

Медиаматннинг матрицаси асосан ташқи томонидан аниқланади унинг мавжуд бўлиш шартлари, жумладан:

- ✓ Такдим этилган ахборотнинг ўзига хос тури ва хусусияти ОАВ
- ✓ "Оқим" ишлаб чиқариш, бир марталик, такрорланмас.
- ✓ Меди маҳсулотни жамоавий ишлаб чиқариш:
- ✓ Алоқа воситачилиги ва мулоҳазанинг ўзига хос хусусияти алоқа
- ✓ Медиаматнтехник воситаларнинг аҳамияти:
- ✓ Иқтисодий параметр:

Онлайн матнлар таҳлили: Интернетда эълон қилингунга қадар матнлар аксарият ҳолларда аниқлик борасида таҳрир қилинмайди. Фойдаланувчилар томонидан тайёрланадиган контент парчалари холис бўлмаган ёки ноаниқ ахборот ташиши мумкин. Форум ва блогларнинг фойдали жиҳатларини инкор этмаган ҳолда айтиш жоизки, улар шунингдек, амалда тавсиялари зарарли бўлган «маслаҳатчилар» билан ҳам мулоқотга киришувга сабаб бўлиши мумкин. Интернетдан фойдаланувчилар унда берилган ҳар қандай ахборотга ишониш қанчалик хавфли эканини билиши керак [53;90-С].

Шундай сайтлар борки, уларнинг мазмуни фойдаланувчиларни ўзи ўзига зарар етказишга ундайди (масалан, ўз жонига қасд қилишни, анорексияни(иштаҳа йўқолиши ва ўта озғинлик касали) ёки турли секталарни тарғиб қилувчи сайтлар). Интернетда ахборотларни эълон қилиш тартиби соддалашгани сайин зарарли контент таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли ортиб боради. Болалар ва ёшлар эса бундай сайтларда эълон қилинган кўрсатма ва ахборотлар ўзида қандай хатарларни ташишини тўғри баҳолаш салоҳиятига эга бўлишмайди [54;62-б].

Тармоқдаги оммабоп ахборотни таҳлил қилиш муаммоси, Интернетда материал эълон қилишнинг соддаллашуви тобора ошиб бораётганинг тескари жиҳати ҳисобланади. Амалда бу, айталик, бирор бир машҳур инсоннинг ашаддий мухлиси бўлган мактаб ўқувчиси яратган веб-сайтни ўша “юлдуз”нинг расмий сайти, деб нотўғри қабул қилиш ҳам мумкин. Бундан ташқари, баъзида рекламани соф ахборотдан ажратиб олиш ҳам мушкул бўлмоқда. Интернетда энг янги хабарлар жойлаштирилади, аммо ҳар доим

уларнинг бошқа манбалардаги шундай ахборотга мос келишини солиштириб кўриш зарар қилмайди.

Таълимда ахборот технологиялари фани талабаларда ахборот муҳотида маълум бир дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилиши билан бир қаторда, уларда ахборий маданиятни эгаллашда асосий рол ўйнайди. Шунингдек, “ахборот асри”да ёшларнинг компьютер саводхонлигини оширибгина қолмай, балки дастурлаш тилларини ўргатиш орқали янги дастурлар яратишларига замин бўлади.

3-МОДУЛГА ТАВСИЯЛАР МЕДИА ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН БОЙИТИЛГАН ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИНГ АЛГОРИТМЛАРНИ ТАСВИРЛАШ УСУЛЛАРИ.

Python дастурлаш тилида бир нечта грифик имкониятлар мавжуд бўлиб улар ҳар хил кўринишларда қўлланилади. Масалан ўйинлар медиа яратувчи (pygame), дастур ойналарини жиҳозловчи (tkinter) ва бошқа график кутубхоналар мавжудлиги билан ҳисобланади.


Tkinter (ing tk interface) бу график кутубхона ҳисобланиб бунда асосан дастур ойнасининг кўриниши (дизайини) яратилади. Масалан Менюлар қатори, контекст менюлар ва бошқа дастурларнинг бош менюлари ҳосил қилинади.

Python 3 ва ундан юқори версияларида tkinter кутубхонаси стандарт ўрнатилган бўлади, Python 3 версиясидан паст версияларга tkinter кўшимча кутубхона сифатида ўрнатилади. Кўшимча кутубхоналар Python дастурлаш тилида модул деб юритилади ва кийинги уринларда модул деб юритамиз.

Python дастурини ишга тушириб tkinter модулни қуйдаги тартибда чақириб оламиз:

```
from tkinter import *  
top = Tk ( )  
top. geometry (“300x300”)  
top. title (“1-дарс”)  
top. mainloop ( )
```

шу кодни дастурга ёзиб ишга тушурганимизда қуйдаги tkinter ойнаси ҳосил бўлади



from tkinter import * - бу буйруқ билан ткинтер модулини чақириб оламиз ва график объектни ишга таёрлаймиз.

top = Tk() - бунда ткинтер модули ишга тушади.

top.geometry("300x300") - геометрий ткинтер ойнасининг ўлчами берилади.

top.title("1- дарс") - Титле tkinter ойнасининг сарлавҳаси ҳисобланади.

top.mainloop () - tkinter графигининг якунланиши ҳисобланади.

Tkinter модулида ўзининг бир қанча компоненталар мавжуд бўлиб ҳисобланади. Tkinter модулидаги компоненталар widget деб номланади. Бу widgetларга қуйдагилар киради булар:

Button	Буттон widget иловадаги тугмаларни кўрсатиш учун ишлатилади.
Canvas	Санвас widget иловадаги чизиқлар, аваллар, кўпбурчаклар ва тўртбурчаклар каби шакилларни чизиш учун ишлатилади.
Checkbutton	Чэскбуттон widget бир қатор имкониятни тасдиқлаш учун ишлатилади. Фойдаланувчи бир вақтнинг ўзида бир неча вариантни танлаши мумкин.
Entry	Энтри видгетти фойдаланувчи маълумотларни киритиш учун ишлатилади. Киритилган маълумотлар сатир кўринишида киритилади.
Frame	Фраме видгетти бошқа widgetларни ташкил қилиш учун <i>контейнер</i> widget сифатида ишлатилади.
Label	Лабел widget бошқа widgetлар учун ягона сатрли сарлавҳани тақдим қилиш учун ишлатилади. Бундан ташқари тасвирлар ҳам бўлиши мумкин.

Listbox	Листбох widget фойдаланувчининг имкониятларини рўйхатини намоиш қилиш учун ишлатилади.
Menubutton	Менубуттон widget иловадаги менюларни ҳосил қилиш учун ишлатилади.
Menu	Мену widget фойдаланувчига турли хил буйруқлар бериш учун ишлатилади. Ушбу буйруқлар Менубуттон widget ичида жойлашган
tkMessageBox	Ушбу модул иловадаги хабар қутуларини акс этириш учун ишлатилади.

4-МОДУЛГА ТАВСИЯЛАР МАЪЛУМОТЛАРНИ САРАЛАШ, ФИЛЬТРЛАШ ВА УНДАН Фойдаланишда МЕДИАСАВОДХОНЛИ.

Мавзу давомида шу дастурларнинг айримлари билан, зарурий назарий маълумотлар берип ўтамиз. Мультимедиа дастури маҳсулотлар яратиш учун мўлжалланган айрим дастурлар:

Macromedia Flash - фойдаланувчиларга баҳо метафораси – вақтинчалик шкала ёрдамида интерактив фильмлар яратишга имкон беради. Фильмдаги элементлар Flash рамзлар дейилади. Рамзлар, кутубхона номли марказий репозиторийга қўшилади ва фильмнинг вақтинчалик шкаласига ҳам қўшилиши мумкин. Рамзлар муайян бир вақтда ҳозир бўлгандан сўнг улар сахнада пайдо бўлишади ва шу йўл билан фильм қандай кўринишга эга эканлигини кўрсатиб беришади, ва уни манипуляция қилиш ва Flashга ўрнатилган воситалар ёрдамида ҳаракатлантириш мумкин бўлади. Тайёр Flash-роликлар одатда Интернетда фильм ёки ўйинларни кўрсатиш учун қўлланилади.

Macromedia Director – метафорани интерактив тақдимотлар яратиш учун қўллайди. Бу кучли дастур Lingo номли мураккаб интерактив фильмларни яратишга имкон берувчи дастурий тилни ўз ичига олади. Бу дастур янада кўпроқ интерактивликни таъминлаб беради, Lingo эса, видеомагнитофон ва видеодисклар каби ташқи қурилмаларни ҳам ҳисобга олган ҳолда, кўпроқ назоратни таъминлайди.

Macromedia Fireworks – бу графикларни яратишга қаратилган Интернет учун махсус дастурий таъминот. У растер тасвирлар, вектор тасвирлар ва Java Script генераторларини ўз ичига олади.

Macromedia Freehand – GIF, PNG ва JPEG каби растер тасвирларнинг кўплаб форматларини кўтара оладиган, матнли ва веб-графикли файлларнинг таҳрирланишига мўлжалланган восита. У Photoshop форматини қабул қилишга ҳам қодир.

Мультимедиа расм ва графикларни таҳрирлаш учун мўлжалланган айрим дастурлар:

Adobe Illustrator – бу вектор графикларнинг яратилиши ва таҳрирланиши учун мўлжалланган, интернетда фойдаланиш учун осон экспорт қилинадиган кучли восита ҳисобланади.

Adobe Photoshop – график, расмларга ишлов бериш ва уларни манипуляция қилишга қаратилган инструментдаги стандарт деб ҳисобланади. Тасвир, график ва матн қатламларини максимал мослашувчанлик учун алоҳида манипуляция қилиш мумкин, унинг “фильтрлар фабрикаси” эса мураккаб ёруғлик эффектларини яратишга имкон яратади.

График файллар тасвир файлларга нисбатан қамроқ жой эгаллайди.

Интерактив фойдаланувчан назоратни ўз ичига олган ҳолда, кенг қамровли тўлиқ шаклдаги мультимедиявий тақдимотларни яратишга имконият берувчи воситалар, муаллифлик дастурлари деб аталади!!!

Мультимедиа Рақамли аудио таҳрирлаш учун мўлжалланган айрим дастурлар:

Digital Audio – (Рақамли аудио) нинг асбоблари аудиони ташкил қилувчи ҳақиқий наъмунавий товушларнинг таҳрирланиши ва фойдаланиши билан иш юритади.

Cool Edit – рақамли товушнинг кучли, машҳур воситаси бўлиб, профессионал аудиостудиянинг иқтидосига, шу билан бирга, товушли файллар ва сигналларнинг рақамли ишлов бериш эффектларининг таҳрирланишига ёрдам беради (айниқса ШК фойдаланувчилари учун).

Sound Forge – WAV файлларнинг таҳрирланишига мўлжалланган мураккаб компьютер дастури. Товушни CD-ROM дисководи, лента ёки товушли карта орқали микрофондан ёзиб олиб, сўнг аралаштириб ва таҳрирлаш мумкин. Бу дастур мураккаб маҳсус эффектларни кўшишга имкон ярата олади.

Pro Tools (профессионал инструментлар) – бу Macintosh ва Windows компьютерларида ишловчи, ишлаб чиқариш ва таҳрирлашга мўлжалланган юқори сифатли бирлашган муҳит деб

аталади. Pro Tools MIDI нинг осон яраталиши ва манипуляцияси, шунингдек, таҳрирлаш ва ёзиб олишга мўлжалланган дастурий таъминотларни таклиф қила олади.

Мультимедиа видео таҳрир (Video Editing) таҳрирлаш учун мўлжалланган айрим дастурлар:

Adobe Premiere – нозикли монтаж (видео клипларнинг ҳар қандай тартиби) учун видео таҳрирнинг осон ва интуитив воситаси. Видео ва аудиолар трекларда жойлашган. Бу ўз қаторда видео ва аудио трекларнинг катта сони ва уларнинг сифимини таъминлаб беради. Фильтр ва клиплар ҳаракатларининг кутубхонаси самарали мультимедиа маҳсулотларини яратишга катта имкон беради.

Adobe After Effects – видео таҳрирнинг кучли бир инструментларидан бири бўлиб, фойдаланувчиларга жорий фильмларни ўзгартириш учун ёритиш, махсус соялар ва шу каби бошқа эффектлардан фойдаланишга имкон беради. Бундан ташқари, у, Photoshop даги каби, қатламларга мустақил равишда объектларни манипуляция қилишга ёрдам беради.

Final Cut Pro – Apple нинг Macintosh платформасига таклиф қилган видео таҳрир учун восита. У видео ва аудиони фильм ва DV каби кўп сонли манбълар ичидан қамраб олишга қодир. У бутун муҳитни таъминлаб беради, қамраб олишдан бошлаб таҳрирлаш ва ранлар ҳамжиҳатлиги, ва ниҳоят, видеофайлни кўрсатиш ёки компьютердан ўтказишгача.

Мультимедиа Animation (Анимация) учун мўлжалланган айрим дастурлар:

Java3D – бу API (амалий дастурлаш интерфейси) бўлиб, Java Media Framework га аналогик тарзда мультимедиа файлларга ишлов беради. Бу дастурчилар яратиши мумкин бўлган ибтидоий объектларнинг асосий мажмуини беради. OpenGL ёки DirectX (фойдаланувчи ўзи танлаши мумкин) устига қурилган абстракция қатлами бўлиб, шунинг ҳисобига график тезлашади.

DirectX – энг кенг тарқалган API (амалий дастурлаш интерфейси) бўлиб, компьютер ўйинлари каби замонавий Windows мультимедиа иловаларини ишлаб чиқариш учун қўлланилади.

OpenGL 1992– йилда яратилган ва ҳозирда фойдаланишда энг оммабоп 3D API (амалий дастурлаш интерфейси) деб ҳисобланади. OpenGL жуда ихчам бўлиб, UNIX, Linux, Windows ва Macintosh

каби оммабоп ва замонавий операцион тизимларда ҳам ишлайверади.

3D Studio Max – анимация персонажлари, ўйинларни ишлаб чиқариш ва визуал эффектларни яратиш учун мўлжалланган барча профессионал юқори сифатли воситалар қаторини ўз ичига қамраб олган. Бу воситалар ёрдамида яратилган моделларни бир неча ўйинларда ҳам учратиш мумкин, масалан, Sony Playstation ва.х.к. да.


Soft image XSI – фильм ва ўйинлардаги анимация ва махсус эффектлар учун кучли моделлаштириш, анимация ва рендеринг пакети.

Maya – Softimage билан рақобатлашувчи маҳсулот бўлиб, кенг камровли моделлаштириш пакети ҳисобланади. У моделлаштириш ва анимация учун инструментларнинг кенг танловини таклиф қилади.

Зарурий назарий маълумот:

Медиа бу инсонлар ўртасида ахборот, билим, хис-туйғулар, фикр ва ғояларни етказиб беришдир. Медианинг этимологияси суҳбатдошга билим ёки ахборотни беришдир. Бир хил турдаги маълумотлар мономедиа дейилади. Мультимедиа бу биттадан кўп бўлган медиадир. Мультимедианинг компоненталарига – матн, тасвир, графика, овоз, мусиқа, анимация, видеолардир.

**САЛОМ
ПАЙТОН**



Матн

Мусиқа

Тасвир

Графика

Анимация

Видео

5-МОДУЛГА ТАВСИЯЛАР

МЕДИА ТАЪЛИМ МУҲИТИДА BLUETOOTH ТЕХНОЛОГИЯСИ

Амалиётда қатор симсиз алоқа ўринбосарлари мавжуд. Масалан, «Bluetooth» технологияси симсиз алоқалар учун 1990 йилларда Bluetooth Special Interest Group (SIG) гуруҳи томонидан IEEE 802.15 стандарти асосида маълумотларни радиоалоқа орқали периферик қурилмалар орқали кичик масофаларга узатиш учун ишлаб чиқарилган. Бунда Bluetooth технологияси симсиз алоқа орқали 8 бирликдаги турли периферик қурилмаларни бирлаштириши мумкин. Биринчидан бу технология мобил телефонларини турли қурилмалар билан симсиз боғлаш мақсадида яратилган. Аммо бу технологиядан фойдаланиш жуда тез тарқалди. Ҳозирги кунда «Bluetooth» технологияси симсиз шахсий локал тармоқ (Wireless Personal Area Network - WPAN) деб аталувчи бир неча узелларни боғлаши мумкин. WLAN сингари «Bluetooth» технологиси ҳам ISM (Industry, Science and Medicine) чизиғида лицензиясиз 2,402 - 2,480 ГГц частота диапазонидан фойдаланади. «Bluetooth» технологияси кенг тарқалган симсиз WLAN тармоғини тўлдиради, аммо унинг ўрнини босиши ёки у билан рақобатдош бўлиши мумкин. Bluetooth технологияси овозли алоқа бўйича ишлаши ва маълумот узатишни амалга ошириши мумкин. Шунингдек технология овозли маълумотлар билан параллел ишлаш ва маълумот узатишни амалга ошириш имконини беради. Бунинг учун технологияда икки турли алоқа каналлари қўлланилади. Синхрон узатиш (Synchronous Connection-Oriented - SCO) овозли сигналларни секундига 64 к бит тезликда узатишга мўлжалланган. Фақат асинхрон алоқа (Asynchronous Connectionless - ACL) пакетли маълумот узатишга мўлжалланган. Агар бу вақтда синхрон пакетлар узатилмаса, бунда Bluetooth ихтиёрий маълумотни асинхрон узатишни таклиф этиши мумкин. Bluetooth маълумотлар пакети 72 битли кириш кодидан, 54 битли асосий қисм (Header) ва 0 дан 2745 битгача ҳажмдаги (DH5 пакети тури) маълумотлар майдонидан иборат. Bluetooth нинг 2.0+EDR турида маълумотлар майдони 8168 битгача (3-DH5) ни ташкил этиши мумкин. Bluetooth технологиясида спектрни кенгайтириш методи частотани кескин қайта қуриш (Frequency Hopping Spread Spectrum, FHSS) орқали қўлланилади. Бунда частота йўли 1 МГц да 79 босқичга (бир неча мамлакатларда 23) бўлинади, бунда маълумотларни узатиш учун секундига 1.600 маротаба ўзгаради. Частоталар орасидаги қайта ёқиш кетма кетлиги

хар бир алоқа учун тасодифий эмас ва фақат узаткич ва қабул қилгич учун таниш бўлиб, бир ташувчи частотадан синхрон равишда иккинчисига 625 мкс да ўтказилади. Шундай қилиб, параллел алоқа юз беради.

FHSS методи ишлатиш учун оддий ва кенг доирадаги шовқинларга чидамлилиқни таъминлайди. Бундай шовқинлар WLAN каби частота диапазонида ишловчи симсиз тармоқлар, симсиз телефонлар ёки микротўлқинли қурилмалар орқали юз бериши мумкин. Частота диапазонининг чегараланган соҳасида ўзининг ҳимояси учун бир чизикда (Guard Band) қолади ва қўшни частоталар билан чегараланади. Назарий жиҳатдан Bluetooth технологияси ёрдамида маълумотлар секундига 706,25 кбит тезликда олинади ва секундига 57,5 кбит тезликда жўнатилади (ассимметрик узатиш). Технологиянинг ривожланиши билан маълумотларни узатиш тезлиги тизимли равишда ошди. 2.0 + DER (Enhanced Data Rate) версиясидан бошлаб тезлик уч маротаба ошди ва секундига 2,1 Мбитни ташкил этди (яхлитланганда 3 Мбит). Bluetooth 3.0 + HS версияси қўшимча юқори тезликли алоқа канали (Highspeed - HS)ни WLAN асосида қўллайди ва йўллар UWB кенгайди. Бундай ёндашув маълумотларни узатишда секундига 24 Мбит назарий тезликни таъминлайди. Энг зарур стандарт бўлиб 2009 йилда тасдиқланган Bluetooth 4.0 версияси ҳисобланади, у олдинги версияларга бутунлай мос тушади. Амалда фаолият чегараси узаткич қуввати билан бир қаторда кўплаб турли омилларга боғлиқ. Бундай омилларга, масалан, қабул қилгичнинг сезгирлиги, антенна тузилмаси ва теварак атроф кириши мумкин.

Шунингдек турли узатувчи пакетлар ҳажмининг турличалигига кўра фаолият соҳасига таъсир этиши мумкин. Қувватига кўра уч турли қурилмалар ажратиб кўрсатилади:

Bluetooth қурилмаси турлари

2.4-жадвал

тури	Максимал қувват, мВт	Максимал қувват, дБм	Фаолият доираси, м
1	100	20	100
2	2,5	4	10
3	1	0	1

Bluetooth қурилмалари ўртасида маълумотлар маълум профил фаолиятини бошқаришга жавобгар томонидан узатилади. Профил

маълум Bluetooth қурилмасига мос бир қатор функция ёки имкониятларга эга. Bluetooth қурилмаси билан бирга ишлаш учун улар умумий профилга эга бўлиши керак. Bluetooth алоқаси ўрнатилиши билан қурилма қатнашчилар керакли профилни танлайди ва бошқа қурилмаган қандай хизмат кўзда тутилганлиги, қандай маълумот ва командалар унга кераклигини танлайди.

Хулоса қилиб айтганда, таълим соҳасида “медиакомпетентлик”ни янада ривожлантириш учун “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидаги мавзуларни медиага оид мавзулар билан бойитиш, медиакомпетентлик тушунчаларини ёритиб берувчи методик қўлланмалар яратиш ҳамда ўқувчи-талабаларга етказиш йўли билан эришиш мумкин бўлади.

2.3-§. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш шакл, усул ва воситалари

Ҳозирги кунда олий таълим тизими ўқитиш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши натижасида ўқув методик материаллари ҳам икки турга бўлинмоқда. Булар анъанавий ва ноанъанавий, янги авлод ўқув-методик материаллар мажмуасидир.

Анъанавий ўқув-методик материалларига таълим тизимида қўлланиб келинаётган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик кўрсатмалар, дидактик тарқатма ва кўргазмали материаллар киради. Янги ўқув методик материалларга анъанавий материаллардан ташқари электрон нашрлар, электрон дарсликлар, электрон плакатлар, электрон луғатлар замонавий ахборот ва педагогик технологияга асосланган методика, интерфаол усуллар ёрдамида яратилган ўқув материаллари, мультимедиа воситалари, интернет олинган маълумотлари ва бошқа тасвирий-визуал воситаларни киритиш мумкин [106;28-б].

Айни пайтда анъанавий ўқув-методик материаллари мажмуасининг аҳамияти камаймаган ҳолда, янги авлод ўқув материаллар мажмуасига эҳтиёж ошиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида ўтказилган тадқиқотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, анъанавий дарс ўтиш таълимнинг асосий моделларидан бири бўлиб қолмоқда.

Анъанавий дарс муайян муддатга мўлжалланган, бунда таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга

кириш, ёритиш, мустаҳкамлаш ва яқунлаш босқичларидан иборат таълим тузилмасидир.

Ҳозирги кунда ўқитувчилардан давр билан ҳамнафас, ҳар томонлама етук замонавий шахсларни тарбиялаш талаб қилинаётган бир пайтда замон талабини тўғри англаб етадиган жамиятнинг фаол аъзоларини тарбиялаш даркор.

Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман талабалар интилишини фаоллаштирадиган интерфаол усуллар билан бойитиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан ўз ўрнида фойдаланиш натижасида талабаларнинг ўзлаштириш даражаси ошганлигини кўришимиз мумкин.

Бунинг учун дарс жараёнини оқилона ташкил этиш ҳамда ўқитувчи томонидан талабаларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллигини доимий рағбатлантириб туриши даркор [104;19-б].

Шунингдек, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда кейслар билан ишлаш, SWOT таҳлили, “Хулосалаш” методи, “Тушунчалар” методи каби дарс технологияларидан унумли фойдаланиш, талабаларни амалий машғулотлар ҳамда лабораторияларда мустақил ишлашларига ундаш, шунингдек, ранг-баранг баҳолаш усулларидан фойдаланиш, таълим воситаларидан жойида ва вақтида фойдаланиш талаб этилади.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан олиб бориладиган дарсларнинг интерфаол усулларда ўтилиши оддий дарслардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

1. Қўйилган мақсадга аниқ эришиш.
2. Янги билимларни беришда янги усуллардан фойдаланиш.
3. Дарсда ва мустақил таълим жараёнида талабаларнинг мустақил фаолияти тўлиқ таъминланади.
4. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш тўлиқ компьютер назоратига топширилади.
5. Талабаларнинг медиасаводхонлигининг кескин ошиши кузатилади, хусусан, манипуляция ва навигация элементларини тез ўзлаштириб олишади.

Қуйида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан интерфаол усуллар ёрдамида олиб бориладиган маърузадан намуна келтирамиз.

МАВЗУ	Медиахавфсизлик тушунчаси. Медиахавфсизликнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари.
--------------	---

Маъруза машғулоти ни ўқитиш технологияси

<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабаларнинг тахминий сони: 15-20 нафар
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	визуал маъруза
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Медиахавфсизлик тушунчаси. 2. Медиахавфсизликнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари. 3. Ахборотларни ҳимоялашнинг техник ва дастурий воситалари, ҳимоялаш усуллари, логин ва парол тушунчаси, компьютер тармоқларига рухсатсиз уланиш, вирус тушунчаси ва уларнинг турлари. 4. Ахборотлаштириш соҳасида ички ва ташқи медиатаҳдидлар.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> медиахавфсизлик тушунчаси, медиахавфсизликнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари тўғрисидаги билимларини ҳамда тўлиқ тасаввурларни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> - Талабаларга медиахавфсизлик тушунчаси, медиахавфсизликнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, медиахавфсизликда медиасиёсати, ахборотларни ҳимоялашнинг техник ва дастурий воситалари, ахборотларни ҳимоялаш усуллари, компьютер тармоқларига рухсатсиз уланиш, вирус тушунчаси ва уларнинг турлари, ахборотлаштириш соҳасида	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - Талабаларга медиахавфсизлик тушунчаси, медиахавфсизликнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини изоҳлайди; - ахборотларни ҳимоялашнинг техник ва дастурий воситалари, ахборотларни ҳимоялаш усуллари айтиб беради; - компьютер тармоқларига рухсатсиз уланиш, вирус тушунчаси ва уларнинг турларига тавсиф беради; - ахборотлаштириш соҳасида ички ва ташқи медиатаҳдидларни ифодалаб бера олади.

ички ва ташқи медиатаҳдидлар ҳақида маълумотлар бериш ҳамда шу каби билимларини мустаҳкамлаш.	
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, SWOT таҳлили, “Хулосалаш Веер”, “Кейс-стади” методлари
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоа, гуруҳ ва жуфтликда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Медиавоситалари билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, Вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 дақ.)	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1. Эшитади, ёзиб олади.
2-босқич. Асосий (60 дақ.)	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади. 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. 2.3. Ўқитувчи мавзу бўйича тақдимотни намойиш қилади. 2.4. Талабаларга мавзунинг	2.1. Эшитади, ўйлайди, жавоб беради. 2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади. Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади, ёзади. 2.4. Ҳар бир

	асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.	саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Таърифни ёзиб олади, мисоллар келтиради.
3-босқич. Якуний (10 дақ.)	3.1. Мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.

“Медиахавфсизлик тушунчаси таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
медиахавфсизлик		
ахборот махфийлиги		
узиш (разединение)		
ушлаб қолиш (перехват)		

ижтимоий тармоқ (социалний сет);		
мобил курилмалар (фалсификация)		

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилади.

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

СИНКВЕЙН

Синквейн (француз *cinquains*, англ. *cinquain*) - 20-асрнинг бошларида АҚШда япон поэзиясининг таъсири остида пайдо бўлган беш қаторлик сўз шаклидир. Кейинчалик (1997 йилда ва Россияда) дидактик мақсадларда фойдаланилган, натижада тезкор натижаларни тезда қўлга киритишга имкон берадиган мажозий нутқни ривожлантиришнинг самарали усули сифатида фойдаланилган. Бир қатор методистлар синквейнларнинг мураккаб ахборотларни синтез қилиш воситаси сифатида фойдалидир деб хисоблашади.

Медиасиёсат тушунчаси бўйича синквейн:

1. медиасиёсат;
2. очик, ёпик;
3. оммавий ахборот воситалари матнларини мазмунини бойитиш, Алоқа ва ахборот сиёсати учун шароит яратиш,
4. медиа контекстини тушунишга ва ҳаётга тадбиқ этишга ёрдам беради.
5. медиамаданият

Медиатаҳдид тушунчаси бўйича синквейн:

1. таҳдид
2. ғоявий, ахборотли

3. қўрқувга солади, рухий тасир ўтказди, тушкунликка олиб келади;
4. медиа технологиялар орқали ҳаётдаги одамларга қўрқув солади;
5. хужум

Медиатеология тушунчаси бўйича синквейн:

1. медиаматн
2. газета, журнал, Интернет
3. оммавий ахборот воситалари, реклама орқали берилади;
4. глобал ва ижтимоий тармоқлар, таҳлил қилиш асосида қабул қилинади;
5. технология

"ХУЛОСАЛАШ" (Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айтилган пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда талабаларнинг мустақил фикрлари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин [82].

Медиатахдиддан ҳимояланиш тўғрисида					
Ўз медиасаводхонлигини ошириш		Медиаматнларни таҳлил қилиш		Ахборот хавфсизлигига эътибор бериш	
ижобий	салбий	ижобий	салбий	ижобий	салбий
Хулоса:					

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

SWOT-таҳлил”ини амалга оширинг.

S	кучли томонлари	
W	кучсиз томонлари	
O	имкониятлари	
T	тўсиқлар	

"Кейс-стади" методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What) [14;16;60].

Кейс учун вазифа: компьютерга медиавоситаларни улаймиз, мисол учун видеохарита (VGA) ўрнатилади. Компьютерни ишга туширдик, лекин медиақурилма сифатли хизмат кўрсатмаяпти, компьютерда қотиш аломатлари вужудга келиб, видео материаллар сифатли ижро этилмаяпти. Сиз қандай ҳаракатларни амалга оширасиз?

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none">•якка тартибдаги аудио-визуал иш;•кейс билан танишиш (матнли,

	<p>аудио ёки медиа шаклда);</p> <ul style="list-style-type: none"> • ахборотни умумлаштириш; • ахборот таҳлили; • муаммоларни аниқлаш.
<p>2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш</p>	<ul style="list-style-type: none"> • индивидуал ва гуруҳда ишлаш; • муаммонинг долзарблигини аниқлаш; • асосий муаммоли вазиятни белгилаш.
<p>3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> • муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; • ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларини таҳлил қилиш; • муқобил ечимларни танлаш.
<p>4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; • ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; • якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш.

Муаммо	Ечим	Натижа

Олий таълимда медиатеологияларни қўллаш – фанлараро боғлиқликни кенгайтиради, мавзуларни қўшимча маълумотлар билан бойитишни таъминлайди. Талабаларда ақлий қобилиятларини жадал ривожланиш жараёни кечади, уларнинг интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш учун асос яратилади. Ўқув жараёнида педагогик, инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш олий таълимнинг долзарб масалаларини самарали ечиш учун имконият яратади. Бунда:

- ўқув жараёнини қизиқарли ва натижавийлигини таъминлаш ҳисобига таълим олувчида ўқув материални англаб олиш мотивацияси ортади;

- мустақил ишлаш ва ўзини ўзи назорат қилиш кўникмаси ортади;


- ўқув машғулотларининг самарадорлигини ва ҳар бир таълим олувчининг ўзлаштиришини таъминлайди;

- таълим олувчининг фикрлашини, билиш ҳиссиётини, мақсад сари интилишларини, маънавий тасаввурларини ривожлантириш ҳисобига умумий фаол ривожланишга эришилади;

- аудиториядаги барча талабаларнинг фаол ишлаши таъминланади.

Замонавий компетент ўқитувчи келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчисидир. Замонавий компетент ўқитувчи томонидан дарс мазмунидаги асосий маълумотлар ва ўқув материали шундай тақдим этилиши керакки, у ўқувчининг визуал идрок қилиш қобилиятини осонлаштиради. Бунда ҳар бир ўқитувчини қисқа вақт ичида жуда катта миқдордаги ахборот тўпламини ўзлаштириш, қайта ишлаш ва амалда қўллаш олишга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Уни ҳал қилишда ўқитувчига ўқитишнинг анъанавий усуллари билан бирга замонавий ахборот технологиялари, жумладан, медиатеологиялардан фойдаланиш ёрдам беради.

Дарсда медиатеологиялардан фойдаланиш ўқитиш жараёнини қизиқарли олиб бориш, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиш имконини беради.



2.3-расм. Медиа тушунчалар бўйича кластер

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР БУЙИЧА ТАВСИЯЛАР

МАВЗУ: МЕДИАТЕХНОЛОГИЯЛАР

1. Уй учун мўлжалланган аудио ва видео ахборотни ижро қилиш мультимедиа маҳсулотлари.
2. Аудио-видео файллар.


Ишнинг мақсади: Талабаларда мультимедиа аудио ва видео ахборотларни ижро қилиш учун мўлжалланган техник қурилмалар ҳақида тушунчаларни ҳосил қилиш. Видео маҳсулотларни яратиш учун керак бўладиган зарурий дастурий таъминот билан танишиш каби тушунчаларга эга бўлиш.

Зарурий назарий маълумот: **Медиатехнология бу:**– мультимедианинг аппарат ва техник таъминоти таркибига кирувчи компьютер ёки бошқа рақамли маълумотлар билан ишловчи бошқа техник воситалар орқали сизга тақдим этиладиган матн, тасвир, овоз ва видеодан иборат мураккаб кўринишдаги маълумот ҳисобланади. **Медиатехнология** таърифига кўра оддий туюлса ҳам, у билан ишлаш жараёни мураккаб ҳисобланади. **Медиатехнологияни** билиш билан бир қаторда мультимедианинг техник ва дастурий воситаларини ҳам билиш лозим. Мультимедиали ахборотлар билан бирга уларнинг иловаларини яратувчи мутахассисларни мультимедиа яратувчилар деб атаймиз. **Амалий тажриба ишини бажаришда зарурий воситалар ва ахборот манбалари таъминоти:**

- Ҳар бир талаба учун ишчи компьютер;
- Sound Forge дастури.


Динамик визуал кетма-кетлик (слайд-шоу, анимация, видео)ни овозли тарзда намоёиш этиш орқали инсонларнинг эътиборини кўпроқ жалб қиламиз. Шундан келиб чиқиб, медиатехнологиялар ахборотни максимал самарали тарзда тақдим этишга имкон беради. Маълумот тақдим этишнинг бошқа шаклларида фарқли равишда, медиатехнологиялар дан бири бўлмиш, мультимедиали тақдимот бир неча ўн минглаб саҳифа матн, минглаб расм ва тасвирлар, бир неча соатга чўзиладиган аудио ва видео ёзувлар, анимация ва уч ўлчамли графикаларни ўз ичига олган бўлишига қарамай, кўпайтириш харажатларининг камлигини ва сақлаш муддатининг узоқлигини таъминлайди.

Медиа технологиялар фаолияти - замонавий муҳандислик ва муҳандислик ишларининг омилидир, бу оммавий ахборот технологиялари тизимларини ишлаб чиқиш, лойиҳалаш ва ишлашни ўз ичига олади. Медиа технологиялари фаолияти барча техник тизимлар учун алгоритм (техник топшириқни тайёрлаш, лойиҳа лойиҳасини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва жорий қилиш, амалиёт ва баҳолаш) учун хизмат қилади. *1-расм. Уй учун мўлжалланган медиатеchnологиялар, аудио ва видео ахборотни ижро қилиш маҳсулотлари:*





2.4-расм. MindMap (идрок харитаси).



2.5-расм. Медианинг таснифи (классификацияси)

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР БУЙИЧА ТАВСИЯЛАР

МАВЗУ: ВИДЕО АХБОРОТНИ ЁЗДИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ДАСТУРЛАРИНИНГ МУЛЬТИМЕДИА ИМКОНИЯТИ

(Adobe Premiere Pro дастури мисолида)

Ишнинг мақсади: Талабаларни стандарт дастурлар асосида видео ахборотни ёздириш ва қайта ишлаш ҳамда график анимациялар билан ишлашга ўргатиш.

Зарурий назарий маълумот: Adobe Premiere дастури Adobe Systems, Incorporated фирмасига тегишли бўлиб, турли хил версияларда видео ва аудио ахборотларни қайта ишлаш ва уларни сифатли тақдим этиш учун ишлаб чиқарилган. Adobe Premiere дастури с++ дастурлаш тилида тайёрланган бўлиб, Windows ва macOS операцион тизимлари учун ишлаб чиқарилган. Илк нашри 1991 йил декабрь ойида тақдим этилган. Adobe Premiere дастури ижро эта оладиган файл форматлари (форматы файлов) куйидаги “ҳаволалар” да келтирилган. Adobe Premiere Pro да иш жойини қандай қилиб ишга солиш кераклигини ҳамда керакли бўлган барча ойналарни очишимиз ва қулай бўлган жойга жойлаштиришимиз учун нима қилиш кераклигининг амалий жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Амалий тажриба ишини бажаришда зарурий воситалар ва ахборот манбалари таъминоти:


- Ҳар бир талаба учун ишчи компьютер;
- Мультимедиали дастурлар тўплами.

1. Видеоларни таҳрирлаш учун мўлжалланган Adobe Premier va Pinnacle Studio дастурлари орқали 5-10 дақиқали мультимедиали ўқув дарсликлари яратинг.
2. Web-камералар орқали видео тасвирга олинг ва уни Adobe Premier ёки Adobe After Effect, Pinnacle Studio дастурлари орқали эффект ўрнатинг.

Видео ахборотни ёздириш ва қайта ишлаш Adobe Premiere Pro дастури мисолида.

1-вазифа: Adobe Premiere Pro дастурини ишга туширинг!
Пуск – всё программы – Adobe Premiere Pro. Агар компьютерингизда дастур мавжуд бўлмаса, дастурнинг CD ёки DVD дисклар орқали тўлиқ нашрининг ўрнатинг. Копьютерингиз

глобал тармоққа (интернетга) уланган бўлса, дастурни интернет орқали ўрнатишингиз мумкин.




1-расм: Adobe Premiere дастур интерфейси

У бир неча деразалардан иборат: лойиха ойнаси, дастур ойнаси. Уларнинг орасида ёрликли бошқа ойна бор. Пастки ўрнатиш жадвали ёки вақт жадваллари. Чапга ва ўнгга ёрликли деразалар ҳам киради. Биз ёпишимиз ёки очишимиз мумкин бўлган ҳар қандай ойна.

2-вазифа: Ойнани ёки панелни ёпиш учун дераза ёки панел номи ёнидаги ўзаро фаолият белгисини босинг. Ойнада ўнг томонда жойлашган қора кичик учбурчакни босишингиз мумкин ва очилган менюдан Панелни ёпиш – ойнани ёки панелни ёпишингиз мумкин. Undock Frame ёки Undock Panel – бу панелни (вкладку) ёки ойнани очиб қўяди (Close Frame) ва (Close Panel) ёки Панелни – ойнани ёпади.

3-вазифа: Adobe Premiere: Стандарт ойна мажмуаси рўйхатини тузинг!

Adobe Premiere: Стандарт ойна мажмуаси қуйидагича: Лойиха, Ресурс Кузатув, Эффе́ктларни бошқариш, Овоз, Миксер, Мониторинг дастури, Тарих, Эффе́ктлар, Маълумотлар, Ўрнатиш столлари, Асбоблар, Овозли асосий таймер.



4-вазифа: 2-расмда бир қанча замонавий мультимедиа дастурий воситаларининг иловалари келтирилган. Рақамлар кетма-кетлиги бўйича дастурларга тариф беринг ва тушунтиринг! Шу тарифлардан келиб чиқиб Microsoft Office PowerPoint дастуридан фойдаланилган ҳолда тақдимот тайёрланг.

АУДИО ФАЙЛЛАР ВА ТАСВИРДАН ТАЖРИБАДА Фойдаланиш

Ишнинг мақсади:


Тажриба ишининг асосий мақсади талабаларни аудио файллар ва тасвирни тажрибада ишлатиш амалий кўникмаларини ҳосил қилиш.

Зарурий назарий маълумотлар:

Инсон кўлоғи 20 Гц дан 20 КГц гача бўлган частоталарни эшитиши мумкин. Табиий овоз бу аналогдир, компьютердаги овоз бу рақамлидир.

Аналог товушни рақамли товушга ўтақозиш учун сэмлинг қилиш лозим. Аудио ҳолатидаги семплинг тезлиги 44.1 КГц, 16 бит чизиқли қийматдан фойдаланилади.

Аудио файлларни сақлаш усуллари.



Wave усулидан фойдаланиб сақланган файллар: WAV, VOC, AU, AIFF (Audio Interchange File Format).

MIDI усулидан фойдаланиб сақланган файллар: MID, RMI, MOD.

Компьютерда энг кўп тарқалган аудио файллар Майкрософтнинг RIFF усулидан фойдаланишади. Компьютерда Wave файлларини яратиш учун Овоз картаси керак. Овоз картаси компьютерга ўрнатилгандан сўнг микрофон ёрдамида овоз киритилади, сўнг киритилган овоз махсус дастур ёрдамида Wave файлига ўтказилади. Схема қуйидагича бўлади:

Овоз картаси / Микрофон / Аудио билан ишловчи дастур / Овоз

Микрофон ўрнига мусиқа ижро этадиган қурилмани улаган ҳолатда мусиқа маълумотларини сақлаш мумкин.

Овоз картаси аналог сигнални рақамли сигналга айлантиради. ADC (Analog to Digital Converter) вазифасини бажаради.

Microsoft Windowsда Wave файл кенгайтмаси сифатида .wav ҳисобланади. Wave файл яратиш ва ижро этиш учун Microsoft Windowsда махсус дастур (Sound Recorder) мавжуд.

PCM ва ADPCM усуллари.

Аналог аудиони PCM усули билан семплинг қилинганда ҳажм катталашиб кетганлиги сабабли ADPCM усулидан фойдаланилади.

PCM усулидан CD ёки DAT (Digital Audio Tape) кабиларда фойдаланилади.

ADPCM (Adaptive Differential Pulse Code Modulation) усулини IMA (Interactive Multimedia Association) таклиф қилган.

8 бит моно: 8 бит семпл, моно (чап ёки ўнг эмас)

8 бит стерео: 8 бит семпл, чап ва ўнг канал

16 бит моно: 16 бит семпл, моно

16 бит стерео: 16 бит семпл, ўнг ва чап канал



WAV файлини ижро этиш

MP3 формати.

Интернетнинг оммавийлашиши билан бирга ҳозирги кунда инсонлар орасида муҳим ўрин тутди. Ҳажми кичик бўлганлиги

сабабли CD га 150 дан ортиқ киритиш мумкин. Телевидение ва радиода кенг фойдаланилади.

AU формати.

Mu-law сиқиш усулидан фойдаланиш Unix муҳитида анчадан буён фойдаланиб келинади. Вебда кенг ишлатилади. Сифати бир мунча пастроқ.

Миксер бир хил стереоли турли хил чолғу асбобларидан чиққан аудиони бирлаштиришдир.

МАВЗУ: ADOBE PHOTOSHOP ДАСТУРИ ОРҚАЛИ РАСИМЛАРГА ЭФФЕКТ ЎРНАТИШ


Ишнинг мақсади: Талабаларни **photoshop** дастурлар асосида расимларни қайта ишлаш ҳамда график анимациялар билан ишлашга ўргатиш.

Амалий тажриба ишини бажаришда зарурий воситалар ва ахборот манбалари таъминоти:


- Ҳар бир талаба учун ишчи компьютер;
- Adobe Photoshop дастурлар тўплами.
- Мультимедиали дастурлар тўплами.

1. Исталган (ихтиёри) расм (картинку) танлаб оламиз.

2. Янги (слой)ни хосил қиламиз. У ердан **elliptical marquee tool**, буйриғи орқали (расм. 1) кичик доира думалоқ хосил қиламиз.




3. **Gradient tool** буюриғини (background/foreground, рангларнинг қора ва оқ)лилигига ахамият берамиз.



4. Ушбу кўринишда белгилаб оламиз (расм. 2).



5. **Overlay** режимига ўтамиз



6. Шу тартибда **Layer > Blending options.**

Закладка *drop shadow*:

Blend Mode – Multiply,

Opacity - 64%,

Angle – 120,

Distance – 6,

Spread – 0,

Size – 5,

Закладка *inner shadow*:

Blend Mode – Multiply,

Opacity - 64%,

Angle – (-29),

Distance – 5,

Choke – 0,

Size – 5.

Ўзгартиришларни ихтиёри киритишингиз мумкин.




7. Background/foreground тартибини қора ва оқ рангда танлаб. Кистъ ўлчамини 5-6 (томчи шаклидан кэлиб чиққан холатда) ва чап ҳамда унғ қисмиларини белгилаймиз.



Янада ёркинроқ кўпроқ эффеќт бўлиши учун **Filter > Liquify**.

Натижа (расм. 3, 4)




МЕДИА ТАЪЛИМИДА МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИ ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Электрон жадвал муҳаррирлари. MS Excel дастури; activex бошқарувни қўшиш ёки рўйхатга олиш


Мақсади: талабаларда MS Excel файлларни ишлатишнинг амалий жиҳатлари бўйича билим ва кўникмаларини ҳосил қилиш ҳамда activex бошқарувни қўшиш учун керак бўладиган зарурий тушунчалар бериш.

Зарурий назарий маълумот: АстивеХ турли дастурий тилларида ёзилган дастурлардан фойдаланишга мос дастур компонентларини аниқлаш учун асосдир. Дастурий таъминот уларнинг функционал имкониятларидан фойдаланиш учун бир ёки бир нечта ушбу компонентлардан йиғилиши мумкин. Ушбу технология биринчи марта 1996-йилда Microsoft компанияси томонидан Компонентлар модели (MAQ) ва Объектни улаш ва жойлаш технологияси (OLE) технологияларини ривожлантириш сифатида жорий этилган ва ҳозирда Microsoft Windows оиласининг операцион тизимларида кенг қўлланилади.

1-вазифа: ActiveX бошқарувини қўшиш: Агар Тузувчи ёрлиғи мавжуд бўлмаса, уни кўрсатиш. Шахслар ёрлиғини кўрсатиш Office тугмаси **а)** Microsoft Office тугма  расмини босинг ва Excel Options ни босинг. **б)** асосий туркумда, Excel билан ишлаш учун асосий вариантлар остида, Ипдаги ишлаб чиқувчи ёрлиғини кўрсатиш катагига белги қўйинг ва сўнгра **OK** ни босинг.


Қайд; Microsoft Office Fluent User Интерфейс қисми сифатида киритилган.


2-вазифа: Шахслар кўринишида бошқаришлар гуруҳида қўшишни ва ActiveX бошқарувлари қисмида Бошқа Бошқарувларни босинг



3-вазифа: Бошқа элементлар мулоқот ойнасида мавжуд бошқарув элементлари рўйхатидан объектни танланг.

4-вазифа: ActiveX бошқарувининг юқори чап қисмини жойлаштиришни истаган варақни босинг.

5-вазифа: Текширишни ўзгартириш учун, Устаси кўринишида эканлигингизга ишонч ҳосил қилинг. Тузувчи (**Разработчик**) ойнасида, Бошқариш (**элементы управления**) гуруҳида устаси режими (**Режим конструктора**) ёқилсин 

6-вазифа: Текшириш хусусиятларини сошлаш учун, Тузувчи кўринишида Разработчик Бошқаришлар Элементы управления гуруҳида Хусусиятлар (**свойства**) ни босинг 

Маслаҳат: Сиз шунингдек бошқарувни ўнг тугмасини босиб,

Хусусиятларни свойства танлашингиз мумкин.

Хусусиятлар (**Свойства**) диалог ойнаси пайдо бўлади. Мулк ҳақида батафсил маълумот учун уни танланг ва Visual Basic ёрдамчининг тегишли қисмини кўрсатиш учун **F1** тугмасини босинг. Бундан ташқари, Visual Basic учун **поиск** (қидириш) папкасида бир хусусият номини киритишингиз мумкин.


ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Аудио ахборотни ёздирish ва қайта ишлаш дастурининг мультимедиали имконияти

Мақсад: тақдимот кўринишидаги ҳужжат устида стандарт дастур орқали аудио ахборотни қайта ишлаш дастурида форматлашлар киритиш, ҳужжатни сақлаш.

Топшириқ: Стандарт дастурни ишга тушириб оламиз. *Пуск - Все программы - Стандартные - Звукозапись*

1. *Стандарт - Звукозапись* дастури ёрдамида аудио ахборотни ижро қиламиз. Тайёр бўлган аудио ахборотни Microsoft Office PowerPoint дастури орқали исталган фото ёки видео ахборотга жойлаштиришимиз мумкин. Бунинг учун кейинги босқичга ўтамиз.



2. Microsoft Office PowerPoint дастурини ишга туширамиз: *Пуск - Все программы - Microsoft Office- PowerPoint*. Дастурдан Вставка бўлими орқали ижро қилинган ахборотни матн ёки видеога қўйиб оламиз.

Бу тугма орқали аудио ахборотларнинг ижросини ўзингизга мослаб тўғрилашингиз мумкин. Ўзгартиришлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- Кесиб олиш;
 - Овоз қўшиш ёки олиб ташлаш;
 - Овозни созлаш.
3. Натижани кўрамиз. *Фикр:* Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун *стандарт* дастурлардан ташқари замонавий мультимедиа дастурлар орқали ҳам амалга ошириш мумкин: Sound Forge ва ҳ.к.


Топширик: Қуйидаги она платанинг портларига таъриф беринг



Мазкур жадвалда медиатаълимга оид 25 та сўз берилган, уларни топинг.

К	О	М	П	Р	О	Ц	Р	П	Р	О	Д	Е
Е	Т	П	Ю	Т	У	Е	О	С	В	В	О	М
Р	Ю	Ь	Н	Е	Б	С	С	К	А	А	М	Р
П	С	К	А	Р	Я	Н	Д	Е	Й	Й	Д	Е
Р	Я	Н	Д	Е	К	С	Ч	А	Ф	Т	И	З
И	Н	С	И	Ч	Қ	О	Н	Й	А	О	Қ	И
Н	О	К	Т	И	Т	Т	Г	А	Р	М	А	М
Т	У	У	Е	Н	Е	Е	Е	Т	А	И	К	О
Е	Т	Б	Л	Т	Н	Л	М	Н	И	Т	Х	Н
Р	Т	Е	Е	Е	Р	Е	Ф	О	Н	А	А	Л
В	С	Р	В	И	Д	И	Н	И	Ф	М	Р	А
И	Е	Н	Е	Т	Б	У	К	Е	О	Р	Д	Й
Й	Ч	К	Л	А	В	И	А	Т	У	Р	А	Н

Топшириқ: Кластерни бўш қисмини тўлдиринг



Топширик:


Қуйидаги расмни (графикни) Corel Draw ёки Ms Paint дастурида чизинг ва электрон нусхасини (cdr файл форматида) ва бажариш кетма-кетлигини ёзинг илова қилинг (Электрон нусхасини компакт диск CD, флешка орқали илова қилишингиз ёки таълим йўналиши ва гуруҳингизни кўрсатган ҳолда s_bobojonov@mail.ru электрон почта мазилига ёки [salohiddin_proff Instagram](#) ижтимоий тармоқ орқали жўнатишингиз мумкин)




Топширик: Қуйидаги амалларни компьютерда бажариб натижани кўрсатинг. Натижасини таълим йўналиши ва гуруҳингизни кўрсатган ҳолда s_bobojonov@mail.ru электрон почта мазилига ёки [salohiddin_proff Instagram](#) ижтимоий тармоқ орқали жўнатишингиз мумкин)

Бейсик	Паскаль
<pre> DIM X, A, B AS INTEGER INPUT X A=0: B=1 WHILE X > 0 A = A+1 B = B*(X MOD 10) X = X \ 10 WEND PRINT A PRINT B </pre>	<pre> var x, a, b: integer; begin readln(x); a:=0; b:=1; while x>0 do begin a:=a+1; b:=b*(x mod 10); x:= x div 10 end; writeln(a); write(b); end. </pre>
Си	Алгоритмический
<pre> #include<stdio.h> void main() { int x, a, b; scanf("%d", &x); a=0; b=1; while (x>0){ a=a+1; b=b*(x%10); x= x/10; } printf("%d\n%d", a, b); } </pre>	<pre> алг нач цел x, a, b ввод x a:=0; b:=1 нц пока x>0 a:=a+1 b:=b*mod(x,10) x:=div(x,10) кц вывод a, нс, b кон </pre>

Топширик:



Топширик:



Қуйидаги амалларни (python) дастури орқали компьютерда бажариб натижани кўрсатинг.

```
Python 3.4.1 Shell
File Edit Shell Debug Options Windows Help
Python 3.4.1 (v3.4.1:c0e311e010fc, May 18 2014, 10:38:22) [MSC v.1600 32 bit (Intel)] on win32
Type "copyright", "credits" or "license()" for more information.
>>> print("Hello, world!")
Hello, world!
>>> |
```

Табриклаймиз! Сиз ўзингизни илк дасурингизни **python!** Дастурлаш тили орқали амалга оширдингиз. Яна бир мисолни кўрип чиқинг ва натижасини таълим йўналиши ва гуруҳингизни кўрсатган ҳолда **s_bobojonov@mail.ru** электрон почта манзилига ёки **salohiddin_proff Instagram** ижтимоий тармоқ орқали жўнатишингиз мумкин).

```
print(3 + 4)
print(3 * 5)
print(3 ** 2)
```

```
*Python 3.4.1 Shell*
File Edit Shell Debug Options Windows Help
Python 3.4.1 (v3.4.1:c0e311e010fc, May 18 2014, 10:38:22) [MSC v.1600 32 bit (Intel)] on win32
Type "copyright", "credits" or "license()" for more information.
>>> name = input(" Salom SALOHIDDIN siz necha yoshdasiz?")

Salom SALOHIDDIN siz necha yoshdasiz?
>>> print ( "saom, mening yoshim 30 da")
saom, mening yoshim 30 da
>>>
>>>
```

ТЕСТЛАР

1. Медиа матн - бу.....

- а) Субтитр
- б) Медиа маҳсулотнинг аниқ бир натижаси
- с) Белги ёки рамз кўринишида корпус юзасига тушириладиган матн
- д) Медиа техниканинг кўпайтирилиши тўғрисидаги қўлланмага ёзиладиган матн

2. Медиамантаж-бу.....

- а) Медиа аппаратуранинг алоҳида блокларини йиғиш
- б) Ҳар қандай жойнинг интерерига медиа техникани тўғри жойлаштириш
- с) Махсус эффектлар учун техник қурилма
- д) “йиғиш”/ “жойлаштириш” йўли билан медиа матн яратиш

3. Медианинг тоифалари

- а) Медиа аппаратуранинг тури ва шакли
- б) Турли хилдаги медиа чексизликлар
- с) Медиа матннинг турлари ва шакллари
- д) Махсус эффектлар учун техник қурилма

4. Медиатека – бу.....

- а) Медиатека билан савдо қилувчи дўкон
- б) Медиатациянинг терапевтик маркази
- с) Компьютер дискларининг, видео касеталарининг ва ДВД нинг ижара пункти
- д) Медиа матннинг турлари ва шакллари

5. Медиа маданият – бу.....

- а) Моддий ва интеллектуал кадриятнинг медиадаги бирлашуви
- б) Инсоннинг медиатекада маданиятли хулқи
- с) Маданиятли инсоннинг медитация қобилияти
- д) Ҳар хил турдаги медиа техникалар сотиш маданияти

6. Медиа қабул-бу.....

- а) Медиа жараёндаги объектларни қабул қилиш
- б) Медиаматннинг барча туларини қабул қилиш
- с) Турли хил қийинчиликдаги терминларни ўзгартириш
- д) Медиатехнинг турли техник сифатларини ҳосил қилиш

7. Медиа тили – бу.....

- а) Медиа аппаратуранинг дизайни
- б) Медитация пайтидаги суҳбат
- с) Медианинг кўрсаткичлари

д) Аниқ медианинг яратилишида ишлатилинадиган восита ва усулларнинг комплекси

8. Медиаматн фабуласи-бу

- а) Медиаматн сюжетини баланд овозда созлаб бериш
- б) Монолог ва диалогсиз медиаматннинг бир қисми
- с) Медиаматннинг тасвирий бир кўриниши
- д) Медиаматн сюжетидаги воқеалар кетма-кетлиги

9. Медиа презентация – бу.....

- а) Янги медиа матннинг бозордаги тақдимоти
- б) Медиаматн яратилишидаги янги технологияларнинг тақдимоти
- с) ОАВ даги муҳаррирларнинг тақдимоти
- д) Медиаматннинг тасвирий бир кўриниши

10. Қуйидаги медиа усталаридан қайси бири матбуотда танилган...

- а) М.Колцов
- б) Н.Сванидзе
- с) А.Каплер
- д) С.Саракина

11. Қуйидаги медиамаданият теорияларидан қайси бири белгили тузумни ўрганишга асосланган

- а) Идеалогик
- б) Систематик
- с) Эстетик
- д) Протекцион

12. Қуйидаги сўзларнинг қайси бири медиамаданият тоифасига мансуб эмас.....

- а) Репрезентация
- б) Аудитория
- с) Медиа
- д) Категория

13. Берилганларнинг қайси бири медиага оид “Глобал қишлоқ” концепциясини биринчи бўлиб яратган....

- а) Ж.Гербнер
- б) М.Маклюэн
- с) Г.Гассуэл
- д) У.Эко

14. Берилган функцияларнинг қайси бири медиамаданиятга оид эмас.....

- а) Терапевтик

- б) Информацион
- с) Кўнгил очар
- д) Вегетатив

15. Медиамаданиятнинг қайси бири медиаматннинг кучли ва тўғридан тўғри таъсир кўрсатувчи, аудитория жавоб қайтарувчи реакция чақирадиган тахминга асосланган...

- а) Маданиятли
- б) Эстетик
- с) Социомаданиятли
- д) Инекцион

16. Қайси бири медиамаданиятга тегишли эмас....

- а) Перспектив
- б) Селектив
- с) Кинологик
- д) Аналитик

17. Медиамаданият қўлланмаларининг манипулятив таъсири – бу.....

- а) Аудиовизуал мантаж усулларининг тизими
- б) Медиатехника яратилишидаги монипуляция тизими
- с) Медиамаданият билан контакт пайтида ҳосил бўлувчи медитацион ҳаракатлар тузулиши
- д) Аудитория онгига таъсир этувчи ва ўйлантиришига сабаб бўлувчи усуллардан бири

18. Медиамаданият билан боғлиқ бўлмаган функцияни танланг:

- а) Ҳолат
- б) Воситачи
- с) Қизиқарли
- д) Коммуникатив

19. Медиа тоифалари

- а) ОАВларининг турли турлари, шакллари ва жанрлари
- б) ОАВларининг турли қисмлари
- с) Оммавий ахборот технологиялари нархининг арзонлиги
- д) Турли ахборот агентликлари

20. Медиа кутубхона - бу

- а) Техникавий ёрдам воситаларини сотадиган ихтисослаштирилган дўкон
- б) Оммавий ахборот каталоги

с) Ҳар хил тоифадаги фойдаланувчилар учун мавжуд турли хил ахборот ва мультимедиа воситаларини ўз ичига олган муассаса тузилмаси бўлими

д) Рақамли таълим ресурслари сақланадиган кутубхона бўлими

21. Медиамаданиятини ўрганиш тизимлари

а) Экологик

б) Намойишкорлик

с) Бадиий

д) Маданиятли

22. Медиамаданият деб нимага айтилади

а) Интернетда фойдаланувчилар билан тўғри мулоқот қилиш қобилияти

б) жамиятда оммавий ахборот воситалари соҳасида моддий ва интеллектуал кадрлар қайта тикланиши ва фаолиятининг тарихий жиҳатдан аниқланган тизими

с) турли лицензияланган дастурий таъминот маҳсулотларини ишлатиш қобилияти

д) ОАВларини яратиш, сақлаш ва тақсимлаш маданияти

23. Медианинг тили

а) Интернетда стандарт ҳужжат белгиси тили (ҲТМЛ)

б) Ижтимоий тармоқларда мулоқот қилиш

с) Ҳар қандай ахборотни кодлаш

д) Муайян ОАВларини яратишда ишлатиладиган экспрессив воситалар ва техникалар мажмуаси

24. Медиакомпетентлик – бу

а) инсоннинг турли хил ва жанрдаги оммавий ахборот матнларини қабул қилиш, талқин қилиш, баҳолаш, яратиш ва тарқатиш қобилияти

б) электрон ахборот воситаларининг техник тавсифларини тушуниш қобилияти

с) шахснинг виртуал муҳитда айланиш қобилияти

д) одамнинг ҳар хил турдаги ускуналарни малакали равишда бошқаришга қобилияти

25. Медиамаданияти назарияси билан боғлиқ бўлмаган атамаларни танланг

а) Вакиллик

б) Аудитория

с) Бардошлик

д) Категория

2.4-§. Талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантиришга қаратилган электрон ахборот-таълим ресурслари

Глобаллашув жараёнида таълимни ташкил этишда тезкорлик ва сифат кўрсаткичларига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ахборот оқими тобора шиддатли тус олаётган айни вазиятда педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш, зарур билимлар билан қуроллантира олишга эришиш ҳар бир педагогнинг касбий компетентлигини белгиловчи асосий мезонлардан бири саналади.

Ўзбекистонда таълим тизимини янада ривожлантириш истиқболларига назар ташлаб, таълим жараёнида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш таълим сифатини янада оширишнинг муҳим омили бўлишини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётга кириб бориши электрон ахборот таълим ресурслар, видео ва аудиодарслар, тестлар, виртуал лаборатория ишлари ва кичик таълим ресурсларнинг, яъни ўқитувчисиз ўқитиш технологиясини жорий этиш ва уларни кун сайн ривожлантириб бориш билан боғлиқ бўлган фаолият соҳасини ривожлантирмоқда.

Дарсларни аудио, видео, анимацияларга бой мультимедиали материаллар, ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида ўтиш талабаларни медиага қизиқишини оширади. Электрон ахборот-таълим ресурси (ЭАТР) замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мустақил таълим олишнинг самарали усулларини қўллаш орқали ўқув материаллари ва илмий маълумотларни чуқур ўзлаштиришга мўлжалланган манбадир.

У талабаларда мустақил таълим олиш, ижодий фикрлаш малака ва кўникмаларини, медиа билимларини шакллантиради [136].

Айни вақтда республикада мустақил таълимни ташкил этиш борасида муайян тажриба тўпланган бўлса-да, бироқ, уни янада бойитишга нисбатан эҳтиёж мавжуд.

Ушбу эҳтиёжни самарали қондиришнинг йўлларида яна бири – Электрон ахборот-таълим ресурсини яратиш ҳисобланади. Хўш, Электрон ахборот-таълим ресурси ўзи нима?

Электрон ахборот-таълим ресурси – ўқув фан (модул)лари бўйича тизимлилик, изчиллик, ўзаро мувофиқлик ва яхлитлик асосида шакллантирилиб, ўқув материалларини тўлиқ ёки қисман

камраб олган ҳолда компьютер технологияси ёки Интернет ахборот тармоғида (алоҳида) жойлаштирилган электрон нашрлар мажмуидир [59;5,7-6].

Электрон дарслик бу–маълум кетма-кетликда тизимлаштирилган ва ноқоғоз ахборот ташувчи (CD, DVD ва ҳ.к.) ёки интернет технологияларга асосланган ўқув курсидир.

Оддий (қоғозли) дарсликларга қараганда, электрон таълим ресурс кўпроқ салоҳиятга эга, чунки компьютер ўқитувчи учун қийин бўлган баъзи қирраларини бажараолади, ўз жойида ва ўз вақтида материални кўрсатиш, билим даражасини ҳаққоний аниқлаш ва бошқалар.

Электрон таълим ресурс ва босма дарсликлар орасидаги фарқлар мавжуд. Дарслик деганда, одатда, ўқувчилар учун мўлжалланган аниқ бир фан соҳасига бағишланган билимларни тақдим этувчи материал тушунилади. Табиийки, электрон таълим ресурс ҳам босма дарслик ҳам умумий жиҳатларга эга:

Мазкур йўналишда тадқиқот олиб бораётган Республикамиз олимларидан Н.А.Муслимовнинг таъкидлашича электрон дарсликлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

1) ўқув дастури ва ўқув-методик ишларини нашр этилишида қўйилувчи талабларга жавоб бера олиши (илмий-методик кенгаш томонидан тасдиқланади). Дарслик муайян соҳа йўналиши бўйича биринчи бор тақдим этилаётган ёки аввал нашр этилган методик қўлланманинг электрон версияси сифатида тайёрланганлиги ва мазмунан умумий, махсус ёки факултатив курсга тааллуқлиги;

2) маълум ўқув курси (ёки унинг бир қисми)нинг мазмунини очиб бериш ҳамда ўқув-методик мақсадларга эришишга имкон бера оладиган даражада ҳажмга эгалиги;

3) ўқув-методик мақсадларга эришишга ёрдам берувчи кўргазмали элементлар (максимал даражада компьютернинг мултимедиа имкониятларидан фойдаланиш имконияти)га эгалиги;

4) материалнинг монитор экранидан кўриш ва тармоқ бўйлаб жойлаштириш хусусиятини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги;

5) матнда гиперкўрсатмаларининг мавжудлиги билан бирга, зарур ҳолларда WEB манбаларига ва бошқа ахборот ресурсларининг кўрсатилганлиги;

б) материални ўзлаштириш даражасининг таълим олувчи томонидан мустақил баҳоланишига имкон берувчи назорат саволларининг мавжудлиги;

7) кўплаб тилларда ишлаш, шунингдек, имконияти чекланган талабалар учун махсус шароитларнинг яратилганлиги [101].

Айни вақтда республикада таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш йўлида Электрон ахборот-таълим ресурсини яратиш, уларни махсус сайтларга жойлаштириш, шунингдек, улардан таълим амалиётида самарали фойдаланиш эҳтиёжи мавжуд. Ушбу эҳтиёжни инобатга олган ҳолда Педагогика олий таълим муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” ҳамда “Мультимедиа технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантиришга бағишланган Электрон ахборот-таълим ресурсини яратиш ва амалиётга жорий этиш бўйича тайёргарлик босқичи яқунланди.

Бизнинг олиб борган тадқиқотларимиз натижасида педагогика олий таълим муассасалари талабаларини медиакомпетентликни ривожлантиришига хизмат қилувчи “Информатика асослари” ва “Мультимедиа технологиялари” ҳамда “Мультимедия технологиялари ва медиатаълим” номли фанларини ўқитиш бўйича педагогик технология ва интерфаол усуллардан фойдаланилган ҳолда дарс олиб боришни ўзида акс эттирган мультимедиа электрон ахборот-таълим ресурслари ишлаб чиқилди. Ресурс Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан расмийлаштирилди (Гувоҳнома № DGU 03785, № DGU 04778, № DGU 05021).

Ушбу ишлаб чиқилган ресурслардан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ахборот-таълим портали (www.eduportal.uz) орқали фойдаланиш мумкин. “Мультимедия технологиялари ва медиатаълим” номли мультимедиа электрон ахборот-таълим ресурслари ахборот-таълим порталига жойлаштирилган. Портал кенг кўламдаги фойдаланувчилар учун яратилган. Мазкур портал ТАС-IX майдонида жойлашганлиги учун ЭАТРни юклаб олиш ва улардан фойдаланиш бепул амалга оширилади.

Порталга жойлаштирилган барча таълим ресурсларини юклаб олиш ёки тўғридан тўғри намоиш этиш орқали таълим

жараёнларида фойдаланиш имкониятлари яратилган. Ушбу ишлаб чиқилган ресурслардан намуналар келтирамыз.


Информатика асослари



2.4.1-расм. “Информатика асослари” номли электрон ахборот-таълим ресурсининг кириш қисмидан лавҳа.



2.4.2-расм. “Информатика асослари” номли электрон ахборот-таълим ресурсини мундарижа қисми.



2.4.3-расм. “Информатика асослари” номли электрон ахборот-таълим ресурсини видеолар блоги.



2.4.4-расм. “Информатика асослари” номли электрон ахборот-таълим ресурсини муаллифлар бўлими.


“Мультимедиа технологиялари” номли электрон ахборот-таълим ресурси



2.4.5-расм. “Мультимедиа технологиялари” номли электрон ахборот-таълим ресурсининг кириш қисми.





2.4.6-расм. “Мультимедиа технологиялари” номли электрон ахборот-таълим ресурсининг мундарижа қисми




2.4.7-расм. “Мультимедиа технологиялари” номли электрон ахборот-таълим ресурсининг мавзулар бўлими.

педагогика олий таълим муассасалари талабаларини медиакомпетентликни ривожлантиришига хизмат қилувчи мультимедиа технологиялари номли электрон ахборот-таълим ресурсини, медиатаълим бўлими мавжуд бўлип. Бу бўлимда талабалар билимини тест орқали автоматик баҳолаш мумкин;





2.4.8-расм. “Мультимедиа технологиялари” номли электрон ахборот-таълим ресурсининг тест бўлими.




1-лаборатория иши

Аудио ахборотни ёздириш ва қайта ишлаш дастурининг мультимедиали имконияти

Мақсад: тақдимот кўринишидаги хужжат устида стандарт дастур орқали аудио ахборотни қайта ишлаш дастурида форматлашлар киритиш, хужжатни сақлаш.

Топшириқ: Стандарт дастурни ишга тушириб оламиз. Пуск - всё программы - Стандартные - Звукозапись

1. Стандарт - Звукозапись дастури ёрдамида аудио ахборотни ижро қиламиз. Тайёр бўлган аудио ахборотни Microsoft Office PowerPoint дастури орқали исталган фото ёки видео ахборотга жойлаштиришимиз мумкин. Бунинг учун кейинги босқичга ўтамиз.



2.4.9-расм. Мультимедиа технологиялари номли электрон ахборот-таълим ресурсининг лаборатория бўлими.



2.4.10-расм. “Мультимедиа технологиялари” номли электрон ахборот-таълим ресурсининг махсус курс бўлими.



2-боб бўйича хулосалар

1. Замонавий компетент ўқитувчи (педагог) келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчисидир. Замонавий компетент ўқитувчи томонидан дарс мазмунидаги асосий маълумотлар ва ўқув материали шундай тақдим этилиши керакки, у ўқувчининг визуал идрок қилиш қобилиятини осонлаштиради. Зеро, ўқитувчи таълим ислохотининг бош ижрочисидир. Шу сабабдан ҳам биз педагог кадрларнинг медиакомпетентлигининг: тузилиши ва мазмуни ишлаб чиқдик: Бунда ҳар бир ўқитувчини қисқа вақт ичида жуда катта миқдордаги ахборот тўпламини ўзлаштириш, қайта ишлаш ва амалда қўллаш олиши ўз аксини топган:

2. “Ахборот технологиялари” ва “Медиакомпетентлик”нинг ижтимоий ва педагогик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотларимиз асосида бўлғуси замонавий педагогнинг медиакомпетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи технология ишлаб чиқишга имкон туғилди: Бунда медиабилим ва уни қўллаш, медиатаҳлил, медиакреатив бўйича компетентлик кўрсаткичларини алоҳида, ҳар бирида ривожланишнинг юқори, ўрта ва паст даражалари ажратилиб, кўрсатилиб, ишлаб чиқилди.

3. Педагогик олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш тизими ишлаб чиқилди. Бу тузилманинг мақсади шундан иборатки, бунда талабаларнинг

“Информатика ва АТ” курслари асосида медиакомпетентлигини ривожлантиришга эришилади. Тузилма қуйидаги тамойилларни ўз ичига олади. Компетентли ёндашув –Инновацион – Кўргазмалилик – Тизимлилик – яхлитлилик – Кетма-кетлик тамойилларидир.

4. “Таълимда ахборот технологиялари” курсини ўқитиш жараёнида ахборот технологиялари, мультимедиа воситасида ривожлантириш. Таълимда ахборот технологиялари фан дастурига бир қанча ўзгартиришлар киритишга тавсиялар берилди. Таълимда ахборот технологиялари фани мазмуни медиа тушунчалар билан такомиллаштирилди ва ўзаро боғланган элементлар аниқланди: медиасиёсат – медиакомпитентлик – медиарақобат – медиасаводхонлик – медиатеchnология – медиатахдид:

5. Мустақил фикр, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, ўз дунёқарашига эга бўлган ёшларни тарбиялаш ҳар доимгидек долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса, дунё тараққиёти шиддати, унда кечаётган воқеалар ривожига барча соҳалар каби таълим-тарбия жараёнига ҳам янгича ёндашув, инновацияларни татбиқ этишни тақозо этмоқда. Аввало, бу ўқув дастурлари, дарсликлар, методикаларни янада такомиллаштириш, ўқитувчи-педагоглар савиясини мунтазам ошириб бориш, жараёнга энг замонавий ва илғор ахборот ҳамда таълим технологияларини жорий этиш билан боғлиқ муаммоларда кўринмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бўлажак ўқитувчиларнинг – педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш мазмуни такомиллаштирилиб, медиакомпетентликни ривожлантиришга хизмат қилувчи педагогик технология (синквейн, веер ва ҳ.к)ни баҳолаш учун тестлар ишлаб чиқилди.

3-БОБ. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИНИНГ ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

3.1-§. Тажриба-синов ишларининг қўйилиши ва асосий босқичлари мазмуни

Педагогик тажриба-синов ишлари ўқув-тарбиявий фаолиятда қўлланиладиган янги мазмун, технология, ташкилий шакл, таълим методи ва воситаларининг сабаб ва оқибат боғланишларини ўрганиш асосидаги қиёсий самарадорлигини аниқлаш мақсадида ташкил этилади.

Амалга оширилган тажриба-синов ишларимизнинг мақсади педагогик олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш самарадорли эканлигини аниқлашдан иборат.

Педагогик тажрибаларни таҳлил қилиш ва уни ўтказиш методикаси қуйидаги босқичларда амалга оширилди.

1. Аниқлаш босқичи (2013-2014 йиллар). Тадқиқотнинг методологик ва назарий асослари илмий адабиётлар ҳамда педагогик олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш муаммосининг ҳолати асосида ўрганилган ва аниқланган, тадқиқотнинг илмий аппарати ва унинг тушунчавий аппарати аниқланган, муаммони ўрганишга назарий-методологик ёндашув кидирилган. Педагогика олий таълим муассасаларининг ўқитиш жараёнига татбиқ қилиш бўйича медиакомпетентликни ривожлантириш методикаси жорий қилиш кераклиги аниқланди. Ушбу метод асосида талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида учта ўқув муассасаси 1- Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2- Жиззах давлат педагогика институти ҳамда 3- Қўқон давлат педагогика институтлари танлаб олинди.

Уларнинг медиа тушунчаларини қанчалик билиши ҳақида тест саволлари ўтказилди.

Тест саволларинининг натижаларига кўра ҳар бир ўқув муассасаларида медиа бўйича бошланғич билимлари етарли эмаслиги ва уларни билим даражаси деярли бир хил эканлиги аниқланди.

Тест (инг. “Test” – топшириқ) – объектнинг у ёки бу сифати мавжудлигини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган стандарт шаклдаги топшириқдан иборат .

- 1) Медиа матн - бу.....
 - a) **исталган медиа тури ва жанридаги хабар, (газета мақоласи, телекўрсатув, видеоклип, фильм ва бошқ.).**
 - b) Медиа маҳсулотнинг аниқ бир натижаси
 - c) Белги ёки рамз кўринишида корпус юзасига тушириладиган матн
 - d) Медиа техниканинг кўпайтирилиши тўғрисидаги кўлланмага ёзиладиган матн
- 2) Медиа маданият – бу.....
 - a) **Моддий ва интеллектуал қадриятнинг медиадаги бирлашуви**
 - b) Инсоннинг медиатекада маданиятли хулқи
 - c) Маданиятли инсоннинг медитация қобилияти
 - d) Ҳар хил турдаги медиа техникалар сотиш маданияти
- 3) Медиа презентация – бу.....
 - a) Янги медиа матиннинг бозордаги тақдимоти
 - b) **Медиа матн яратилишидаги янги технологияларнинг тақдимоти**
 - c) ОАВ даги мухаррирларнинг тақдимоти
 - d) Замонавий медиа муҳит
- 4) Медиа режалаштириш – бу...
 - a) сарфланадиган воситаларни режалаштириш
 - b) **сарфланадиган воситаларни тежаш ва самарадорлик талабларини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу медиада реклама жойлаштиришни режалаштириш**
 - c) талабларини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу медиадан фойдаланиш
 - d) пулларни тежаш ва самарадорликни ошириш ҳолда у ёки бу медиада реклама учун фойдаланиш
- 5) Медиа маданияти билан боғлиқ бўлмаган функцияни танланг:
 - a) **ҳолат;**
 - b) воситачи;
 - c) қизиқарли;
 - d) коммуникатив.
- 6) Медиарақобат-бу...
 - a) **замонавий медиа муҳитнинг ўзгарувчанлиги ва янгиликларини ҳисобга олиб рақобатни таъминлаш**
 - b) оммавий ахборот воситаларининг турли қисмларида рақоботи;

- c) оммавий ахборот технологиялари нархининг арзонлиги;
 - d) турли ахборот агентликлари.
- 7) медиа маданиятини ўрганиш тизимлари:
- a) экологик;
 - b) намойишкорлик;**
 - c) бадий;
 - d) маданиятли.
- 8) Медиага тариф қайси бандда тўғри кўрсатилган?
- a) коммуникатив аълоқа тизими, ижтимоий тармоқларда мулоқот қилиш;
 - b) Интернетда стандарт ҳужжат белгиси инсонлар билан вақтинча ўзаро аълоқадорлик
 - c) ҳар қандай ахборотни кодлаш; муайян оммавий ахборот воситаларини яратишда ишлатиладиган экспрессив воситалар ва техникалар мажмуаси
 - d) жамиятда тўғри ва айланма коммуникатив аълоқа тизими бўлиб, инсонлар билан вақтинча ўзаро аълоқадорликни юзага келтирувчи ва уларни қизиқтирувчи, чалғитувчи макондир.**
- 9) Медиа хизматлари ва электрон оммавий ахборот воситаларида инсон кадр-қимматини ҳимоя қилиш – бу:
- a) Медиа кутубхона
 - b) Медиакомпетентлик
 - c) Медиатахдид
 - d) Медиахавфсизлик**
- 10) Аудио-визуал медиа матн яратиш мантиғидаги биринчи кадам:
- a) Филм олиш жараёни;
 - b) Мақсад (ният);**
 - c) Сценарий;
 - d) ариза шакли.
- 11) Медиамуҳитнинг субъект ривожланиши, шахснинг тикланиши ва инсоннинг психологик жиҳатини ўрганадиган фан...
- a) Медиапедагогика
 - b) Медиапсихология**
 - c) Медиамаданият
 - d) Медиатаълим
- 12) Медиатехнология – бу:

- a) Ўқитишда янги ёндашувни жорий этиш билан боғлиқ бўлган махсус ёндашув, медиамаданиятига оид курс
- b) Медиа матнларни яратиш ҳамда ахборот билан ишлаш технологиялари**
- c) Ахборотни топиш, компиляция қилиш, узатиш ва олиш қобилиятларини шакллантириш жараёни
- d) Оммавий ахборот воситаси унинг атрофидаги одам томонидан (унинг намоён бўлишининг барча хилма-хиллиги) англаш воситаси сифатида қаралади.
- 13) Медиясаводхонлик таърифи...
- a) Замонавий дунёдаги медианинг маълумотларни тушуниб англаш, медиаматн яратиш, таҳлил қилиш, баҳолай олиш, медиаматнлар ҳақида танқидий мулоҳаза юрита олиш ва медиа жанрларини фарқлаши**
- b) “...педагогикада махсус медиа билимни эгаллаш учун назарий ва амалий кўникмаларни...” назарда тутди.
- c) “...педагогикада медиасаводхонлик воситаларини эгаллаш учун назарий ва амалий кўникмаларни шакллантиришни...”
- d) “...педагогикада коммуникация воситаларини эгаллаш учун медиа кўникмаларни шакллантиришни...” назарда тутди.
- 14) Сиз матбуот соҳасини қафолатланган ҳуқуқларини таъминлаш аълоқа ва ахборот сиёсати учун шароит яратиш телевидения, радио, киноматография, оммавий нашрлар, электрон ахборот тизимлари, интернет (босма ва график, товуш, экран ва бошқа)лар билан иш олиб боришингиз керак. Бу қайси тоифага киради..?
- a) Медиарақобат- медиахавфсизлик
- b) Медиа технология- медиаматн
- c) Медиятаълим- медимаданият
- d) Медиясиёсат- медиасаводхонлик**
- 15) Агар гап оммавий ахборот воситаларидан фойдаланилган ҳолда, ғоявий таъсир медиа орқали амалга ошириладиган ошқора ёки пинҳона тажовуз ҳақида сўз борса бу қайси тоифадаги медиа турига мансуб бўлади..?
- a) Медиятаълим
- b) Медиамаданият
- c) Медиятаҳдид**
- d) Медиапсихология
- 16) Интернетдан қанчалик тез-тез фойдаланасиз?
- a) Ҳар куни

- b) Ҳафтада бир неча бор
- c) Ойда бир неча мартда
- d) Ҳеч қачон

Ахборотлашган жамиятда медиа ва креативлик атамаларини қўллаш медиакомпетентлик ҳамда медиакреативлик тушунчасининг замановий талқинини тавсия этиш учун. Биз тадқиқот доирасида ўқитувчилардан медиага тааллуқли мавзуларни ўзида акс эттирган анкета-сўровнома ўтказдик (3.1-жадвал). Сўровнома натижасида олинган фикр ва мулоҳазалар “мультимедиа технологиялари” фани бўйича ўқув-методик мажмуа яратишда муайян хизмат қилди.

3.1.-жадвал.

АНКЕТА – СЎРОВНОМА

№	МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИК тушунчасининг замонавий талқини мазмунига шунингдек, ЎҚУВ РЕЖА ВА ДАСТУРГА киритиладиган фанлар ва/ёки фаолият турлари	ЖАВОБ	
		Ҳа	Йўқ
1	Таълим жараёни иштирокчиларида медиакомпетентлик малакасига эга бўлиш.	90%	10%
2	Мультимедиа тушунчаси, мультимедиа воситалари ва маҳсулотлари.	88%	12%
3	Мультимедиа яратувчи дастурий таъминотлар.	75%	25%
4	Медиа тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларни билиш	85%	15%
5	Медиа тўғрисидаги маълумотлар билан бойитилган ўқув дастурларини тузиш	77%	23%
6	Таълимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрни ва аҳамияти.	93%	7%
7	Педагогик ўқув тарбия жараёнини ташкил этиш	97%	3%
8	Медиабилим ва уни қўллаш	92%	8%
9	Медиа таҳлил	96%	4%
10	Матнларни киритиш, уларни таҳрирлаш, форматлаш ва чоп этиш учун мўлжалланган матн муҳаррирининг базавий имкониятларини билиш ва улардан фойдаланишни амалда кўрсата олиш.	89%	11%
11	Медиа матн, Медиа педагогика, Медиа психология, Медиа сиёсат, Медиа рақобат, Медиа креатив тушнчаларини шакллантириш.	97%	3%

12	Интернет ресурслари билан ишлаш.	92%	8%
13	Оммавий онлайн очик курсларни тайёрлаш ва уларда иштирок этиш.	72%	28%
14	Ахборот-коммуникация технологияларининг техник ва дастурий таъминот имкониятлари.	80%	20%
15	Электрон портфолио тизими билан ишлаш ва уни шакллантириш.	70%	30%
16	Электрон портфолио тизимини мукамал билиш ва интернет тармоғида ишлай олиш.	70%	30%
17	Ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигига риоя қилиш.	94%	6%
18	Ахборот-коммуникация технологияларининг техник ва дастурий таъминот имкониятлари.	74%	26%
19	Мультимедиа воситалари имкониятларини билиш ва улардан фойдаланишни амалда кўрсатиб бера олиш.	80%	20
	Кўргазмаларни тақдимот, аудио, видео дастурий таъминотлар имкониятларини билиш ва амалиётда фойдаланиш.	87%	23%
20	Касбий фаолият ва меҳнат унумдорлигини ошириш, инновацияларни педагог амалиётга жорий этишда ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланиш.	90%	10%
21	Таълимда ахборот-коммуникация технологияларини кўллаб жорий, оралик ва якуний баҳолаш.	90%	10%
22	Ахборот-коммуникация технологиялари воситаларининг дидактик функцияларини белгилаб бериш ва уларни тегишли дастурларга кирита олиш.	80%	20%
23	Электрон кутубхона ва электрон каталогни шакллантириш.	93%	7%
24	Йиғма электрон каталогни шакллантириш ва юритиш.	77%	23%
25	Ахборот-кутубхона ресурсларидан ўзаро фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш вазифалар.	80%	20%
26	Маданий, маънавий-ахлоқий қадриятлар.	95%	5%

27	Электрон манбалардан фойдаланиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.	97%	3%
28	Талаба-ёшларда медиамаданият. Интернет тармоғи орқали таъсир кўрсатаётган ёт ғоялар, бузғунчи мафкураларга қарши иммунитет.	99%	
29	Бугунги кунда талабаларда медиамаданиятни шакллантиришга қаратилган педагогик муаммолар.	85%	15%
30	ON-LINE режимида барча сайтлардан оқилона фойдаланишга қаратилган медиамаданият.	98%	2%

2. Изланиш босқичи (2014-2015 йиллар). Бу босқичда медиакомпетентлик мазмуни ривожлантириш босқичлари технологиялари фанини ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда мавжуд дарслик ва дастур асосида яратилган электрон ўқув методик қўлланма орқали фан мазмунини ўқувчиларга самарали етказиб бериш кераклиги мақсад қилиб қўйилди.

Бу мақсадга эришиш йўлида ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларига асосланган дарс ишланмалари ишлаб чиқилди. Ушбу дарс ишланмалари асосида ва ўқитувчиларга методик ёрдам бериш мақсадида Педагогика олий таълим муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожланишига хизмат қилувчи “Мультимедиа технологиялари” номли танлов фани ва ўқув методик мажмуаси яратилди.

Педагогика олий таълим муассасаларида “Мультимедиа технологиялари” танлов фани сифатида ўқув режаларга киритилди. Киритилган ўқув режалар асосида “Информатика асослари” ҳамда “Мультимедиа технологиялари” номли электрон ахборот-таълим ресурслари, методик қўлланма ва электрон дарслик яратилди ва чоп этирилди.

Аниқлаш ва изланиш босқичи учун университет ва институтнинг гуруҳлари танланиб, улар иккига бўлинди. Уларнинг бири тажриба гуруҳи, иккинчиси эса назорат гуруҳига ажратилди.

3. Ўқитиш тажрибаси босқичи. (2015-2017 йиллар) ўтказилди. Унда тажриба гуруҳида электрон ўқув-методик қўлланма ва ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланишини ташхислаш ва коррекциялаш методикалари илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Педагогик технологияларга асосланган методик тизим

асосида ҳамда электрон дарсликлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш ишлари олиб борилди.

Назорат гуруҳида эса, дарслик ва қўлланмалар анъанавий асосида муассаса ўқитувчиларининг тажрибасига асосланиб машғулотлар олиб борилди.

Ўқитиш тажрибасидаги кўзланган мақсад - изланиш тажрибасида келтирилган натижалар асосида ўқитишни ташкил этиш ва медиа билимлар беришдан иборат. Бу тажрибаларда 1 - Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчилари Хайтуллаева Нафиса, Мирзахмедова Наргиза, Мехмонов Рустам, Қудратов Козим, 2 - Жиззах давлат педагогика институтидан Ҳамзаев Ҳақназар, 3 - Қўқон давлат педагогика институтидан Абдуллаев Алибек, Расулов Иномжон ва Зулайхо Мамарасуловалар қатнашдилар.

Яратилган мазмун талабаларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” ёрдамида амалий кўникма, билим даражаларини оширишга таъсирини тажриба ва назорат гуруҳларида ўтказилган машғулотлар, рейтинг балларига мос баҳолар назорат учун ўтказилган машғулотлар натижаларига кўра белгиланди.

Гуруҳлардаги ўқувчиларнинг билим даражаси бир хиллиги ҳисобга олинди. Таклиф этилаётган методик тизимнинг самарадорлигини аниқлаш учун талабалардан олинган назорат машғулотлари ва умумлаштирувчи машғулотларнинг натижаларини сифат ва миқдор бўйича таҳлил қилинди.

Тажриба гуруҳида 6 та гуруҳ – 140 нафар, назорат гуруҳида ҳам 6 та гуруҳ - 135 нафар талабалар иштирок этди. Ушбу гуруҳларда ўқув йилининг 1-ярим йиллиги 2 та оралик назорат ва 1 та якуний назорат сифатида баҳолаш ишлари олиб борилди. Ушбу ўтказилган оралик назоратнинг биттаси назарий дарс учун, 1 таси эса амалий дарслар учун ўтказилди. Баҳолаш тест тизим асосида олиб борилди.

Тажриба ва назорат гуруҳларида иштирок этган Педагогика олий таълим муассасаларидаги талабалар сони 3.2. жадвалда келтирилган.

3.2-жадвал.

Тажрибада иштирок этган талабалар сони

Педагогика олий таълим муассасалари номи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	48	45

Жиззах давлат педагогика институти	50	49
Қўқон давлат педагогика институти	42	41
Жами	140	135

3.2-§. Тажриба-синов натижаларининг таҳлили

Тажриба синов ишлари талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожланишини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги баҳолаш мезони асосида олиб борилди.

1) медиабилим ва уни қўллаш даражаси;

Паст: 1.1 Медиага тааллуқли айрим атамаларни билади. 1.2 Медиясаводхонлиги-ни намоён эта олмайди. 1.3 Медиятаълим соҳасида ўз билим ва малакаларини қўллашга интилиши йўқ.

Ўрта: 1.1 Медиага тааллуқли базавий атамаларни билади 1.2 Медиясаводхонлик ва медиамаданиятнинг айрим жиҳатларини намоён эта олади. 1.3 Медиятаълим соҳасида ўз билим ва малакаларини қўллашга интилиш бор. **Юқори:** 1.1. Медиага тааллуқли барча базавий атамаларни билади. 1.2. Медиясаводхонлик ва медиамаданиятни базавий намоён эта олади. 1.3. Медиятаълим соҳасида ўз билим ва малакаларини қўллашга ва такомиллаштиришга интилиш юқори.

2) Медиятаҳлил;

Паст: 2.1 Медиятаҳдидларни билади, лекин тушунмайди, таҳлил қила олмайди.

Ўрта: 2.1 Медиятаҳдидларни билади ва тушунади, таҳлил қила олади. **Юқори:** 1.1. Медиятаҳдидларни билади ва тушунади, таҳлил қила олади ва медиахафсизликни таъминлайди.

3) Медиякреатив;

Паст: 3.1 Касбий педагогик фаолиятини медиа технологиялар орқали такомиллаштиришга интилиш йўқ.

Ўрта: 3.1 Касбий педагогик фаолиятини медиа технологиялар орқали такомиллаштиришга интилиш бор.

Юқори: 3.1. Касбий педагогик фаолиятини медиа технологиялар орқали такомиллаштиришга интилиши юқори, медиарақобатчилиги мавжуд.


Ўтказилган назорат натижалари математик статистика усуллари орқали таҳлил қилинди. Тажриба натижаларини қайта ишлашда математик статистика усуллари формулаларидан фойдаланилди.

Педагогик тажрибанинг илк босқичида тажриба ва назорат гуруҳидаги талабаларнинг фан, билим, кўникмалари бир хил даражада шаклланган (3.3-жадвал).

3.3-жадвал.

Тажриба синовига қадар ўтказилган назорат натижалари

Гуруҳлар	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
Баллар	5	4	3	2	5	4	3	2
ТДПУ	2	7	8	3	3	8	11	1
	4	10	11	3	3	9	9	1
ЖДПИ	2	11	10	1	4	10	8	1
	3	12	9	2	5	11	9	1
ҚДПИ	3	11	7	1	2	10	9	0
	2	9	8	1	4	9	5	2
Талабалар сони	16	60	53	11	21	57	51	6
ЖАМИ:	140				135			



3.1-расм. Тажриба-синовга қадар ўтказилган назорат натижаларини частоталар полигони.

Тажрибада ўқитиш жараёнининг самарадорлигини оширишни баҳолашнинг бир қатор усуллари мавжуд бўлиб, улардан [16], [17], [19], [21], [28], каби манбаларни ўрганиб чиқилди ва тажриба синов натижаларига татбиқ қилинди.

Ушбу баҳолаш мезонлари асосида, талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожланишининг 3 босқичида яъни медиабилим ва уни қўллаш даражасини аниқлаш, медиатаҳлилни ўтказа олиш ва медиакреатив имкониятларини қўллай олиш бўйича натижалари олиб борилди. Талабаларнинг ўзлаштиришини аниқловчи тестлар базасига ушбу кўрсаткичларнинг ҳар биридан

табақлаштирилган (баҳолаш мезонига мос) тест саволлари киритилди.

Медиабилым ва уни қўллаш даражаси аниқлаш бўйича амалий машғулотларида олинган билимларни умумлаштирувчи тестлардан 1-баҳолаш (жорий назоратнинг умумлаштирувчи тест) назорати сифатида, медиатаҳлилни ўтказа олиш ва улардан фойдаланиш бўйича 2-оралиқ назорати тест саволларида ва медиакреатив имкониятларни қўллай олиш бўйича умумлаштирувчи тест синовлари орқали якуний баҳолаш саволларида киритилди.

3.4-жадвал.

Медиакомпетентликни баҳолаш бўйича ўтказилган назорат турлари

Баҳолаш турлари	Ажратилган умумий рейтинг бали	Баҳолаш мезони		
		Юқори	Ўрта	Паст
Медиабилым ва уни қўллаш даражаси аниқлаш бўйича амалий машғулотларида олинган билимларни умумлаштирувчи тестлардан 1-баҳолаш (жорий назоратнинг умумлаштирувчи тест)	40	32-40	24-31	18-23
медиатаҳлилни ўтказа олиш ва улардан фойдаланиш бўйича 2-оралиқ назорати	30	25-30	19-24	12-18
медиакреатив имкониятларини қўллай олиш бўйича умумлаштирувчи тест синовлари орқали якуний баҳолаш	30	25-30	19-24	12-18
Жами	100	80-100	58-79	42-59

Ўтказилган назорат натижалари математик статистика усуллари орқали таҳлил қилинди. Тажриба натижаларини қайта ишлашда математик статистика усуллари формулаларидан фойдаланилди.

Тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида гуруҳларда ўзлаштириш баҳосининг ўртача қиймати $\bar{x} = \frac{\sum x_i m_i}{N}$ деб олинди. Бу ерда x_i – ўзлаштириш кўрсаткичи (баҳо қиймати) бўлиб, улар паст, ўрта, юқори (3, 4, 5) қийматларни қабул қилади. m_j - баҳоларнинг такрорланишлар сони, N - тажрибада иштирок этаётган талабаларнинг сони.

Биз қуйидаги математика статистик формулалардан фойдаланиб тажриба ишларини олиб бордик:

1. Ўртача қийматлар аниқлаш кўрсаткичлари:

$$C_S^T = \frac{S_T}{\sqrt{N_T \bar{x}}} \cdot 100\%; \quad C_S^H = \frac{S_H}{\sqrt{N_H \bar{x}}} \cdot 100\%; \quad (1)$$

бу ерда N_T ва N_H лар орқали ҳар икки гуруҳдан талабалар сонини

$$S_T = \sqrt{S_T^2} \quad \text{ва} \quad S_H = \sqrt{S_H^2} \quad (2)$$

лар орқали эса мос стандарт хатоликларни белгиладик.

$$S^2 = \frac{1}{N} \sum_i m_i (x_i - \bar{x})^2 \quad \text{танланма дисперсия}$$

2. Ўқув жараёни самарадорлигини баҳоловчи ўртача қиймат тажриба ва назорат гуруҳлари баҳоларининг ўртача арифметик қийматлари нисбатидир, яъни самарадорлик коэффициенти:

$$\eta = \frac{X_T^*}{X_H^*} \quad (3)$$

Бу ерда X_T^* - тажриба гуруҳи баҳоларининг ўртача арифметик қиймати. X_H^* - назорат гуруҳида ўзлаштириш баҳоларининг ўртача арифметик қиймати.

3. Бош тўпламларнинг номаълум ўрта қийматлари a_T ва a_H лар учун ишонч ораликлари:

$$a_T \in \left[\bar{x}_T - \frac{t}{\sqrt{N_T}} S_T; \bar{x}_T + \frac{t}{\sqrt{N_T}} S_T \right] \quad (4)$$

$$a_H \in \left[\bar{x}_H - \frac{t}{\sqrt{N_H}} S_H; \bar{x}_H + \frac{t}{\sqrt{N_H}} S_H \right]$$

Бу ердаги t - нормаллашган четланиш ишонч эҳтимоли p асосида аниқланади. Масалан, $p=0,95$ деб олсак, $t=1,96$.

4. Ўрта қийматларнинг тенглиги ҳақидаги

$H_0 : a_T = a_H$ гипотезани, унга қарама-қарши (альтернатив)

$H_1 : a_T \neq a_H$ гипотеза олинди.

Гипотезага нисбатан Стъюдентнинг

$$T = \frac{|\bar{x}_T - x_H|}{\sqrt{\frac{S_T^2}{N_T} + \frac{S_H^2}{N_H}}} \quad (5)$$

- статистикаси орқали текшираимиз. Агар $T > T_{0,95}(k)$ бўлса, H_1 қабул қилинади, акс ҳолда эса H_0 қабул қилинади.

Ушбу статистик маълумотларга кўра тажриба синов ишларида амалга оширилган математик ҳисоблар ва статистик таҳлил натижалар қараб чиқилади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика унивесритети талабалари билан ўтказилган натижаларни қараб чиқамиз.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача қиймат:

